

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**Т. Х. ГОЗИБЕКОВ**

**МАИШИЙ ТУРМУШ ЖАРАЁНИДАГИ  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ  
ВА ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИШ ФАОЛИЯТИ**

*Ўқув қўлланма*

**Тошкент – 2022**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака оширии институти  
Илмий кенгашида маъқулланган.*

*Масъул мухаррир:*  
Юридик фанлари доктори, профессор И.Исмоилов

*Тақризчилар:*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш иниститути Махсус касбий фанлар  
цикли бошлиғи подполковник Ж.С.Мухторов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат Юридик  
Университети Юридик фалсафа фанлари доктори, доцент в.б. А.А.Хакбердиев.

Малака ошириш институти бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник У.Э.Расулов

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги матбуот котиби раҳбари, фалсафа  
фанлари номзоди, доцент С.Т. Боймирзаева

F 59      Maiشний турмуш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳимоя  
ордери бериш фаолияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Малака ошириш институти, 2022. 117 б.

Ўқув қўлланмада маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пункти профилактика  
инспекторлари томонидан нотинч оиласалар, илгари судланганлар, спиртли ичимлик ҳамда  
гиёхвандликка ружу қўйган, иш билан банд бўлмаган, майшний турмуш тарзини мунтазам  
бузувчи ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар билан маҳалла,  
кенг жамоатчилик, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш бўлимлари фаолияти,  
Республика Оила марказининг бошқа идоралар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг  
келиб чиқиши сабаблари, уларга имконият бераётган омилларни барвакт аниқлашнинг илмий  
таҳлили ва ҳар бир муаммони маҳалла ҳамда шахс кесимида ҳал этиш билан боғлиқ  
профилактик чора-тадбирлар, шунингдек зўравонлик билан боғлиқ хорижий тажрибалар ва  
уларни миллий қонунчилиқда қўллаш масалалари ёритилган.

ИИВ таълим муассасаларининг тингловчилари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани  
раҳбарлари ва профилактика инспекторлари ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш  
фаолияти йўналишидаги барча ички ишлар органлари ходимларига мўлжалланган.

УДК 343.9 (575.1) (075)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022

## **К И Р И Ш**

Жамиятда тинчлик ва осойишталикини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳалқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, Янги Ўзбекистон давлатини қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Хусусан, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуи бўғинидан Республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинганлиги жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада самарали ташкил этиш имконини кенгайтирди.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида профилактик тадбирларни амалга оширишда аҳоли, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат муносабатини сингдириш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг содир этиш сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни маҳаллаларда бартараф этиш, хотин-қизларга нисбатан тазиик ва зўравонликнинг турли кўринишларини барвақт олдини олиш бўйича маҳсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш механизми яратилган.

Ушбу ўкув қўлланмада маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пункти ходимлари томонидан нотинч оиласлар, илгари судланганлар, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган, иш билан банд бўлмаган, майший турмуш тарзини мунтазам бузувчи ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан маҳалла, кенг жамоатчилик, соғлиқни саклаш, бандликка кўмаклашиш бўлимлари, Республика Оила маркази билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари, уларга имконият беряётган омилларни аниқлашнинг илмий таҳлили ва ҳар бир муаммони маҳалла ҳамда

шахс кесимида ҳал этиш билан боғлиқ профилактика чора-тадбирларни амалга ошириш тартиблари баён этилган.

Шунингдек, майший турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни ҳужжатлаштириш ва суд идораларига юбориш амалиёти билан боғлиқ тартиби, маҳалла тизимида турли оиласвий муносабатларни “**фуқаробай**” ўрганишни янада такомиллаштириш ва миллий урф-одатлар негизидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик, имом-хатиблар, отинойилар ва психологлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда сектор ва маҳалла кесимида амалга оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар келтирилган.

Бундан ташқари, қўлланмада профилактика инспекторининг хотин-қизларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш ва суд идораларига маъмурий тартибда юбориш тартиби, тазиик ҳамда зўравонлиқдан жабрланганларга ҳимоя ордерини расмийлаштириб бериш билан боғлиқ процессуал ҳужжатлар ўрин олган.

Ўқув қўлланманинг мақсади майший турмуш шароитида содир этилаётган турли зўравонликларга ўз вақтида барҳам бериш билан боғлиқ тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда таклиф ва хорижий тавсиялар бевосита уларнинг барвақт профилактикасини самарали ташкил этишга, шахсда зўравонлик ва виктимлик хусусиятларининг шаклланишини тақозо этувчи турли низоларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларни ўз вақтида олдини олиш ҳамда жамиятда соғлом турмуш мухитининг яратилишига хизмат қилишдан иборат.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда амалиётда кўп йиллар профилактика хизмати соҳасида ишлаган ходимлар тажрибаси ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти ҳамда Малака ошириш иниститутига ўқишига жалб этилган 226 нафардан ортиқ раҳбар ходимлар ҳамда Тошкент шаҳар, Бухоро ва Навоий ҳамда бошқа вилоят ИИОФМБ профилактика хизмати ходимлари ва маҳалла фаоллари билан ўтказилган оғзаки сўров натижаларидан фойдаланилди.

Ўқув қўлланмадан ИИВ таълим муассасаларининг тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбарлари ва профилактика инспекторлари, қолаверса амалиёт ходимлари хизмат фаолияти давомида фойдаланишлари мумкин.

# **І БОБ. МАИШИЙ ТУРМУШ СОҲАСИДА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва таснифи**

Ўзбек халқи азалдан баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишга доимо катта эътибор бериб келган. Инсон борлиқдаги барча нарсалар ичида энг улуғи ҳисобланади. Шундай экан, инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса, ёш авлодни камолотга етказишида уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш миллий маънавий маданиятимизнинг янада ривожланишида муҳим ўрин тутиши қонунчиликда белгиланган.

Шахсга нисбатан, шу жумладан, майший турмуш соҳасидаги турли зўравонликларга барҳам берувчи ва уларнинг профилактикаси бўйича чоратадбирларни амалга оширишни талаб қилувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар қўйидаги **уч гурухга бўлиб ўрганилади**:

- инсон ҳуқуки, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлар;
- аёллар ҳуқуки, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлар;
- болалар ҳуқуки, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлар.

Ушбу халқаро ҳужжатларда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, шунингдек камситиш, қийноққа солиш ёки шафқатсиз, гайриинсоний, қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этмаслик каби қоидалар киритилган.

Мамлакатимиз қонунчилигига ҳам дунёдаги ривожланган давлатлар сингари инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан майший турмуш соҳасида содир этиладиган зўравонликни тақиқловчи, гайриинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала ва жазога дучор этмаслик каби қоидалар акс этган.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Яшаш ҳуқуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»** (24-модда), **«Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга»** (27-модда) каби қоидаларнинг белгиланганлиги мамлакатимизда инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини қўрсатади.

## **Маиший турмуш соҳасидаги зўравонликини мазмун-моҳиятига кўра, қуидагича таърифлаш мумкин:**

- ✓ бирор-бир кишига жисмоний таъсир ўтказиш, қасдан баданга жисмоний куч ишлатиш, инсонга нисбатан турли даражада шикаст етказиш;
- ✓ шахсга мажбурий таъсир кўрсатиш, яъни шахснинг устидан зўравонлик қилиш, унинг ихтиёрига зид бўлган хатти-харакатларни қилишга мажбурлаш;
- ✓ шахсга руҳий таъсир этиш орқали уни ўзига қарам қилиш ёки бўйсундириш каби ҳолатларни ўз ичига олади.

Айрим олимларнинг фикрига кўра, **маиший турмуш соҳасидаги зўравонлик оқибатида шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, руҳий (психологик) таъсир кўрсатиш, мажбурлаш, қийнаш, жабр-зулм қилиш<sup>1</sup> ва жинсий зўравонлик** билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар батафсил ўрганилган бўлиб, асосан бундай ҳолатларнинг қуидаги турлари амалиётга тадбиқ этилган:

- жисмоний зўравонлик;
- руҳий зўравонлик;
- жинсий зўравонлик;
- иқтисодий зўравонлик.

Маиший турмуш соҳасидаги зўравонликнинг турлари юзасидан олимларнинг фикрлари ўрганилганда, улар қуидаги гурухларга ажратилган.

**Биринчи гурух олимлари** маиший турмуш соҳасидаги зўравонлик асосан жисмоний куч ишлатиш орқали содир этилишини ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилишган ҳамда маиший турмуш соҳасидаги зўравонлик, бошқа шахсга нисбатан қасдан жисмоний зўрлик ишлатиб, шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказишга қаратилган жисмоний дахлсизлигини бузишда намоён бўлишини келтирган. Лекин бундай ҳолатда жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатишни ҳам инкор қилмайди<sup>2</sup>. Жисмоний зўравонликни уриш, тепиш, танжароҳати етказиш, қамаб қўйиш орқали таъсир кўрсатишдир<sup>3</sup>.

Бизнингча, жисмоний зўравонлиқда жабрланувчига жисмоний зарар етказиш орқали унга нисбатан турли даражада шикаст етказиш ва моддий, маънавий, экологик зарар етказишни ҳам инобатга олишимиз лозим.

Зўравонлик - деганда шахснинг соғлиғи, ҳаёти, қадр-киммати ва бошқа конституциявий хуқуқ ҳамда эркинликларига зарар етказиш ёки зарар етказиш

---

<sup>1</sup> Гребёнкин Ф.Б. Уголовно-правовое значение психологического насилия в преступлениях против собственности: автореф. дис. кан.юрид. наук. – М., 2004. – С. 6.

<sup>2</sup> Базаров Р.А. Уголовно-парвовая характеристика насилия / Проблемы обеспечения личной безопасности граждан. – М., 1995 – С. Константинов Н. Уголовная ответственность за истязание / Законность – 2000. №4 – С.9.

<sup>3</sup> Уголовное право России. Общая часть. Учебник для вузов / Отв. ред. проф. Л.Л. Кругликов. – М., – 1999 – С.84.

билин боғлиқ жараёнларда уларни қўрқитиб, ижтимоий хавфли, ғайриқонуний таъсир кўрсатишдир<sup>1</sup>.

Жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилиш бу жабрланувчи (ёки жабрланувчиларни) жисмоний зўравонлик ишлатиш билан қўрқитишидир<sup>2</sup>.

**Маиший турмуш соҳасидаги зўравонлик** қўпинча жисмоний куч ишлатиш орқали ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган ҳолда содир этилади.

Зўравонлиқда куч ишлатиш, калтаклаш, баданга турли даражада танжароҳати етказиш ҳолатларида намоён бўлади.

**Маиший турмуш соҳасидаги зўравонлик** – деганда куч ишлатиш шакли орқали жабрланувчига қасдан оила-аъзолари, яқин дўстлари ва бошқа шахслар томонидан уриш, калтаклаш, унинг озодлигини чеклаш, яшаш жойида соғлом турмуш тарзи ва овқатланишидан маҳрум қилиш ҳамда руҳий саломатлигининг бузилиши ва қадр-қимматига зарар етказилиш тушунилади.

Табиийки, жисмоний зўравонлик баъзи ҳолларда жабрланувчини қўрқитиши ёки таҳдид қилиш билан биргаликда турли даражадаги танжароҳати етказиш, ҳаттоқи қасдан одам ўлдиришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг "Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган. Қонун таркиби 7 боб, 51 моддадан иборат. Мазкур қонунда умумий қоидалар ва асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш – хукуқбузарликдан жабрланганларга, ғайриижтимоий хулқатворли, хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хукуқбузарлик содир этган шахсларга хукуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқатвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи келтирилган.

Шунингдек, қонуннинг 4-моддасида хукуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари этиб **қуйидагилар белгиланган**:

- шахснинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятини юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- хукуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;

<sup>1</sup> Костюк М. Насилие в местах лишения свободы(социально-правовой аспект)/ Законность – 1998. – № 2. – С.43.

<sup>2</sup> Уголовной право.Часть общая. Часть особенная: Учебник / Под. общ ред. проф. Л.Д. Гаухмана. проф. Л.М Колодина и проф С.В. Максимова. – М.: Юриспруденция, 1999. – С. 352.

➤ хуқуқбузарлиқдан жабрланғанларни, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланған ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилингандан шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий мослаштириш;

➤ жисмоний шахсларнинг хуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ҳолатлари аниқ белгиланган.

**Хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари** этиб қўйидагилар белгиланган:

- ✓ қонунийлик;
- ✓ инсонпарварлик;
- ✓ тизимлилик;
- ✓ ишонтириш усулининг устуворлиги;
- ✓ таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини табақалаштириш ва якка тартибдаги ёндашиш.

Қонуннинг 6-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари кўрсатилган;

- ❖ хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ❖ хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси;
- ❖ хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- ❖ хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ва унда амалга ошириладиган вазифалар белгиланган<sup>1</sup>.

**Республикамиз миқёсида содир этилган майший турмуш соҳасидаги зўравонлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг** 37 фоизи қотиллик, 14,5 фоизи оғир тан-жароҳати етказиш ва 37,3и фоиз ўртача оғир ва енгил тан-жароҳати билан боғлиқ хуқуқбузарликларни ташкил этган<sup>2</sup>.

Шунингдек, жабрланувчига турли даражада тан-жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, уларнинг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва бошқа қўринишларда содир этилади<sup>3</sup>.

Масалан, тепиш, туртқилаш, сочини тортиш, итариб юбориш, бўғиши, турли ўткир тифли буюм ва қаттиқ жисмлар отиш, қурол билан хавф солиш ёки шикастлаш, уйдан кетишга, тунда дам олиш ва ухлашга имкон бермаслик ҳамда бошқа салбий ҳолатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Юридик адабиётларда келтирилганидек, зўрлик ишлатиш тушунчасига таъриф бериш нафақат мушқул иш, балки бунинг иложи ҳам йўқ, чунки биз кундалик турмушда тўқнаш келадиган ҳолатларнинг кўпчилиги зўрлик ишлатиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14-майдаги № 371-сонли қонун.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖСХД Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2021 йил 10 ойлик таҳлилий маълумотномаси.

<sup>3</sup> Рустамбаев М.Х. Жиноят хукуки: Маҳсус қисм. – Т., 2006. – Б. 42.

билин боғлиқ ҳолатлар тушунилади. Лекин биз уларни нормал ҳодиса сифатида кўрамиз (масалан, болаларни жисмоний жазога тортиш).

Болаларни жисмоний жазолаш, таълим ва тарбия бериш билан боғлиқ қонунчиликда кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик ҳам зўравонликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХДдан олинган маълумотда ва Малака ошириш институтида ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш жараёнларида “Маиший турмуш соҳасидаги зўравонлик оқибатида кўпроқ қайси турдаги ҳукуқбузарликлар содир этилмоқда?” деб сўралганида, улардан 37,7 фоиз қасдан одам ўлдириш, 22 фоиз қасдан баданга енгил шикаст етказиш, 14,5 фоиз қасдан баданга оғир шикаст етказиш, 13,5 фоиз қасдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш, 14,4 фоиз ҳақорат қилиш, 5,9 фоиз ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, 4,0 фоиз безорилик, 3,9 фоиз номусга тегиш, 3,2 фоиз қийнаш, 1,5 фоиз ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, 2,3 фоиз бошқа турдаги зўравонликлар кўрсатилишини маълум қилишган.

Маиший турмуш доирасидаги келиб чиқаётган турли низолар туфайли фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши оғир ҳамда ўта оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиши жуда ҳам ташвишли ва ижтимоий хавфи юқори бўлган қилмишdir.

Мисол тариқасида, Қашқадарё вилояти Нишон тумани “Оқ олтин” МФЙда яшовчи 1982 й.т. Х.У нинг уйида рашқ оқибатида бирга яшаган турмуш ўртоғи, 1987 й.т. Д.Х билан жанжаллашиб, уни маҳалласида жойлашган “Қодирхон ота” қабристонига олиб бориб, қасам ичтириб, у билан яна жанжаллашиб, уни танасининг турли жойларига пичоқ билан уриб жароҳат етказаётганини кўрган қизи 15-сонли ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси, 2007 й.т. М.Р ажратишга уринганида унинг танасининг турли жойларига шафқатсизларча уриши оқибатида турмуш ўртоғи ва вояга етмаган қизининг ўлимига сабаб бўлган. Афсуски, бундай оғир жиноятларнинг аксарият қисми айнан маиший турмуш соҳасидаги (уй-жой, нарса-буюм, кийим-кечак, раşк, турли тақинчоқлар ва бошқа ҳолатлар юзасидан содир этилмоқда.

Маиший турмуш доирасида содир этилган қасдан одам ўлдириш жиноятларининг ҳар тўрттадан биттаси, қасдан баданга шикаст етказишдан, ҳар бештадан биттаси эса маиший турмуш муносабатлари доирасидаги турли ҳолатлардаги низолар оқибатида содир этилаётганлиги аниқланган.

Малака ошириш институтига ўқишига келган ва онлайн ўтказилган дарслар жараёнида ходимлардан «Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар деганда қандай қилмишларни тушунасиз?» деган саволларга:

➤ уларнинг 37,3 фоизи маиший турмуш жараёнида бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан қасдан жисмоний куч ишлатиш орқали ҳаёт ёки соғлиғига қаратилган хатти-харакатларни;

- 21,8 фоизи шахсга зўрлик билан руҳий (психологик) таъсир кўрсатиши;
- 17,6 фоизи майшӣ турмуш жараёнида шахс ўз ҳукмронлигини ўтказишга қаратилган хатти-харакатларни;
- 4,7 фоизи жинсий зўравонлик қилишни, 6,3 фоизи қийнаш орқали руҳий азоб беришни;
- 40,1 фоизи кўрқитиш ва зулм қилиш деб жавоб беришган. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, майшӣ турмушдаги зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликларнинг энг кўп қисми 56,8 фоизни жисмоний зўравонликлар оқибатида содир этилаётганлигини баён этишдилар.

Олимлар жисмоний зўравонлик тушунчасини қуидаги **уч йўналишда** талқин қилишган:

**биринчи йўналишида** зўравонлик – жисмоний калтаклаш, баданга шикаст етказиш, зарба бериш, номусга тегиш, озодликдан маҳрум этиш.

**иккинчи йўналишида** зўравонлик – бу фақат соғлиққа зарар етказиш ёки жисмоний азоб бериш:

**учинчи йўналишида** зўравонлик – бу шахснинг руҳиятига таъсир этган ҳолда унинг ихтиёрига зид равища мажбурлаш эканлиги келтирган.

**Иккинчи гурӯҳ олимлари майшӣ турмуш соҳасидаги зўравонликини** руҳий ҳукмронлик таъсири остида содир этилишини ва уларга хос бўлган хусусиятларни ўз тадқиқотлари орқали тушунтиришга харакат қилишган.

Зўравонлик шахснинг руҳиятига турли усуслар билан таъсир кўрсатиш, руҳий зўриқишини келтириб чиқариб, шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва эркинлигини чеклашга қаратилган хатти-харакатлар содир этиш билан боғлиқ ҳолатлар эканлигини таъкидлашган.

Лекин, зўравонликнинг яна бир тури шуки, шахсга моддий, маънавий, ижтимоий, экологик ва биологик ҳамда бошқа таъсир қилиш мумкин.

Масалан, ҳозирги ривожланган жамиятда ўсиш бўлганлиги сабабли, илм-фан ва жиноятчиликнинг янги қирралари очилмоқда. Жумладан, кибер-жиноятчилик орқали инсонни қийноққа солиш ҳамда унга моддий, маънавий ва руҳий таъсир қилиши мумкинлигини амалиётда кўриш мумкин.

Бухоро вилоятида содир этилган ўғрилик жиноятларининг 2020 йил мисолида ўрганиш жараёнида ҳам айнан шу муаммога дуч келганмиз<sup>1</sup>.

Майшӣ турмуш жараёнида болаларга нисбатан руҳий зўравонлик содир қилинганида, катталар уларнинг руҳиятига қаттиқ таъсир этишнинг салбий оқибатларини **англаб этишмайди**. Ваҳоланки, оиласда ва маҳаллада арзимаган турли баҳоналар билан катталарнинг болалар олдида низоли ҳолатларни келтириб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўғрилик жиноятларини барвакт олдини олишда “Бухоро” вилоят методикаси 2021 йил март

чиқариши уларнинг **маиший турмуш соҳасидаги** зўравонликдан жабрланиши эҳтимолини кучайтиради.

Мазкур хатти-ҳаракатлар орқали болаларни тарбиялаш жараёнида зўравонликни **«урф-одатга асосланган»** одат ёки **«тарбия»** бериш усули деб қараш бу шахсни хўрловчи, камситувчи ва муомала жараёни салбий ҳолатларини қамраб олган мудҳиш жараён ҳисобланиб, инсонни жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

**Руҳий зўрлик ишлатиш** - деганда жабрланувчига жисмоний зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкини нобуд қилиш, жабрланувчига маълум бўлган ва у томонидан яшириб келган сир ҳамда бошқа унинг қадр-қимматини камситувчи ёки бадном қилувчи маълумотларни ошкор этиши билан таҳдид қилиш орқали қўрқитиши тушуниш мумкин.

**Руҳий зўравонлик асосан қўйидаги кўринишлардан иборат бўлади:**

- ✓ шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш;
- ✓ шахснинг руҳиятига таъсир этиш;
- ✓ ҳақорат ёки тухмат қилиш;
- ✓ мунтазам равища танқид қилиш ва қўрқитиш;
- ✓ қариндош - уруғлар орасида шарманда қилиш ва бошқалар.

Умуман олганда, майший турмуш жараёнида турли зўравонликнинг содир этилишида аксарият ҳолатларда, жисмоний ва руҳий зўравонлик биргаликда содир этилади. Бунинг натижасида, шахсни камситиш, тазиик ўтказиш, ҳақорат ёки тухмат қилиш орқали унинг соғлиғига нисбатан жисмоний шикаст етказиш билан содир этилади.

Шахс томонидан азоб ва уқубатлар учун ўч олиш, жазолаш айрим шахсларнинг бирдан-бир мақсади бўлиб, **маиший турмуш соҳасидаги** муносабатларда жабрланувчи билан айбдор ўртасидаги муносабат салбий бўлган бўлса, айбдорда ўч олиш ниятининг пайдо бўлиши ёки жабрланувчининг ахлоқقا зид хулқ-атвори айбдорда кучли руҳий бузилиши вужудга келиши мумкин.

**Майший турмуш соҳасидаги руҳий зўравонликни қўйидагича таърифлаш лозим:**

- руҳий тазиик ҳар доим инсонга қарши қаратилган бўлади;
- руҳий тазиик инсонга, унинг ихтиёрига зид равища содир этилади;
- руҳий тазиик ўзганинг руҳиятини эзиш, қийнаш орқали унинг соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

**Оила аъзолари ўртасидаги майший турмуш жараёнида содир этиладиган низолар оқибатида турли зиддиятлар келиб чиқади:**

- ✓ қундалик ҳаёт (турмуш)да оила аъзолари ўртасида;
- ✓ томонларнинг фикрлари бир-бирига қарама-қаршилиги, келишмовчилиги ва жанжал оқибатида вужудга келиши каби умумий белгиларга эга. Мазкур

белгиларга асосланган ҳолда майший турмуш **соҳасидаги** низога қуидагича таъриф бериш мумкин:

**оилавий низо - кундалик ҳаёт (турмуши)да оила аъзолари (эр билан хотини, қайнона (қайнота, қайнингил) ва келин, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасидаги фикрлар бир-бираига тўғри келмаслиги, келишимовчилиги ва уришиши оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятдир.**

Фуқароларга нисбатан зўравонлик ва унинг билан боғлиқ турли ҳукуқбузарликлар бўйича олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларда, уларга қарши кураш амалиётини тадқиқ қилиш натижалари таҳлилига асосланган ҳолда, майший турмушда зўравонликларни қуидаги гуруҳларга ажратиш мумкинлиги белгиланган:

а) руҳий;        б) жисмоний;        г) иқтисодий;        д) жинсий.

**Майший турмуш соҳасидаги жисмоний зўравонлик келиб чиқиши оқибатида унинг қуидаги қўринишлари пайдо бўлади:**

а) оиладаги муайян бир аъзонинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва қонун билан қўриқланадиган ҳукуқ ҳамда қонуний манфаатларига қарши;

б) жисмоний куч ишлатиш ёки уни қўллаш билан қўрқитиш орқали амалга оширилишида пайдо бўлади.

**Оиладаги жисмоний зўравонликка** қуидагича таъриф беришимиз мумкин, **оиладаги жисмоний зўравонлик** – бу кундалик ҳаётда эр-хотиннинг биргаликдаги (турмушида) оиласида бир ёки бир гуруҳ аъзолар томонидан боиша бир аъзонинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва қонун билан қўриқланадиган ҳукуқ ҳамда қонуний манфаатларига зид хатти-ҳаракат жисмоний куч ишлатиш ёки уни хўрлаш, таҳқирлаш ва босим ўтказиши билан қўрқитишида ифодаланади.

**Оиладаги иқтисодий зўравонликнинг** умумий белгиларидан ташқари бир вактнинг ўзида хусусий белгилар ҳам намоён бўлади:

➤ оиланинг муайян бир аъзосини моддий ёрдам (пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳ.к.) сўрашга мажбурлаш;

➤ уни турли хил баҳоналар билан пул ва буюмлардан фойдаланишдан маҳрум қилиш.

**Оиладаги иқтисодий зўравонлик** – кундалик биргаликдаги ҳаёт (турмушида оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан боиша бир аъзосини турли хил баҳоналар билан пул ва буюмлардан фойдаланишдан маҳрум қилиши орқали моддий ёрдам (пул, озиқ-овқат, кийим-кечак, телефон, компьютер, уй-жой ва ҳ.к.) сўрашга мажбурлаш.

**Майший турмушдаги жинсий зўравонлик** – аксарият ҳолларда руҳий, жисмоний ва иқтисодий тазииклар орқали амалга оширилиб, унда умумий белгилар билан бир вақтда қуидаги хусусий белгилар ҳам мавжуд:

а) Оиланинг муайян бир аъзосининг ор-номуси, қадр-қиммати ва жинсий эркинлигига қарши жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

б)унинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига таҳдид қилиш ёки уни қўллаш.

Мазкур таҳлилга асосланган ҳолда, майший турмуш жараёнида содир этилган жинсий зўравонликка куйидагича таъриф бериш мумкин. Оиладаги зўравонлик оқибатида инсоннинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, хусусан, ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига таҳдид ва тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

Зўравонлик оқибатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигига тажовуз қилувчи қилмишларга Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида тухмат, 41-моддасида ҳақорат қилиш, 45-моддасида фуқароларнинг тураг жойи дахлсизлигини бузиш, 46-моддасида фуқарога маънавий ёки моддий заарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш ёки 183-моддасида (майда безорилик) жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталигини бузиш билан боғлиқ моддаларида белгиланган ҳуқуқбузарликларни киритамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 109-моддасида тан жароҳати, 139-моддасида тухмат, 140-моддасида ҳақорат қилиш киритилган, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши шахснинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номусини камситиш, инсонни руҳий тушкунликка ва маънавий азоб-уқубат тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар таққосланганда, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 13,3 фоизга камайган. Мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг 2020 йилдан 2019 йилга нисбатан 4196 тадан 4329 тага содир этилиши камайган бўлсада, бу борадаги қилмишлар оқибатида оила аъзолари ва қариндош-уруглар ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши, ёмонлашишига ҳамда икки ёки ундан ортиқ оиласида низоли вазиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади<sup>12</sup>.

Мисол учун, Намангандеги Учқўрғон тумани Янги ҳаёт МФЙ А.Навоий кўчаси 9-йуда яшовчи, муқаддам судланган, 1957 й.т. F. маст ҳолда уйида оиласи жанжал оқибатида, бирга яшаган келини, 48-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, 1990 й.т. Ф. нинг кўкрак ва қорин қисмига бир неча маротаба пичоқ билан уриб ўлдирган. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, оиласида келиб чиқсан ҳақорат оқибати кўпинча шахснинг жиноий қилмиш содир этишига туртки бўлар экан.

Жинсий зўравонликнинг содир этилишида айбор жабрланувчини жинсий алоқа қилишга мажбурлайдиган хатти-ҳаракатлар қилиши учун аввал уни алдайди

ёки тўғридан-тўғри қўрқитиши, унинг жинсий дахлсизлигига куч ишлатиш билан тажовуз қилиши мумкин.

Масалан, эркакнинг аёлни ўзи хоҳламаган ҳолда жинсий муомала қилишга ундаши, алоқа вақтида муайян хатти-ҳаракатлар қилишга мажбурлаш, жинсий алоқани ўта шафқатсизларча амалга ошириш, турли порнографик қўринишдаги бузук, беҳаё хатти-ҳаракатларни кўришга, улардаги ёқимсиз ҳаракатларни такрорлашга мажбурлаш каби ҳолатлар бўлиши мумкин.

**Демак**, руҳий зўравонлик кўп ҳолларда қўрқитиши (тазийқ ўтказиш, қийнаш, жабр-зулм қилиш, ўзига қарам қилиш) шаклида содир этилади. Руҳий зўравонлик шахснинг «ихтиёрига зид» ҳаракатларни амалга ошириш ёки «тазийқ ўтказиш» мақсадида содир этилиши мумкин. Оиладаги зўравонликларнинг аксарияти руҳий\* (психологик ҳолатда) зўравонликни ташкил этади.

Зўравонликлар жумласига азоб бериш, ажратиб қўйиш, руҳиятини синдиришга қарши хатти-ҳаракатлар қилишга мажбурлаш ёки даъват этиш, мажбурий равишда ушлаб туриш, зўрлаш, шилқимлик қилиш, таҳқирлаш ва хўрлаш, устидан кулиш кабиларни мисол қилиш мумкин.

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва ғурурини бир неча марта таҳқирлаш (масалан, тухмат қилиш ва ҳақорат қилиш, таъқиб этиш, қийнаш ҳамда бошқа ҳолатлар)ни тушуниш керак.

**Қонунчиликда зўравонлик жинояти** деганда совуққонлик, криминал зўрлик содир этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Жинсий зўравонлик жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларига тажовуз қилувчи қилмиш бўлиб, ундан ижтимоий мавқеи, жинси, ёшидан қатъий назар ҳеч ким ҳимояланмаган. Таъкидлаш жоизки, жамиятда хотин-қизларнинг 33,7 фоизи жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ жиноятларнинг курбони бўлаётганларни ташкил этмоқда.

Зўравонлик деярли барча ҳолатларда жабрланувчининг ихтиёрига ва унинг хоҳиши ва истакларига амал қилмаган ҳолда руёбга чиқади. Бундай эҳтимол жинсий зўравонлик ҳолати содир этилганда, унинг бошқа қўринишлари ҳам пайдо бўлади, икки томоннинг ҳолатидан келиб чиқиб, вазият оғирлашиши ёки янада мураккаблашиши мумкин.

---

\* Изоҳ: Маиший-турмуш соҳасидаги содир этиладиган зўравонликлар оқибатида шахс руҳиятига (психик) маънавий, руҳий таъсир қўрқитиб бўйсундириш, мажбурлаш, хўрлаш, жабр-зулм қилиш, зўравонлик қилиш, сирини фош этишни айтиб қўрқитиши, уйдан хайдаб юборишга ҳаракат қилиш, болаларни калтаклаб аламини улардан олиш, ожиз аҳволда қолдириш ёхуд ўзига бўйсундириш ва бошқа қўринишларда намоён бўлади.

## **1.2. Мαιший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хукуқбузарликлар профилактикасининг ҳукуқий асослари**

Мαιший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг келиб чиқиши ёки содир бўлишини тақозо этувчи омилларни аниқлаш ва хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳукуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрь кунидаги 561-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 4 январь кунидаги 3-сон қарори, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси”, “Одам савдосига қарши курашиш”, “Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, жиноят процесдуал кодекси, жиноят кодекси, маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, оила кодекси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йилнинг 29 мартағи ПФ-27-сонли фармони** билан биргаликда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси ва унда белгиланган вазифалар ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш ҳамда янги босқичларга олиб чиқишида, жиноятчиликни янги қирралари билан курашишда замонавий тажрибаларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар, концепция ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳам хукуқий асос ҳисобланади.

Диалектик детерминизмнинг бир ҳалқаси бўлган сабабий боғланишнинг қоидаларига<sup>1</sup> асосланган ҳолда майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессорлари томонидан ўрганилган. Уларнинг тадқиқотига қўра, ушбу қоидалар қўйидагиларга бўлинган:

**биринчидан**, оиласидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар жамиятда объектив мавжуд, яъни улар ижтимоий ҳаётдаги, шу жумладан, майший турмуш соҳасида содир этиладиган зўравонлик ҳодиса, воқеа ва жараёнлардан иборат эканлигини;

**иккинчидан**, майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликлар оила аъзоси (аъзолари)нинг ҳамда бошқа аъзоси (аъзолари)га

<sup>1</sup> Хукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. Ҳ. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси – 2017 .

нисбатан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлиги) шаклида намоён бўлганлиги учун ҳам уни тақозо этган омиллар ҳам ижтимоий-психологик хусусиятга эгалигини;

**учинчидан**, майший турмуш соҳаси билан боғлиқ бўлган барча воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ундаги зўравонлик ҳамда унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликларга бевосита ёки билвосита таъсир қиласа, ҳукуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари ҳам, «бумеранг» сифати ушбу ҳодиса, воқеа ва жараёнларга акс таъсир кўрсатишини;

**тўртингчидан**, майший турмуш соҳасида зўравонлик оқибатида содир этилган ҳукуқбузарликлар билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар, асосий ёки асосий бўлмаган, биринчи ёки иккинчи даражали, ташқи ва ички омиллар сифатида намоён бўлишини;

**бешинчидан**, *майший турмуши* соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни тақозо этган омиллар улар билан сабабий, яъни генетик боғланишга эга эканлиги келтирилган. Лекин, профилактик чоратадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва барвақт профилактикани амалга ошириш нуқтаи назардан, майший турмуш жараёнида зўравонлик оқибатида содир этилган ҳукуқбузарлик билан айнан маълум бир вақт бўйича ёки минтақавий, кузатувчи ҳамда бошқа кўринишиларда боғлиқ бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳам ўрганилиши кераклигини;

**олтинчидан**, майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликни тақозо этувчи ҳар бир омил ўз сабабига эгалигини, ҳар бир оқибат эса янги оқибатни келтириб чиқаришини; (*Шундай экан, бир вақтда сабаб сифатида намоён бўлган бир омил бир неча омилларни, яъни оқибатларни келтириб чиқарииши, бир оқибатнинг эса бир нечта сабаби бўлиши мумкинлиги исботланган*).

**еттингчидан**, *майший турмуши* соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар айрим ҳолда сабаб ва бошқа бир ҳолатда эса шароит сифатида намоён бўлади. Сабаб ва шароит алоқада бўлгандагина оқибат келиб чиқади. Сабаб, шароит ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар ҳамда уларни тақозо этувчи омиллар ўртасидаги сабабий боғлиқлик (*генетик боғлиқлик*) борлигини таъкидлашган.

**Майший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни тақозо этувчи омиллар шартли равишда қуидаги гурухларга ажратилади:**

- ✓ оиладаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит;
- ✓ оиладаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги;
- ✓ оила аъзоси (аъзолари)да мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор;
- ✓ оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар;
- ✓ оила аъзоси (аъзолари)нинг спиртли ичимликка ружу қўйиши;

- ✓ оиладаги асоссиз (меъёрдан ортиқ) рашқ, эркак ва аёлнинг хиёнати;
- ✓ эрта турмуш қуриш, ёш оиладаги муносабатларга ноўрин аралашув.

Маиший турмуш жараёнида носоғлом маънавий-рухий муҳит қуидагиларни ўз ичига олади:

**Биринчидан**, маиший турмуш соҳасида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар, энг аввало оиладаги носоғлом ижтимоий-рухий муҳитнинг мавжудлиги билан боғлиқлигини кўрсатади.

Яна бир олимларнинг таъкидлашича, оиладаги муҳитга хос бўлган шартшароитлар орасида оиласида шахс шаклланадиган муҳит алоҳида аҳамият касб этади. Россиялик олим Ю.М.Антоняннинг фикрича, маиший турмуш соҳасида зўравонликнинг асосий сабабларидан бири ота-онанинг фарзандга меҳр қўймаганлиги, уларнинг тарбиясига эътиборсизлигидир деб таъкидлаган.

Шахснинг болаликда меҳр-муруватдан маҳрум қилиниши унинг руҳиятида безовталиқ, қўрқинч, нафрат каби ҳиссиётларни шакллантиради. Бу ҳиссиётлар онгиз равишда қайд этиб борилади ва муросасиз хулқ-атворнинг энг ашаддий қўриниши оиласида зўравонликнинг пайдо бўлишига олиб келади<sup>1</sup>.

Оиласида маънавий-ахлоқий муҳит носоғлом бўлиб, эр-хотин ва бошқа оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирини менсимаслик, қўполлик, ҳурматсизлик мавжуд бўлса, бундай оиласаларда низолар тез-тез келиб чиқади.

Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишида криминоген омилларнинг таъсир этиши муайян оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

**Професор И.Исмаиловнинг таъкидлашича** илмий ғояларда оиласида носоғлом вазият оила аъзолари ўртасида ғайриижтимоий носоғлом муносабатларнинг ва шахс салбий маънавий шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Шунингдек, оиласида меҳр ва муносабатлар етарли даражада бўлмаса ёки шаклланмаган бўлса, унда турли муаммолар ва низолар вужудга келишини таъкидлаб ўтган.

Маълумки, маиший турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир маромда бўлавермайди. Уй-рўзгор юмушларини бажаришда эр-хотин ва оила аъзоларининг бурчи, ота-онанинг фарзандлар олдидағи мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидағи бурчларини адo этиш жараёнида маиший турмуш соҳасидаги муносабатлар муҳим ўрин тутади.

Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, келишмовчилик ва англашилмовчилик ҳамда шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оиласида турли қўринишдаги низоларни келтириб чиқаради. Зоро, оиласида ёки жамиятда тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало,

<sup>1</sup>Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. – М., 1992. – С. 114.

<sup>2</sup>Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишини назарий ва ташкилий-ҳукукий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... – Т., 2006. – Б. 160.

ҳар қайси хонадондаги маънавий, тарбиявий шароит ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатларга таянган ҳолда шаклланиши ўз самарасини беради.

Бу борада, Юртбошимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев ўз асарлар тўпламида оила муқаддаслигини, оила жамият кўрки эканлигини ва бу ҳақда ҳар бир оила ва шахс кесимида жамият муқаррарлигини таъминлаш ҳар бир раҳбарнинг кундалик қоидасига айланиши кераклигини ўз йиғилишларида таъкидлаб келмоқдалар.

Маиший турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг аксариятини ахлоқсиз, маънавияти паст, салбий ҳулқ-атворга эга бўлган шахслар ташкил этади. Чунки, айбдорнинг муайян хатти-харакати ёки салбий ҳулқи жамиятда турли низо келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мисол учун, 1976 й.т. фуқаро Ю.Ж. 2019 йил 11 декабрь куни уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, хотини М.ни ҳар хил уятли сўзлар билан ҳақорат қилиши натижасида, улар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиб, турмуш ўртоғига нисбатан тан-жароҳати етказган.

Мазкур ҳолат ўрганилганда, улар ўртасида мунтазам равишда турли низолар, ҳақорат, қўполлик ва хўрлаш, таҳқирлаш, камситиш, қийнаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилсада, турмуш ўртоғи томонидан фарзандларининг келажагини ўйлаб, юқоридаги ҳолатлар юзасидан яқинларига, маҳаллага ҳамда ички ишлар органларига мурожаат қилмаган.

Бунинг натижасида, фуқаро Ю.Ж. ўзининг салбий хатти-харакатларини йиллар давом тақрорлаб келган ва маст ҳолатда уйида бўлган жияни О.М. ҳамда қизи Г.Ж. ва ўғли З.Ж.ларнинг олдида турмуш ўртоғи М.ни уриб, турли даражадаги тан-жароҳати етказгани камлик қилганидек, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 110-моддаси тартибидаги жиноятни содир этган<sup>1</sup>.

Ҳукуқшунос У.Ш.Холиқулов ўз тадқиқотида, жиноятлар ўзининг ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги ва асосан уларни содир этаётган субъектларнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан, унинг ахлоқий қашшоқлиги, беҳаёлиги, шафқатсизлиги билан белгиланади<sup>2</sup> дея изоҳлаган.

Зўрлик ишлатишга кўп ҳолларда маиший турмуш соҳасидаги турли низолар сабаб бўлиб, бу уларнинг бир-бирига нисбатан тан-жароҳат етказиш, ҳақорат қилиш, қийнаш, хавф остида қолдиришга баъзида эса қасдан одам ўлдиришгача сабаб бўладиган хатти-харакатлар содир этишга олиб келиши мумкинлиги исботланган.

Ушбу қилмишларнинг содир этилишига олиб келувчи асосий омил бу жамиятда носоғлом муҳитнинг шаклланганлиги оқибатидир. Оиладаги муҳитнинг

<sup>1</sup> Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди архиви материаллари. 26/09-сонли жиноят иши.

<sup>2</sup> Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят конунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс.-я. –Т., 2006. – Б. 50.

таъсири болалар тарбиясининг бузилишига, уларнинг катталарга тақлид қилишига замин яратади.

**Ал-Бухорий хазратлари ўз ҳадисларида** шундай улуғ ибора, яъни оила ва маҳаллада “Оҳиста муомалада бўлиш, баланд ҳам эмас, паст овозда ҳам эмас, балки оҳиста ўрта меъёрда гаплашиш лозимлиги” ҳақида келтириб ўтган.

Шунингдек, болага ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмасликни, оҳиста ширин овоз билан «яхши эмас» деган биргина чиройли ибора орқали тарбия ўгитларини сингдирганлар, ҳеч қачон зўравонлик орқали ўз мақсадларига эришмаганлар. Мисол учун, мумтоз ёзувчи Абдулла Қодирийнинг **«Ўтган кунлар»** асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши, оиласидаги низоли вазиятларни ҳам ҳеч бир уруш-жанжалсиз ўта нозиклик билан ҳал қилиниши тарбиянинг мураккаб ва серкирра томонларини, маънавиятимизнинг нақадар юқори эканлиги кўрсатиб берилганини кўриш мумкин.

**Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлари**дек, илм йўқ жойда қолоқлик, жоҳиллик, ёмонлик ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади<sup>1</sup>. Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бири биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз ва бунда оиласидаги катта таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар.

Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Шулардан бири бўлган оиласидаги тинчликни сақлаш олий энг улуғ неъмат эканлигини, барча ички ишлар органлари ходимлари ҳалқ манфаати учун хизмат қилишлиги лозимлигини Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳам устувор вазифа қилиб, белгилаб бердилар.

**Шарқ донишманлари таъкидлаганидек, энг катта бойлик бу ақл - заковат ва илм, энг катта мерос бу яхши тарбия демакдир,** дейилган. Шу сабаб, ҳар бир инсон ҳаётда адашмаслик учун ҳаёт сабоқлари билан бирга замонавий билимларни ўзлаштириб бориб, чинакам маърифат ва юксак маданият соҳиби бўлиши учун мунтазам равишда ўз устида ишлаши ва юқори чўққиларга эришишни мақсад қилиши лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта "Жамоат хавфсизлигини тъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармони.

## **Оиладаги носоғлом мұхит таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:**

- оилада турли низо ва келишмовчиликларнинг келиб чиқиши фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этишига;
- инсон ҳаёти ва ижодида бир қатор камчиликларнинг юзага келишига;
- шахсда салбий хусусиятларнинг шаклланишига;
- оила аъзолари ва қариндош уруғлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг бузилиши ёки ёмонлашишига;
- оилаларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Психолог И.Э.Клотниекс оилавий жанжаллар низолар ва салбий эмоционал реакцияларни келтириб чиқаради ва оиладаги психологик мұхитни бузади,<sup>1</sup> деб таъкидлайди, оиладаги низолар инсоннинг онгига салбий таъсир кўрсатиб, у ердаги мұхит ва тарбиянинг бузилишига олиб келади.

Оиладаги нотўғри тарбия эса шахсни маънавий шаклланишининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Бундай оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг яхши эмаслиги кўпинча турли низо ва ҳуқуқбузарлик аломатлари шакилланишига замин яратади<sup>2</sup>. Бунинг учун умумий, маҳсус, якка ва виктимологик профилактик тадбирларни доимий равишда амалга ошириш имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Ҳар бир оилада боланинг онги асосан, 5-7 ёшда ривожланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида меҳр-муруват шаклланиши, оиладаги мұхит таъсирида унинг маданияти, маънавиятининг илк куртаклари намоён бўла бошланишини унутмаслик керак.

Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши баркамол инсон бўлиб этишиши учун энг аввало, унинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

**Буюк олим А. Авлоний таъкидлаганидек: “Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё најот, ё ҳалокат, ё садокат, ё фалокат масаласидур”<sup>3</sup>.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мазкур масала юзасидан ўз муносабатини билдириб шундай дейди: “Биз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ота-она, жамият эътиборидан четдан қолган бола оиласа қувонч ва фойда ўрнига, фақат ташвиш келтиради.

Шу боис, бола тарбияси, ўшлар билан ишлаш биз учун энг мухим ва долзарб вазифа бўлиб қолиши шарт”<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, оилада тарбия масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатиб бўлмас салбий оқибатларни келтириб чиқариши ва бу ўз навбатида, жамиятга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

<sup>1</sup> Клотниекс И.Э. Психология в семье. – М., 1991. – С 30-31.

<sup>2</sup> Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси: Дарслик / И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М. З. Зиёдуллаев, Ё. Фарғиев ва бошқ.; масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2015. – Б. 236.

<sup>3</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т., 2006. – Б. 38.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б. 135.

## **П БОБ. МАИШИЙ ТУРМУШ СОҲАСИДА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1.Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили**

Маиший турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ички руҳий дунёқарашини, унинг моддий, маънавий, иқтисодий ва турмуш жараёнидаги эҳтиёжларини, эмоционал иродавий даражасини, ғайриижтимоий хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш ва бу турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш лозим.

Сабаби, маиший турмуш соҳасида содир этилган қилмишлар натижасида шахслар ҳакида юқорида кўрсатилган хусусиятлар атрофлича ўрганилмасдан қолинса, уни барвакт олдини олиш билан боғлиқ профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг самараси ўта паст бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ва маҳалла ҳамда сектор кесимида таҳлиллар асосида маҳсус ва умумий профилактик тадбирлар амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларнинг аксарият қисми ёшлигидан алкоголли ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилишни ўргангандан ҳамда унинг таъсирида турли ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли юқори бўлганларни ва ҳозирги вақтда компьютер тармоқлари орқали айрим порнографик мазмундаги киноларни кўп кўрган шахсларни ташкил этади.

Демак, ҳаётда ҳам айнан ушбу тоифадаги шахсларда жиноят содир этишга мойиллик юқори бўлиб, улар томонидан содир этилган жиноятлар таркибида шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган тан-жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганини кузатишмиз мумкин.

Юқоридагилардан айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни психологияк тамойилини ўрганишда бевосита уни ижтимоий муҳит билан ўзаро боғлиқлигини ва турмуш тарзини чуқур таҳлил қилиш керак. Чунки ҳуқуқбузарликни шахс ёки муҳит эмас, балки айнан уларнинг ўзаро алоқаси юзага келтиради<sup>1</sup>. Табиийки, ижтимоий муҳитнинг жиноий хулқка таъсири мураккаб хусусият бўлиб, ўрганилаётган муаммо бўйича аниқ маълумот олиш имконини беради. Қизиги шундаки, «...ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди,

---

<sup>1</sup> Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма.– Т., 2011. – Б.6.

жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий мухитдагина илдиз отиши мумкин»<sup>1</sup>.

Жиноятчи шахс ва унинг шаклланиш сабабларини самарали ўрганиш жиноий хулқ-атвор мотивларини тадқиқ этишни тақозо этади. Чунки, мотив шахс ва унинг хусусиятлари, мойиллари ва қизиқишлари билан узвий боғлиқдир<sup>2</sup>.

Ички ишлар органлари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика инспекторлари ўртасида «маиший турмуш соҳасида зўравонлик содир этувчи шахсларнинг психологик хусусиятлари нималарда намоён бўлади?» деб сўралганида, уларнинг 19,4 фоизи маънавий-ахлоқий фазилати пастлиги, 15,2 фоизи ижтимоий-рухий хусусияти салбий бўлган шахслар ташкил этишини билдирилар.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, майший турмуш соҳасида зўравонлик содир этувчи ҳуқуқбузар шахсларда раҳм-шафқат ришталарининг камлиги, иш билан банд этилмаганлигини, оиласдаги етишмовчиликлар ёки уларнинг хулқ-атворида агрессивлик ҳолатига тушиб қолишиликни ўз яқинларига нисбатан турли кўринишдаги зўравонликларни содир этишида намоён бўлишини билдириди. Бундай тоифадаги шахслар асосан, зўравон, жабр-зулм қилувчи, жабрловчи, зулмкор шахслар эканлигини алоҳида таҳлил қилиб, бу борада тегишли профилактик тадбирларни кучайтиришни талаб этади.

Ташкилий департамент ва вилоятлар ИИБларидан олинган маълумотларда «маиший турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар асосан қайси турдаги қилмишларни кўпроқ содир этишмоқда» деб сўралганида, уларнинг аксарияти қасдан баданга тан-жароҳати етказиш, қийнаш, номусга тегиши, қасдан одам ўлдириш, ҳақорат қилиш, тухмат, аёлни эрга тегишига мажбурлаш ёки тўсқинлик қилиш, безорилик, ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш билан боғлиқ турли жиноятлар содир этилаётганлигини маълум қилмоқда.

Майший турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар кўп ҳолатларда мастлик оқибатида ҳуқуқбузарликлар содир этаётганлиги таҳлилларда ўз исботини кўрсатаётганликларини билдирилар.

Демак, шахснинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши оқибатида руҳий асад тизимининг тормозланиши, ўзини тўлиқ бошқара олмаслиги, қилаётган хатти-ҳаракатининг салбий оқибатини англаб етмаслик, айниқса, шахснинг хулқ-атворида эмоционал руҳий ҳолатларининг салбий томонга ўзгариши кузатилади<sup>3</sup>. Умуман олганда, шахснинг мастлиги натижасида ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилолмаслик, қўполлик, агрессивлик, ўзини қўз-кўз қилиш, жоҳиллик ва бошқа ҳолатлар кузатилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – Б. 147.

<sup>2</sup> Ильяшенко А.Н. Борьба с насильтвенной преступностью в семье. – М., 2003. – С. 115.

<sup>3</sup> Попов А.Н. Насилие как основание возникновения аффекта присовершении преступлений против личности. Уголовно-право.- Киев. – 2002 – С.69.

Мастлик ҳолатидаги кишининг онгига жиддий ўзгаришлар пайдо бўлади ва бунинг оқибатида ахлоқ-одоб нормаларига бефарқлик, тартибсиз жинсий алоқа қилиш, атроф-мухитга хурматсизлик билан қарааш ҳамда бошқа салбий ҳолат пайдо бўлади. Бу ўз навбатида, жамиятда турли ғайриижтимоий салбий хусусиятларни шакллантириб, шахснинг ҳукуқбузарликлар содир этишига замин яратади.

Дарҳақиқат, шахснинг мастерлик ҳолатидаги ҳаракатларида маълум бир даражада ҳукуқбузарнинг «ҳеч кимдан қўрқмайман», «қандай хоҳласам шундай яшайман», «ҳамма нарса мумкин», «ҳамма нарсани қилишга қодирман», «как хачу так еду» деган фикрлари уларнинг ижтимоий хавфли ҳаракатларида намоён бўлади.

Бунинг натижасида содир этиладиган зўравонлик ҳукуқбузарликлар кўпчилик ҳолларда маданий билим даражаси паст бўлган шахслар томонидан содир этилади<sup>1</sup>.

Маиший турмуш соҳасида ҳукуқбузарлик содир этувчи шахслар билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар содир этган шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлганлари қаторига, вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилувчи тоифадагиларни ҳам киритиш мумкин.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятларнинг қиёсий таҳлили, ушбу қилмишни содир этаётган шахслар бир вақтнинг ўзида бир нечта вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бошқача айтганда, ёшлар ва аёллар муаммолари жамиятдаги муаммоларнинг барометри ҳисобланади. Хусусан, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтаقا бўлиб, аҳолисининг ёши ўртача **27,6** ёшни ташкил этади. Минтаقا аҳолисининг **50 фоизга яқини** Ўзбекистон Республикасига тўғри келади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг **18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини** 30 ёшгacha бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади (15 ёшдан 19 ёшгacha бўлгани **2 558 977 нафар**, 20 ёшдан 24 ёшгacha **2 890 718 нафар**, 25 ёшдан 29 ёшгacha **3 212 525** нафарни ташкил қиласди).

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга боғлиқ бир қанча жиддий муаммолар мавжуд.

Мисол тариқасида, **39 088 нафар** ёшлар нотинч оилаларда истиқомат қилмоқда, улардан **368 нафар** ёшлар турли зарарли норасмий гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилда ҳар **100 та** жиноятнинг 2,2 тасини 16-17 ёшдагилар, ҳар **100 та** жиноятнинг 15,2 тасини 18-24 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 19,2 тасини эса 25-30 ёшдаги шахслар содир этган респуб-

<sup>1</sup>Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўкув кўлланма – Т., 2011. – Б. 30.

ликамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган **150** минг нафар болаларни ташкил этган. 2021 йил 10 ойида эса 18-30 ёшлилар орасидаги жиноятларнинг 64,4 фоизини ёшлар ташкил этган, ўқимайдиган ва ишламайдиганлар томонидан 121,0 фоиз ёки **20.300** нафарни ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Таҳлилларга кўра, мазкур соҳадаги жиноятлардан жабрланган шахслар кўп ҳолларда эр-хотин бўлиб, бирга яшаётган шахслар 69,4 фоиз, шунингдек, олдин эр-хотин бўлиб бирга яшаган, сўнгра ажрашганлар эса жабрланганлик даражаси бўйича кейинги ўринда (13,5 фоиз) туради. Бундан кўриниб турибдики, ушбу соҳадаги жиноятлардан **шахсларнинг жабрланиш ҳолати 82,9 фоиз ҳолатда оиласидаги эр-хотин муносабатлари доирасида юз бермокда**.

Бу эса ушбу соҳадаги жиноятларни кескин камайтиришга эришиш учун жамиятдаги эр-хотин муносабатлари соҳасида тизимли тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришни тизимли ташкил этиш лозимлигидан далолат беради.

Маиший турмуш соҳасида ҳукуқбузарлик содир этувчи шахслар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятларининг **содир этилиш сабаблари** таҳлил қилинганида, уларнинг **49,2 фоизи маиший аъзоларининг ўзаро муросага кела олмаганлиги оқибатида, 21,3 фоизи рашик туфайли, 6,6 фоизи мол-мулк талашиш, 4,9 фоизи ўч олиш ҳамда** 18 фоизи бошқа сабабларга кўра содир этилганлиги намоён бўлди.

**Мисол тариқасида келтириб ўтамиз.** Андижон тумани Жаҳонобод МФЙ Жаҳонобод кўчаси 164-йда яшовчи, фуқаро М. С. уйда 1980 й.т ўғли М. билан ўзаро жанжал оқибатида, отаси билан бирга яшовчи ўгай укалари, 39-сонли ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси, 2005 й.т. Р. нинг бўйин ва бош қисмларига ҳамда 39-сонли ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси 2007 й.т. И.ларнинг ўнг қўл ва чап қулоқ қисмига чопқи билан уриб, оғир турдаги жароҳат етказган.

Энг ачинарлиси, мактаб ёшидаги ўсмирларга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлиш, бу билан вояга етмаганларни дарс жараёнларини узок муддатга қолишига сабаб бўлган, натижада, вояга етмаганлар бу ҳолатда кучли қўрқув остига тушиб қолиши, бошқа касалликларга чалиниши, жиноят қурбонига айланиши, ўз-ўзига тан жароҳати етказиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим ва бундай муҳитда ўсган вояга етмаганлардан келажакда қандай инсонлар келиб чиқишининг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиш керак.

**Шунингдек, номусига тажовуз қилинган вояга етмаган қизларда** зўрланганидан кейин узоқ вақтгача қўрқув, ўзига келмаслик, асабийлик, атрофдагиларга ишонмаслик, ўзига хурматсизлик, жирканиш, баъзан ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳолатлар содир этилиши мумкин. Шубҳасиз, бундай жиноятлар жамиятда ҳукм суреб турган одоб-ахлоқ нормаларининг ўта хавфли кўринишдаги бузилиши ва ғоят оғир даражадаги оқибатларга олиб келиши

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ХПХнинг 2021 йил 10 ойлик таҳлил маълумотномаси.

кузатилган. Жинсий зўрлик ишлатиб содир этиладиган бундай жиноятлар ўзига яқин бўлган қариндошлари ёки оиланинг бошқа аъзолари, шунингдек, танишибилишлари томонидан содир этилади<sup>1</sup>.

## **2.2.Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар содир этилишини тақозо этувчи омиллар таҳлили**

Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларнинг жиноят содир этишга мойиллик даражаси қуидагиларда намоён бўлади, яъни миший турмуш соҳасида зўравонлик содир этган ҳуқуқбузар шахсларнинг хулқатвори, хусусияти, қўполлиги уларнинг ижтимоий-рухий хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда содир этилишини тақозо этувчи омил ўрганилади.

Шунингдек, уларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар оқибатидан келиб чиқсан ҳолда содир этилади ва юқоридаги хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг психологиясига хос бўлган хусусиятларида намоён бўлади.

Ушбу тоифадаги шахслар томонидан миший турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш эҳтимоли ҳам анча юқори эканлиги уларнинг юриш-туришларида ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Табиийки, шахснинг хулқатворидаги таъсиранчилик, ҳис-ҳаяжонга тез берилиш, жizzакилик, қўполлик, ўзини идора қила олмаслик, ўзининг хатти-ҳаракати оқибатини ўйламаслик кўпинча ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг психологиясига хос хусусият ҳисобланади.

Бундай шахслар одатда, жабрланувчининг бирон-бир неъматга эгалик қилишига, шахсга хавф солишга, ўзининг манфаатини бошқаларнинг манфаатидан устун қўйишга, жабрланувчининг муайян ҳаракатлари учун зўравонлик билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиласидилар.

**Шу ўринда, миший турмуш соҳасидаги зўравонлик оқибатида содир этиладиган жиноий қилмишларни тажовуз объектидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги турларга ажратиш мумкин:**

- Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган ҳаётга қарши жиноятлар;
- Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган соғлиққа қарши жиноятлар;
- Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар;
- Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жинсий эркинликка қарши жиноятлар;
- Маиший турмуш соҳасида ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар;

---

<sup>1</sup> Самойлен К.В. Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия сексуальной насилиственной преступности в семье: афтореф. дис. кан. юрид. наук. – Краснодар. 2014. – С. 8.

➤ Майший турмуш соҳасида содир этиладиган шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар.

Майший турмуш соҳасида содир этиладиган ҳаётга қарши қилмишларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддасида кўрсатилган қасдан одам ўлдириш, 98-моддасида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш, 99-моддасида онанинг ўз чақалогини қасдан ўлдириши, 103-моддасида ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш билан боғлиқ жиноятларни келтиришимиз мумкин.

Ушбу турдаги жиноятлар таҳлил қилинганда, йиғма жиллардаги мавжуд анкета сўровларида шуни кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисм «ж» банди ўта шафқатсизлик билан, «и» банди тамагирлик ниятида, «л» банди безорилик оқибатида содир этилганлиги учун жавобгарлик келтирилган. Шунингдек, жиноят кодексининг 99-моддасида онанинг ўз чақалогини қасдан ўлдириши билан боғлиқ жавобгарлик белгиланган. Минг афсуски, амалиётда сўнгти пайтларда майший турмуш соҳасида содир этилаётган турли низолар оқибатида юқорида келтирилган жиноятлар содир этилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда жиноят кодексининг 97-моддасида қасдан одам ўлдириш жиноятлари 359 тадан 406 тага, 13,9 фоизга ошган: Ушбу жиноятларнинг ҳар тўрттасидан биттаси ёки содир этилган қотилликларнинг 35 фоизи айнан майший турмуш муносабатлари доирасида содир этилган<sup>1</sup>.

Мазкур жиноятлар худудлар кесимида ўрганилганда, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда Сирдарё вилоятида 11,11 фоизга (2019 йилда 9та, 2020 йилда 10та), Наманган вилоятида 12,5 фоизга (2019 йилда 24та, 2020 йилда 27та), Навоий вилоятида 15,3 фоизга (2019 йилда 13та, 2020 йилда 15та), Сурхондарё вилоятида 17,39 фоизга (2019 йилда 23та, 2020 йилда 27та), Жizzах вилоятида 21,43 фоизга (2019 йилда 14та, 2020 йилда 17та), Қашқадарёда вилоятида 25 фоизга (2019 йилда 24та, 2020 йилда 30та), Қорақалпоғистон Республикасида 63,6 фоизга (2019 йилда 11та, 2020 йилда 18та), Фарғона вилоятида 69,2 фоизга (2019 йилда 26та, 2020 йилда 44та), Андижон вилоятида 72,7 фоизга (2019 йилда 22та, 2020 йилда 38та) ошиб кетишига йўл қўйилган.

Қасдан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш жиноятлари таҳлил қилинганда, 2020 йилда Қашқадарё вилоятида (25 фоизга), Андижон вилоятида 72,7 фоизга), Фарғона вилоятида (69,5 фоизга) ошган.

Бироқ, Тошкент вилоятида 1,41 фоизга (2019 йилда 71та, 2020 йилда 70та), Тошкент шаҳрида 5,77 фоизга 3та (2019 йилда 52та, 2020 йилда 49та) ҳамда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахборот маркази статистик маълумотлар таҳлили 2019-2021 йиллар.

Самарқанд вилоятида 11,36 фоизга (2019 йилда 44та, 2020 йилда 39та) жиноятлар камайган<sup>1</sup>.

**Маиший турмуш соҳасида** зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликларнинг содир этилган вақти ўрганилганда, аксарият жиноятлар тунги соат 18-00дан 24-00гача бўлган вақт оралиғида содир этилаётганлиги аниқланган, б соат давомида содир этилган жиноятларни, туну-кунга таққосланганда, умумий жиноятларнинг 46,5 фоизини ташкил этаётганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 98-моддасида кўрсатилган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар охирги 6 йилда 21 та содир этилган бўлиб, ушбу жиноятларнинг камайишига эришилган.

Шунингдек, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда жиноят кодексининг 103-моддасида ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти охирги йилларда 8,0 фоизга камайган бўлсада, бирор, бу борада жиноятлар содир этилмоқда<sup>2</sup>.

Маиший турмуш соҳасида асосан содир этиладиган *соглиқقا қарши ижтимоий хавфли қилмишлар сирасига*, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 104-моддасида қасдан баданга оғир шикаст етказиш, 105-моддасида қасдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш, 106-моддасида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртacha оғир шикаст етказиш, 109-моддасида қасдан баданга енгил шикаст етказиш, 110-моддасида қийнаш билан боғлиқ жиноятлар келтирилган.

Ушбу жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноят кодексининг 104-моддасида қасдан баданга оғир шикаст етказишнинг иккинчи қисми «а» банди ҳомиладорлиги айбордога аён бўлган аёлга нисбатан, «в» банди ўта шафқатсизлик билан, 104-модданинг учинчи қисми «а» банди икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, «д» банди жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, 105-модданинг 1-қисми, 2-қисмининг «а» банди икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, «б» ҳомиладорлиги айбордога аён бўлган аёлга нисбатан, «г» банди ўта шафқатсизлик билан, 106-моддада кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртacha шикаст етказиш, 109-моддада қасдан баданга енгил шикаст етказиш, 110-моддада қийнаш 1-қисми, 2-қисмининг «а» банди вояга етмаган шахсга нисбатан, «в» банди ожиз аҳволдалиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан жиноятларнинг содир этилиши сўнгти пайтларда оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётганлиги кузатилмоқда. Юқоридаги таҳлил ва маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса қилинганда, ҳукуқбузарлик содир этувчи ҳар бир омилга эътибор қаратиш ва таҳлиллар асосида кенг жамоатчилик ҳамда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Ҳукуқбузарликлар профилактикаси хизматидан 2021 йил учун олинган маълумотномаси.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ аҳборот маркази статистик маълумотлар таҳлили 2012 - 2017 йиллар.

тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда ўз вақтида таъсирли тарбиявий профилактик чораларни кўриш талаб этилади. Бунда асосий эътибор чукур таҳлил ва маълумотларга асосланган ҳолда фуқаробай ишлаш тизимини янада кучайтириш, ҳар бир оила ва шахс кесимида ишлаш кераклигини унутмаслигимиз лозим.

**Амалиётда жиноят содир этган шахсларнинг қилмишлари оқибатлари ўрганилганда қуйидагилар кузатилган:**

- жабрланувчининг қилмишига жавоб қайтариши;
- ўзининг манфаатини устун қўйиши;
- ўч олиш мақсадининг мавжудлиги;
- жиноий ниятини амалга ошириши;
- содир этган қилмишини яшириши;
- жабрланувчидан кутилиш мақсади борлиги;
- оиланинг бошқарувини қўлга олиши;
- бошқалар олдида ўзини қўз-кўз ва намойиш этиши;
- ортиқча даромад манбаларини қўлга киритилганлиги;
- кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибати;
- олди-берди муаммоларининг ижобий ҳал этилмаганлиги;
- рашқ ёки кучли руҳий ҳиссиёт таъсири натижасида содир этилиши мумкин.

Бундай турмуш тарзи эса майший турмуш **соҳасидаги** сокин турмуш тарзига салбий таъсир қилиб, шахснинг ҳулқига таъсир кўрсатади.

Бу эса ташқи ижтимоий ва бошқа омиллар жараёнида шаклланиб, ҳукуқбузарлик содир этувчи шахснинг шахсий хусусиятларига кескин таъсир кўрсатиб, уни келгусида жиноят содир этишини белгилаб беради<sup>1</sup>.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг мотивини барчаси қасдга бориб тақалади. Аммо, ушбу мотив кўп ҳолларда бошқа мотивлар, **хусусан, қасос, рашқ, ҳасад**, жабрланувчини қўрқитиши, айбордor қўйиган талабларнинг жабрланувчи томонидан бажарилишига эришиш кабилар билан узвий боғлиқ бўлиши ҳам мумкин<sup>2</sup>.

Мазкур жиноятларни содир этган шахсларнинг асосий қисмини 30 ва 55 ёшгача бўлган шахслар ташкил этиб, уларнинг 61 фоизини илгари судланганлар ташкил этмоқда. Қасдан жиноят содир қилган шахснинг судланганлигидан кейин яна янги қасдан жиноят содир этиш унинг ҳулқ-атвори бузилиши даражасининг янада чуқурлашганлигини кўрсатади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Акназарова Ш. Майший турмушдаги зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар сабабларини аниқлашнинг аҳамияти // Адвокат. – Т., 2011. №-2. – Б. 37.

<sup>2</sup> Астанов И.Р. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жихатлари: Ўқув қўлланма. – Т., ТДЮУ, 2015. – Б. 139.

<sup>3</sup> Инамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш: юрид. фан. номз... дис. – Т., 2011. – Б. 57.

Хукуқбузар шахснинг илгари жиноят содир этганлиги ҳам муайян қилмишнинг келиб чиқишида, айниқса, жабрланувчининг қилмишига жавоб реакциясини қайратиш билан жиноят содир этилишига олиб келишини кузатиш мумкин. Бундай вазиятларни никоҳсиз бирга яшаган шахслар орасида ҳам кузатиш мумкин.

Мисол учун, илгари судланган 1961 й.т. фуқаро Ф. таниши Ж.нинг уйида анча муддат у билан никоҳсиз бирга яшаб келган. Улар биргаликда Ж.нинг уйида спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, никоҳсиз яшаётган турмуш ўртоғи Ж.ни бевафоликда айблаб, танасининг турли жойларига қўл ва оёқлари билан уриб, танжароҳати етказган<sup>1</sup>.

Воқеа ва ҳодисалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, майший турмуш соҳасида зўравонлик жиноятларини содир этган шахсларнинг аксарият қисмини турмуш тарзи носоғлом, вақтинча ишсиз, маълумоти юқори бўлмаган, маънавияти ривожланмаган, атрофдагиларга бўлган муносабати самимий бўлмаган, атрофидагилар билан муомалада қўпол ва жizzаки бўлган шахслар эканлиги кузатилган.

Таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, майший турмуш соҳасида зўравонлик қурбонларини асосан, унинг ожиз бўлган аъзолари, яъни болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ташкил этади. Шунингдек, майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликлардан жабрланганларнинг 57,4 фоизини аёллар, 29,7 фоизини вояга етмаганлар, 6,1 фоизини қариялар, 4,6 фоизини эркаклар ва 2,6 фоизини ногиронлар ташкил этмоқда.

Майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ содир этилган қасдан баданга турли даражада шикаст етказиш жиноятларининг 32,8 фоизида жабрланувчининг салбий хулқ-атвори, 25,0 фоизида жабрланувчи билан айборд ўртасида юзага келган келишмовчилик, 19,0 фоизида жабрланувчининг айбордога ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганлиги, 14,0 фоизда жабрланувчи билан айборнинг биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги виктимологик омил сифатида намоён бўлган.

Майший турмуш соҳасида зўравонлик оқибатида жабрланувчиларининг маълумот даражаси ўрганиб чиқилганда, уларнинг 2,2 фоизи ҳатто бошланғич маълумотга ҳам эга бўлмаган, 8фоизи тўлиқсиз маълумотга, 60,9 фоизи ўрта маълумотга, 21,2 фоизи ўрта махсус, 1,5 фоизи тўлиқсиз олий, 16 фоизи эса олий маълумотга эга эканлиги аниқланган.

Шахсда ўзи устида ишламаслиги, маълумоти ва мутахассислиги йўқлиги, дунёқарашиб даражасининг пастлиги, алкоголли маҳсулотларга ружу қўйганлиги, ишсизлиги ва боқимандалиги шахсда зўравонлик қурбони бўлиш ва ўзига нисбатан содир этиладиган тажовузларга дучор бўлиш ҳолатини орттиради.

<sup>1</sup> Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архиви 1/264-09-сонли йигма жилд.

✓ **биринчидан**, ушбу маълумот даражаси паст шахслар ўзларининг агрессив характерлари билан ўзини кўрсатишга ҳаракат қилиши, айниқса бўлмагур хатти-ҳаракатлар билан кимгадир жавоб реакциясини қайтаришга мойил бўлишади.

✓ **иккинчидан**, маълумот ва маданият даражасининг пастлиги қриминал ҳолатга тўғри баҳо беришга ҳамда уларнинг манфатларини ҳимоя қилишга тўсқинлик қиласди.

Аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликларнинг энг кўп кўринишларига уларни бирга яшашга, фоҳишлик қилишга мажбурлаш, номусига тегиш, зўравонлик қилиш ва спиртли ичимлик, гиёхвандлик моддалар истеъмол қилдириш, мунтазам хўрлаш ва руҳий таъсир кўрсатиш ҳамда бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабилар киради<sup>1</sup>.

Аёлларнинг юқори даражадаги виктимлиги уларнинг заифа эканлигига эмас, балки жамиятда сақланиб қолган қадриятлар ҳамда оилавий муносабатлар жараёнидаги одатларидандир. Оилада эркакларнинг барча муносабатларида етакчилик қилиши, ҳукмронлик муносабатини ўрнатиши, яъни ўзининг мустақил қарор қабул қилиши каби ҳолатлар аёлларнинг зўравонлик қурбони бўлиш эҳтимолини кучайтиради.

Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар қурбонларига оид хорижий мамлакатлардаги вазиятлар ўрганилганда, Боливияда йилига 17 фоиз аёллар жисмоний зўравонлик қурбони бўлиши, Бангладешда қасдан одам ўлдириш жиноятларининг 50 фоизини эри томонидан хотинига нисбатан содир этилиши, Янги Зелландияда 20 фоиз аёллар эри ёки бирга яшовчи эркак томонидан жисмоний калтакланиши, Покистонда 42 фоиз аёллар оилада жисмоний зўравонликни ўзларининг тақдири деб ҳисоблаши, Испанияда ҳар беш кунда қасдан ўлдирилган шахсларнинг биттаси аёллар бўлиб, улар ўзининг турмуш ўртоғи томонидан ўлдирилганлиги, Францияда йилига 25 минг аёл эри томонидан жинсий зўравонлик қурбонига айланиши, Австралияда аёлларнинг 18 фоизи оилада зўравонлик қурбонига айланиши ва Россия фендерациясида йилиги 36 минг аёллар оилада зўравонлик оқибатида тан-жароҳати олаётганлиги, Англияда эри ёки бирга яшовчи эркак томонидан ҳафтада икки нафар аёлнинг ўлимига сабаб бўлувчи жисмоний зўравонликлар келиб чиқиши, Миср Араб Республикасида 35 фоиз оилада аёллар турмуш давомида камида бир маротаба эри томонидан қаттиқ жисмоний калтакланиши, Канадада оиладаги зўравонлик содир этган шасхлар томонидан йилига 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида жарима тўланиши қайд этилган<sup>2</sup>. Шубҳасиз, бундай зўравонликлар жамиятдаги ахлоқ нормаларига зид бўлиб, ўзининг ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради.

<sup>1</sup> Ҳолиқов Д.Р. Ҳукукий маданият – оиланинг мустаҳкамлиги асоси. – Т., 2007. – Б. 13.

<sup>2</sup> <http://www.rusmedserv.com/psychsex/monogr>.

Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, айбдорлар зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жисмоний заифлигидан фойдаланиб, жабрланувчига нисбатан турли даражада жиной қилмишлар (жисмоний, руҳий, жинсий зўравонлик)ни содир этишган.

Бу ўз навбатида, бундай қилмишлар содир этилиши майший турмуш соҳасида зўравонлик узок давомли низо ва келишмовчиликлар оқибатида келиб чиқади ва муайян шахс жабрланади, балки у ерда тарбияланаётган фарзандлар ҳам маънавий-руҳий ҳам жисмоний жиҳатдан руҳиятида салбий ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлади.

Кўпинча амалиётда жабрланувчиларнинг 33 фоизи, ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан қаршилик қўрсатганлиги, учдан икки қисми ҳуқуқбузарнинг хатти-харакатига пассив муносабатда бўлганлиги аниқланган.

Майший турмуш соҳасида зўравонлик содир этган шахсларнинг қилмишлари ўрганилганида, оилада эркакнинг хотинига, хотиннинг эрига, aka ёки уканинг бир-бирига, опа ёки сингилнинг бир-бирига, никоҳсиз бирга яшаган хотини (жазмани)га, никоҳсиз бирга яшаган эри (жазмани)га, ота ёки онанинг фарзандига, фарзанднинг ота ёки онасига, ота-болага ёки бола ёки отага ва бошқа қариндошларнинг бир-бирларига ёки қўни-қўшнилар томонидан содир этилаётганлиги маълум бўлмоқда.

### **2.3. Майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда хуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар тавсифи**

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган самарали профилактик чора-тадбирлардан бири бу ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларни, ҳуқуқбузарлик содир этиш турлари, усуллари ва хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашишни талаб этади.

Маълумки, ҳуқуқбузар шахсининг ижтимоий хавфли ва айбли қилмишлари билан боғлиқ муаммоларни криминология фани ўрганади.

Зеро, жиноят содир этган шахсларни илмий жиҳатдан ўрганиш ўзининг мазмун-моҳиятига эга бўлиб, мазкур маълумотларни ўрганиш асосида ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактикасини амалга ошириш борасида профилактик чораларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят содир этган шахсларга умумий таъриф бериш ва уларни статистик даражада ўрганиш шахсларнинг маълум туркумларига хос хусусиятларни аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишни режалаштириш ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда тегишли чораларни кучайтириш имконини беради.

Жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилганида ҳуқуқбузарнинг шахси ва унинг содир этган қилмишининг хусусиятлари ҳам ўрганилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Рахмонов Р.Н., Юлдашев М.Ш. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ҳукукий маданиятнинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2016. – Б. 134.

Мадомики, майший турмуш соҳасидаги турли зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар содир этган ва уларни содир этувчи шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишлари, криминологик белгилари, психологик хусусиятлари, гайриахлоқий қарашларни тадқиқ этиш орқали уларга хос бўлган барча зарур маълумотларни ўрганиш мумкин.

Майший турмуш соҳасидаги зўравонлик содир этувчи шахслар билан боғлиқ муаммолар криминология, психология ва жиноят хуқуқи фанида ҳам foятда баҳсли бўлиб, ҳанузгача унга ягона ёндашувнинг йўқлиги туфайли турли соҳа мутахассислари томонидан хуқуқбузар шахсга нисбатан турлича фикрлар билдирилган. Зеро, майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ муаммолар, ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган оиласиий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасида турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган.

Майший турмуш соҳасидаги зўравонлик оқибатида **жиноят содир этган шахсларга тааллуқли бўлган ижтимоий-демографик белгиларни тадқиқ қилиши**, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий-демографик белгиларини криминологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали унга хос бўлган барча криминологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни ўрганиш мумкин.

Табиийки, ушбу ижтимоий-демографик белгилар умумлаштирилган ҳолда маълум бир минтақада, маълум даврда майший турмуш мунособатлари доирасида жиноят содир этган шахсларга хос ижтимоий-демографик белгилар ўрганилса, улар асосида муҳим криминологик хulosаларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Хуқуқбузар шахсини тавсифловчи энг муҳим криминологик белгилардан яна бири - **унинг ёшидир**. Шахснинг ёш хусусиятлари унинг муҳит билан ўзаро алоқасига, маънавий оламнинг ички моҳиятига, хулқ-атворидаги яққол ифодаланган иккиланишлар ва бекарорликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Хуқуқбузарнинг криминологик таҳлилида ёшга оид тавсиф билан бир қаторда унинг маълумоти, мутахассислиги муҳим ўрин эгаллайди.

Инсоннинг маълумоти, мутахассислиги унинг талаб, эҳтиёж ва манфаатларини, маънавий-ахлоқий ҳамда маданий кўринишларини шакллантиради<sup>1</sup>.

Майший турмуш соҳасида зўравонлик содир этган хуқуқбузар шахсларнинг ёшига оид маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 10,1 фоизини 18-25 ёшдаги, 38,6 фоизини 25-35 ёшдаги, 26,8 фоизини 35-45 ёшдаги,

<sup>1</sup>Отажонов А.А. Жиноятга даҳлдорлик: жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлар: юрид. фан. номз. дисс.-я. – Т., 2009. – Б. 90.

15,5 фоизини 45 ва 55 ёшдаги ҳамда 9,2 фоизини 55 ёшдан юқори бўлган шахслар ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, майший турмуш соҳасида зўравонлик содир этувчи шахсларнинг криминоген фаоллиги юқори бўлган шахсларнинг асосий қисмини 25 ва 45 ёшдагилар ташкил этмоқда.

Мазкур тоифадаги шахсларнинг 64,8 фоизи иш билан банд бўлмаганларни, 27,6 фоизи ишчи-хизматчиларни, 5,4 фоизи бошқа ишчиларни, 2,3 фоизи тадбиркорларни ташкил қиласди. Бундай жиноятларни содир этганлар ичидагавлат хизматчиларининг камлиги, ишчилар салмоғининг кўплигини, шунингдек, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган (ҳеч жойда ишламайдиган, вақтинча ишсиз) шахсларнинг жиноий фаоллиги юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Хуқуқбузар шахсларнинг маълумот даражаси ўрганилганида, уларнинг 5 фоизи олий маълумот, 26 фоизи ўрта маҳсус, 66 фоизи ўрта маълумот, 3 фоизи тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган шахсларни ташкил этди. Ушбу тоифадаги шахсларнинг жинсига оид маълумотлар таҳлил қилинганида, майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларни содир этувчилар асосан эркаклар бўлиб, уларнинг ҳиссаси 82 фоизни ташкил этади.

Бундай ҳолатлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хуқуқбузар шахсларнинг энг кўп қисмини 66 фоизи ўрта маълумотга эга бўлган, 64,8 фоизни ишсизлар, энг кўп хуқуқбузарлик содир этувчилар 38,6 фоизни, 30-35 ёшгача бўлган шахслар ҳамда ушбу хуқуқбузарликларнинг 82 фоизи эркаклар томонидан содир этилган.

Майший турмуш соҳасида зўравонлик содир этувчи шахсларни ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик сўровларда ҳам ушбу маълумотлар ўзининг тасдигини топди. Хусусан, ички ишлар органларининг хуқуқ-тартибот маскани профилактик инспекторларидан «Сиз хизмат олиб бораётган ҳудудда майший турмуш соҳасидаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларни асосан кимлар содир этишмоқда?» деб сўралганида, уларнинг 86,4 фоизини эркаклар ва 13,6 фоизи аёллар томонидан содир этилган.

Демак, майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг содир этилишида аёлларнинг ҳам ҳиссаси борлигини кўрсатмоқда. Суд-тергов жараёнларида олинган маълумотларда кўпинча аёлларнинг ўз жонига қасд қилишига айнан юқоридаги қайнона ва келин ўртасидаги ҳолатлар сабаб бўлиши кузатилган. Умуман олганда, майший турмуш соҳасида аёлларнинг эридан кўра кўпроқ моддий маблағ топиши ёки бошқа томондан устунлиги ҳам майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларни содир этишига сабаб бўлади.

Эркак ва аёллар жиноятчилиги ўртасидаги фарқнинг мавжудлиги, алоҳида турдаги жиноятлар бўйича аёллар ҳиссасининг умумий жиноятчиликдаги

ҳиссасидан юқори даражада бўлиши, авваламбор уларнинг жамиятда тутган ижтимоий ўрни билан боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, шахснинг жамиятда шаклланиши, унга нисбатан шарт-шароити (тарбия, ижтимоий назорат ва бошқалар), оилада тутган ўрни, жинслар ўртасидаги анъанавий фарқ ҳам муҳим аҳамиятга эга, бу мавжуд хатти-ҳаракатни ҳар томонлама белгилаб беради<sup>1</sup>.

Хуқуқбузар шахсларга хос яна бир жиҳат шундаки, уларнинг маънавий ва интеллектуал даражаси юқори бўлмаган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган, хулқ-атвори агрессив ҳамда криминогенлик даражаси юқори бўлган шахслар тоифасига киради.

Ушбу тоифадаги шахслар барча жиноят содир этган шахсларнинг 1/3 қисмини ташкил этади. Шахснинг майший турмуш аҳволи, моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси, туар жойи ва бошқа хатти-ҳаракатлари криминологик аҳамиятга эга бўлади.

Бунда оилада ёки майший турмуш шароити билан боғлиқ бўлган ҳолатда содир этилган зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликлар таркибида қотиллик ва баданга тан-жароҳат етказишларнинг 50 фоизини айнан ушбу тоифадаги шахслар томонидан содир этилганлиги маълум бўлмоқда.

Ўтказилган тадқиқотларда жиноят содир этган шахсларнинг билими ва маълумоти, мутахассисликка эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилаётганлиги амалиётда кузатилмоқда.

Шахсда «маълумотнинг камлиги, мутахассислик даражасининг йўқлиги, бирор хунар эгаси бўлмаганлиги, маданият даражасининг пастлиги, атроф-муҳитнинг ҳис этмаслиги, шахснинг жамиятга нисбатан қизиқишлигининг пасайишига ва дунёқарааш тамойилларини йўқолишига, ахлоқининг бузилишига, турли даражадаги худбинлик, кибирлик, танбаллик билан боғлиқ хислатларининг шаклланишига олиб келади»<sup>2</sup>. Жиноят содир этувчи шахсларнинг ҳиссиёт ва ғаразли ниятлари ҳаётдаги қийинчиликлар, руҳий ўзгаришлар ёки бузилишлар натижасида намоён бўлади<sup>3</sup>.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай тоифадаги шахсларда раҳм-шафқат ришталарининг йўқлиги, инсонга нисбатан раҳмсиз муносабатда бўлишга ҳамда шахсга нисбатан турли даражада тан-жароҳати етказишга сабаб бўлиши мумкин. Энг ачинарли томони шундаки, бундай тоифадаги шахслар томонидан ўта шафқатсизлик оқибатида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар содир этиш ҳолатлари амалиётда учрайди.

<sup>1</sup> Антонян Ю. М. Преступность женщин. Социалистическая законность. – М., №7, 1991. – С. – 19.

<sup>2</sup> Исмаилов И.Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.,

<sup>3</sup> Жигаров Е.С., Петухов В.И. Философия. Криминология. – М.: Олма-Прес, 2006. – С.562.

Мисол учун, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида Мирзаобод тумани Йўлдошбод м.ф.й. Бўстон кўчаси 6-йида яшаган, 1981 й.т. Ф., Янгиер шаҳар ИИБ ҲПБ ТП профилактика инспектори катта лейтенант Р.га қўнғироқ қилиб, ишқий муносабатда бўлиб юрган таниши, Янгиер шаҳар А.Жомий маҳалласи 25-уй 2-хонада яшаган, 1988 й.т. Б. исмли шахс билан 2021 йил 30 август куни А.Жомий маҳалласида жойлашган “Кичик саноат зонаси” ҳудудида ўзаро жанжаллашиб қолганлигини, сўнг уни танасининг турли жойларига уриб ўлдириб, жасадни шу ердаги эски қудукка ташлаб кетганлигини маълум қилган ва фуқаро Ф. ўз жонига ҳам қасд қилганлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Хуқуқбузар шахсларнинг оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ хуқуқбузарликларни муайян ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ ҳолда содир этишини, шубҳасиз улар ўзига хос руҳий хусусиятларга эга деб, хулоса қилиш мумкин.

### **Кriminologik adabiётlarda bunday toifadagi xukukbuzarlik sodir etgan shahslar қуйидагicha taъriflanadi:**

- изчил жинойлашиб борувчилар;
- вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда жиноят содир этувчилар;
- вазиятларга қарам бўлган ҳолда жиноят содир этувчилар<sup>2</sup>.

Кўпинча майший турмуш соҳасида содир этилаётган хуқуқбузарликлар ҳаётдаги вазиятлар билан боғлиқ ҳолда содир этган шахсларнинг ўзига хос руҳий хусусиятлари турмушдаги баъзи номақбул вазиятлар таъсирида шаклланади ва муайян хатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Бундай тоифага кирувчи шахслар майший турмуш жараёнида муаммоли ёки низоли вазиятлар вужудга келган пайтларда хуқуқбузарлик содир этиш орқали ўз муаммосини ечишга ҳаракат қиласида. Энг муҳими, хуқуқбузарлик содир этилиши учун бирор-бир оддий вазият ҳам, улар учун етарли сабаб бўлади. Ана шундай ҳолларда, жиноят содир этувчи шахслар тоифасига биринчи марта хуқуқбузарлик содир этувчиларни киритиш мумкинлигини кўпчилик олимлар эътироф этишган. Биринчи марта хуқуқбузарлик содир этган шахслар жиноятни вазият билан боғлиқ ҳолда содир этганлиги алоҳида тадқиқотларда ҳам қайд этилган<sup>3</sup>. Бундай ҳолат кўпинча шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишда намоён бўлади. Ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда бунга оиласидаги салбий муносабат сабаб бўлган. Бироқ, ушбу қилмишни содир этган шахсда маълумот даражасининг пастлиги, онгнинг етарли даражада ривожланмаганлиги шахс содир этаётган хатти-ҳаракатнинг оқибатини англаб ета олмаслиги унинг жиноий хатти-ҳаракатни содир этишга олиб келган дея изоҳлаш мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХДнинг 2021 йил маълумот.

<sup>2</sup> Аллауханов Е.О. Криминология. Учебник. Алматы, 2008. – С. 173.

<sup>3</sup> Бородин С.В. Борьба с преступностью: теоритическая модель комплексной программы. – М.: Наука, 1990. – С. 55.

## **2.4. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда хукуқбузарликлардан жабрланувчи шахслар тавсифи**

Айбдор ва жабрланувчи шахс ўртасидаги ўзига хос муносабатлар хукуқбузарлик содир этилишининг омили сифатида криминологияда қадимдан алоҳида эътиборни ўзига жалб этиб келган. Криминологик адабиётларда жабрланувчини жиноятнинг юзага келишидаги асосий омил деб қўрсатиб, содир этилган жиноятдан жабр етказувчи шахс ва унинг қурбони ўртасидаги ўзига хос муносабат оқибати эканлигини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига хукуқбузарликдан **жабрланувчи деб** жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида хукуқбузарликдан жабрланган шахс<sup>2</sup> тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, бир қатор криминолог тадқиқотларда маиший турмуш муносабатлари доирасида зўравонликдан жабрланган шахсларга алоҳида эътибор берилган<sup>3</sup>. Айрим криминологлар жиноят жабрланувчиларига бевосита жиноят натижасида зарар етказилган алоҳида шахсларни киритишса<sup>4</sup>, бошқа бирлари эса жабрланувчи қонуний кучга кирган айблов ҳукмида жиноий тажовуз натижасида зарар етказилган деб тан олинган жисмоний шахсдир **деб эътироф этишади**.

Маиший турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хукуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятлардан жабрланган шахсларнинг виктимологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятлари ва қилмишларини тадқиқ қилиш, амалиётда виктимологик профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш нуқтаи назардан бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки, мазкур тадқиқотлар хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг, хусусан, ички ишлар органларининг шахсларнинг хукуқбузарлиги жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Хукуқий адабиётларда қайд этилганидек, жабрланувчиларнинг криминологик тавсифи унинг жиноят содир этилишидан олдинги, жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи, шунингдек, айнан жиноят таъсирида вужудга келган ҳамда жиноят содир этилишидан кейинги ахволига қараб берилади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Криминология: / Дарслик. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 429.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонуни. – Т., 2014.

<sup>3</sup> Котова Н.К. Виктимологическое проблемы тяжких агрессивно-насильственных преступлений. Шакина В.А. Женщина как жертва семейного насилия в суперженских отношениях: Проблемы, причины, предупреждение: Латентная жертва насильственных преступлений, совершаемых в сфере семейных отношений: 2006. – С. 25.

<sup>4</sup> Ривман Д.В. Криминальная виктимология. – СПб., 2002. – С. 26

<sup>5</sup> Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс.-я. – Т., 2007. – Б. 146.

Бизнингча, жабрланувчига бериладиган бундай тавсиф кўпроқ виктимологик нуқтаи назардан аҳамиятга эга бўлиб, буни “виктимологик тавсиф” деб айтиш тўғрироқди.

Виктимологик нуқтаи назардан айтганда, майший турмуш муносабатлари доирасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этилган хукуқбузарликлардан, шу жумладан жиноятлардан жабрланганлар шахсининг тавсифи, уларнинг жиноят содир этилиш механизмида тутган роли, хусусиятлари, типологияси ҳаётда бундай тоифага кирувчи шахсларга қаратилган виктимологик мазмундаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қиласди.

Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот жараёнида майший турмуш муносабатлари зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликлар, хусусан, жиноятлардан жабрланганларнинг виктимологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини ҳамда хукуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги ижтимоий муносабатлар замирида жиноят содир этилишини тақозо этган виктимоген хусусиятга эга бўлган омилларни, шунингдек, жиноят йиғма жилдларида жабрланувчиларга оид бошқа барча маълумотларни таҳлил қилиш асосида аниқ хулосалар олинди.

Энг аввало, майший турмуш **соҳасида** зўравонлик содир этган шахсларнинг маънавий-руҳий хусусиятлари, хулқ-атвори тажовузкорлик хусусиятга эга эканлиги бир қатор табиий ва ижтимоий фан вакиллари томонидан атрофлича ўрганилган.

Шахснинг ички мойиллиги (рашқ, қасос, алам, оиласда эркак ёки аёлнинг бирбирига устунлик даъвоси ва ҳ.к.) майший турмуш **соҳасидаги** ёки жиноий хатти-харакатларнинг содир этилишига замин яратади.

Бу, ўз навбатида шахсда бевосита маънавий салбий хусусиятларни шакллантирмасада, лекин шахс салбий маънавий шаклланиши учун қулай шароитлардан бири эканлигини кузатишимиш мумкин. Бундай салбий хусусиятлар эса шахсда тажовузкорликнинг шаклланишига, турли хукуқбузарлик содир этишига олиб келиши мумкин. Шахсда тажовузкорлик деганда, ўз муаммоларини ҳал этиш учун зўравонлик воситаларидан фойдаланишни афзал кўриш, низоларни тажовуз йўли билан ҳал этиш орқали жиноят содир этиш тушунилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 44-моддасида хукуқбузарликлардан жабрланганларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларни амалга ошириш чора-тадбири кўрсатилган. Шунингдек, аҳолини, шу жумладан хукуқбузарликлар қурбонига айланиши мумкин бўлган шахсларни, ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш

<sup>1</sup> Антонян Ю.М. Психология убийства. – М., 1997. – С. 17–18.

ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар усулларини самарали ташкил этиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин;

Жумладан:

➤ хукуқбузарликдан жабрланганларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриш;

➤ хукуқбузарликдан жабрланганларга профессионал ҳукуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам қўрсатадиган реабилитация марказлари фаолияти тўғрисида тушунча бериб бориш;

➤ хукуқбузарликдан жабрланганнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус кенг кўламли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини-ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

➤ ғайриижтимоий хулқ-атвorum нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки хукуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

➤ хужум қилинган тақдирда зарурый мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш ҳамда ҳукуқий маданиятини ошириб бориш;

➤ ғайриижтимоий хулқ-атвorum тайёрланаётган ёки содир этилган хукуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса хузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

➤ профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар ташкил қилиш;

➤ хукуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш. Шунингдек, қонуннинг 45-моддасида назарда тутилган хукуқбузарликтан жабрланганларга ижтимоий ёрдам қўрсатувчи маҳсус марказлар ташкил этилганлиги ва уларнинг вазифалари ҳақида тушунчалар бериб бориш;

➤ қонун ҳужжатларига ҳукуқбузарлиқдан жабрланганларга ёрдам қўрсатувчи маҳсус марказларни тузиш ва уларнинг ишини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган;

➤ маҳсус марказлар ҳукуқбузарлиқдан жабрланганларга ҳукуқий, ижтимоий-психологик ва бошқа турдаги ёрдамларни қонун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, самарали ташкил этиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

### **Ш БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МАИШИЙ ТУРМУШ СОҲАСИДА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛИЙ-ТАКТИК АСОСЛАРИ**

#### **3.1. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ижтимоий профилактикаси чора- тадбирларини амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонун ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий хужжатларга асосланган ҳолда **ҳуқуқбузарликлар ижтимоий профилактикаси** амалга оширилади.

Жумлдан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонуннинг 24-моддасида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва идораларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон фармонида ҳам жамоат хавфсизлигини таъминловчи 10 та субъектлар “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари” белгиланган.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга кириши кўрсатилган.

Ушбу давлат, ташкилот идоралари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида маҳсус профилактик тадбирлар амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг майший турмуш **соҳасида** зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалий фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маҳсус профилактика чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2001 йил 25 октябрдаги “Шахснинг ҳаёти ва соглиғига қартилган жиноятларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш тўғрисида”ти идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатда белгиланган “Турмуш” тадбири доирасида профилактик назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Лекин, мазкур норматив-ҳуқуқий хужжатда “Турмуш” тадбирини ўтказиш бўйича

намунавий режа ишлаб чиқиши белгиланган бўлсада, амалда унинг ижросини бажариш борасида ходимларга аниқ бир қўлланмалар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, улар фақат “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунда кўрсатилган профилактик фаолиятга асосланган ҳолда чора-тадбирларни амалга ошириш билан чекланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан Республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳукуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-6196-сон фармони ва унда белгиланган вазифаларга таянади.

### **Жумладан:**

- ✓ ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;
- ✓ ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиқда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;
- ✓ «республика, вилоят, туман ва маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;
- ✓ ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши қурашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

**Фармонга мувофиқ, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳукуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган:**

- ✓ маҳалла ҳукуқ-тартибот масканни худуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қурашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланиши;

- ✓ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятининг ташкил этилиши;
- ✓ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши.

Фармонда профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиши жараёнини қузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқиши белгиланганлиги каби бир қатор қулайликлар яратилди.

Жумладан, аҳоли ўртасида содир этиладиган турли ҳуқуқбузарликларнинг ижтиомий профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишга кенг жамоатчилик ва соҳа ходимлари билан ҳамкорлик қилишга ва фуқаробай ишлашга замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ички ишлар вазирлигига вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой яқуни бўйича аҳолига интернет тизимидағи ахборот-ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан «профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат» қилиб бориш амалиётининг жорий этилиши бўйича вазифаси қўйилган.

Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий статистикани юритишни такомиллаштириш, унинг криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишдаги ролини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган:

**а) Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди ҳамда қуидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:**

- ✓ жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар статистикасини юритиш, жиноятчилик ҳолатини, шу жумладан ҳудудлар ва ҳуқуқбузарликлар турлари кесимида статистик таҳлилни амалга ошириш;
- ✓ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда фойдаланиш учун тезкор-маълумотлар ҳисблари, ички ишлар органларининг архив-маълумотлари ва маҳсус фондларини юритиш, шунингдек, шахсларнинг қидирувини эълон қилиш жараёнини таъминлаш;
- ✓ автотранспорт воситалари, фуқаровий ва хизмат ўқотар қуроллари, қидирувдаги шахслар ва ашёлар, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигига кўмаклашувчи бошқа

маълумотлар бўйича автоматлаштирилган ахборот банкини юритиш тартиби белгиланди.

Хуқуқий статистика маркази Ички ишлар вазирлиги Тезкор-маълумотлар бошқармаси негизида, шунингдек, Бош прокуратуранинг Жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари тугатилиб, унинг вазифалари ва 120 та штат бирликлари, уларни сақлаш учун кўзда тутилган Давлат бюджети маблағлари билан биргаликда ички ишлар органларига ўтказилиши ҳисобига ташкил этилди;

ички ишлар вазирининг ахборот технологиялари бўйича ўринbosари зиммасига Хуқуқий статистика маркази фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ва мазкур соҳада инсон омилини истисно этишни таъминлаш юзасидан шахсий **жавобгарлик юкландиганини белгилаб берди;**

**б) Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази ташкил этилди ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:**

➤ криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлаш бўйича таклифларни киритиш;

➤ худудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чораларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ва уларни ўтказиш тактикасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

➤ жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш.

### **Қўйидаги тартиб ўрнатилди:**

Илмий-амалий тадқиқотлар маркази ички ишлар органларининг мавжуд штатлари доирасида 20 та штат бирликларидан иборат таркибда шакллантирилди ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун масъул этиб бевосита ички ишлар вазири белгиланди;

Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан ишлаб чиқиладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни амалиётга жорий этиш ички ишлар органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Мазкур фармон ва “Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ти қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган турли хуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширилади.

### **3.2. Мαιший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий ва маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунига мувофиқ, ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва маҳсус профилактикасини амалга ошириш тартиби белгиланган. Қонуннинг З-боби 22-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тўғрисида тушунча берилган.

Жумладан, майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ташкил этиши белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбирлари ва усусларининг кўплиги ҳамда турли-туманлиги уларни тўлиқ таснифлаш, санаб ўтиш ва таҳлил қилиш имконини бермайди.

Бу ўринда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш аҳамиятлиdir, бунда ушбу турдаги профилактика обьектларининг ўзига хослигига эътибор қаратилади.

Хусусан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг обьекти **кенг жамоатчилик** ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар киради. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир хил равишда етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради.

**Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қуйидаги икки гурухга ажратилади:**

➤ **Биринчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашга қаратилган усувлар ташкил қиласди. Ушбу усувларнинг хусусияти шундаки, улар бевосита профилактик самара бермайди (ва бериши ҳам керак эмас). Шунга қарамай, ушбу усувларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг пировард мақсадларига эришишдаги ўрни ва аҳамиятини қадрламаслик хато бўлади. Чунки, бу жараёнда ҳудуддаги ёки маълум бир гурухлар ўртасидаги муаммолар, низолар ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий кўриниши таҳлил этилади.

➤ **Иккинчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар (масалан

учрашув, маъруза, тарғибот-ташвиқот ва шу каби чора-тадбирлар) амалга оширилади.

Профилактика хизматларининг хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг бошқа турларидан фарқига эътибор қаратиш лозим. Масалан, профилактиканинг бошқа турлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш аниқ бирор бир йўналишдаги хуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилган бўлса, хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади.

Жумладан, фуқароларнинг маънавий-хуқуқий тарбиясини шакллантириш, уларни қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя қилиш борасидаги тушунчаларини ошириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш орқали келгусидаги ижтимоий муҳим натижаларга эришиш, аҳоли ўртасида хуқуқтариботни мустаҳкамлашга қаратилган бўлади.

Профилактика хизмати ва хуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ ижтимоий вазифалардан ташкил топган.

Жумладан:

хуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакилларини, фуқароларни жалб этиш;

хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар қилиш, жойларда маърузалар ўқиши, давра сухбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда хуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақиравчি овозли матнни эшиттириш, шунингдек, аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патруллик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этилишини таъминлаш;

хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси парламентининг қабул қилган янги қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маънавий-хуқуқий тарғибот марказлари, таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек, олимлар, шоирлар ва депутатларни жалб этилишини таъминлаш;

маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этаётган

сабабларни ва уларга имкон берәётган шарт-шароитларни аниқлаганда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига худудий ички ишлар органи бошлиғи орқали, вазирликлар ва қўмиталарга эса Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдимнома киритилишини таъминлайди.

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги ёритилган.

**Шунингдек,** хуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолиятини ташкил этиш жараёнида уларнинг нимага қаратилганлигига эътибор қаратилиши лозим. Масалан, маълум бир ҳудудларда салбий хусусиятга эга бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг қўпайиши аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг ташкил этилиши ва амалга оширилишини талаб этади.

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг туб мазмун-моҳияти - бу аҳолини давлатда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, кенг миқёсда хуқуқбузарликларнинг сабаб-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолияти.

Профилактика хизматларининг умумий тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликдаги амалга ошириладиган ишларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Масалан, профилактика инспекторларининг бошқа соҳавий хизматлар, давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ҳамкорликда амалга оширишлари юқори самара беради.

Профилактика хизматининг умумий профилактик фаолиятидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги деганда қўйидагилар тушунилади:

➤ **биринчидан**, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларининг амалдаги қонунларда қанчалик аниқ белгиланганига;

➤ **иккинчидан**, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти учун ҳуқуқий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига;

➤ **учинчидан**, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми қандай даражадалигига;

➤ **тўртинчидан**, ушбу ҳамкорликни ташкил этувчи кадрларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Масалан, профилактика хизматлари диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари борасида тарғибот-ташвиқот ишларида диний қўмита вакиллари билан ҳамкорлик қилсалар, бу борадаги тушунтириш ишлари фуқароларга етарли даражада етиб боради, гиёхвандлик ва сурункали ичкиликбозликнинг олдини олиш юзасидан ўтказиладиган давра сухбатлари ёки тарғибот-ташвиқот ишларида соғлиқни сақлаш органлари ходимларининг иштироки самаралироқ бўлади.

Шу боисдан, профилактика хизмати фаолиятини режалаштиришда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларининг ўтказилиши ва уларда ҳамкорликда иштирок этувчи субъектларнинг аниқ келтириб ўтилиши ҳамда улар билан келишилган ҳолда тузилиши муҳим аҳамият касб этади.

Демак, **маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда, ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини амалга оширишда авваламбор қуидаги тадбирларга эътибор қаратади:**

✓ ҳудудлардаги қриминоген ва оператив вазиятлар таҳлилига;

✓ маълум бир маконда ёки жойларда майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишининг кўпаяётганлигига;

✓ ИИОларига фуқаролардан майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳақида келиб тушган ариза ва шикоятларга;

✓ маълум бир ҳудуд ёки жойларда фуқароларнинг айrim қонун ва қонун ости ҳужжатларини билмасликлари ва бошқалар;

✓ Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-моддаси ва бошқа моддаларига асосан фуқароларнинг қадр-қимматига таъсир қилувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганлиги белгиланган бўлиб, қонуннинг 4-боби 24-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари келтирилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айrim турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шартшароитлар аниқланиб, бартараф этилиб, айrim тоифадаги шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактик тадбирларни амалга ошириш жараёнлари қуидагиларни ўз ичига олади:

➤ илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини амалга ошириш чора-тадбири;

❖ спиртли ичимликларни сустеъмол қилувчи ёки гиёхвандлик воситаларни, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирлари;

❖ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширилади.

Профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини ИИВнинг ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида “Назорат”, “Ижро”,

“Тозалаш-Антитеррор” ва бошқа маҳсус ҳамда тезкор профилактик тадбирлар доирасида амалга оширади.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини манзилли, ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у муқаддам содир этган жиноят таснифи, тури ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган илгари судланган шахслар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13, 34, 78, 79, 80-моддалари асосида тоифаларга ажратган ҳолда юритиши керак. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш мақсадида профилактика (катта) инспектори ИИВ ЖХД ва унинг қуий тизимлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсус тадбирларни бириктирилган ҳудудда берилган ваколат доирасида амалга оширишни таъминлайди. Ушбу тадбирларни амалга оширишда жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органи соҳавий хизматлари, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маишӣ жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий кўнукма маркази, ҳокимликлар ҳузуридаги маҳсус комиссия ва фуқаролар йигини билан ҳамкорлик қиласи. Пробация ҳисобида турган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш мақсадида профилактика (катта) инспектори ИИВ ЖХД ва унинг қуий тизимлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсус тадбирларни ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудида ваколат доирасида амалга оширилишини таъминлайди. Профилактика (катта) инспектори жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек, бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотлар фаолиятидаги ижобий натижалар ва салбий таъсир қилаётган омиллар ҳақида ички ишлар органи **секторларга белгиланган тартибда таклифлар киритади.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишининг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва

техноген оғатлар масъул давлат тузилмалариға ўз фаолиятини «Барча саъ-харақатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида жиноятга нисбатан жазонинг оғирлигига эмас, балки жазонинг муқаррарлигини таъминлаш катта ўрин тутади. Чунки, муайян ҳолатларда шахс содир этилган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар учун уни жазоланишдан сақлаб қолиш жамоада салбий муҳитни вужудга келтиради.

Бугунги кунда, Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:

❖ ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

❖ жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

❖ ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

❖ вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

❖ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари юклатилди;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг алоҳида режаси ва кўрсатмаси асосида йилда икки мавсум давомида, биринчи даври март-июль ойларида, иккинчи даври сентябрь-ноябрь ойларида Республика бўйича “Қорадори” тадбири эълон қилинади ва ўтказилади.

Тадбирни ўтказиш учун ички ишлар органлари ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ДХХ, божхона, мудофаа, ФВВлари билан биргаликда келишилган режа ишлаб чиқилади. “Қорадори” тадбири давомида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ноқонуний етиштираётган шахсларни аниқлаш мақсадида аҳоли ер томорқалари, дала майдонлари, тоғли ҳудудлар ва бошқа шунга ўхшаш жойларда текширув назорат ишларини амалга оширади, шу билан бирга ёввойи ҳолда ўсаётган наша ва шунга ўхшаш таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд бўлган ўсимликларни йўқ қилиш чораларини

кўрмаганлик ҳолатларини аниқлайди, айбдорларга нисбатан маъмурий ёки бошқа таъсир чоралари кўрилади.

Шу билан бирга тадбир давомида гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ғайриқонуний равишда тайёрлаш, ташиш, олиш, сақлаш, ўтказиш ёхуд бирор жойга жўнатиш билан боғлиқ хукуқбузарликларни аниқлайди ва айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади ҳамда аҳолига тушунтириб борилади.

Ушбу йўналишдаги маҳсус профилактик чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ти қонуни қабул қилиниб, сурункали ичкиликбозлик ва гиёхвандликни олдини олиш ва уни тарғиб этувчи ҳолатларга қарши кураш йўналишлари белгиланади.

**Қонуннинг 3-моддасида алкоголь маҳсулотига қуйидагича таъриф берилади:**

❖ “конъяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти”;

❖ **алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси** “алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар соғлиғига, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, хукуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи”;

❖ **алкоголь маҳсулотларига қарамлик** “алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, ундан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (рухий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм)”;

❖ **тиббий огоҳлантириш** “алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот” деб кўрсатиб ўтилган.

**Қонуннинг 4-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича кўрсатилган:**

- ✓ фуқаролар соғлигини сақлаш, алкоголь, тамаки маҳсулотларининг заарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳукуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмuinи амалга ошириш;
- ✓ фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бундай таҳдидларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ✓ алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек, бундай маҳсулотларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, уларнинг салбий таъсири профилактикасига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш;
- ✓ алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;
- ✓ алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек, алкоголь ва тамакига қарамлик диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- ✓ соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь, тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш ва уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини рӯёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳукуқий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу қонундан келиб чиқиб, жойларда ички ишлар органлари ходимлари соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда бу касссаликларга чалинган шахсларни аниқлаш, уларни даволаш ёхуд аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради.

Солиқ органлари ходимлари билан ноқонуний равишда тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи ёхуд шундай маҳсулотларни тайёрловчи шахсларни аниқлайди ва уларга нисбатан тегишли жазо чораларининг қўлланилишини амалга оширади.

### **3.3. Мαιший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунининг 28-42-моддаларида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлари белгиланган. Мазкур қонунинг 28-моддасида ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари майший турмуш шароитидаги ғайриижтимоий хулқ-атворли, зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга нисбатан тарбиявий профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини амалга оширади. Хусусан:

- ✓ ички ишлар органлари томонидан майший турмушдаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика;
- ✓ профилактик сухбат;
- ✓ расмий огоҳлантириш;
- ✓ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берайтган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ✓ ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш;
- ✓ мажбурий даволанишга юбориш;
- ✓ маъмурий назоратни амалга оширишни ташкил этиш орқали таъминлайди.

Тадқиқотлар жараёнида ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари томонидан оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллашда бир қатор муаммолар борлиги аниқланди. Булар:

❖ **Биринчи муаммо**, профилактика инспекторлари томонидан оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамма вакт ҳам зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд уни содир этган шахсларнинг, улар яшаётган майший турмуш шароитида маънавий-рухий муҳитни ўзига хос хусусиятларини, оила аъзоларининг ижтимоий-майший шароитлари ва турмуш тарзини, уларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омилларни шу пайтни ўзида ҳисобга олишмайди. Аксарият профилактика инспекторлари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан ҳуқуқбузарлик содир этган ёки майший турмуш

доирасида жиноий жазони ўтаб чиқсан шахслар билан илгари ҳисобга олинган шахс сифатида профилактик тадбирларни номига олиб бориш билан чегараланади. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқбузарликларнинг янада такомиллашишига замин яратади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мазкур ҳолатлар аввало, профилактика инспекторларининг профилактик сухбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, расмий огоҳлантириш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширишда профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назоратни амалга оширишда шахс, аёллар, болалар ва бошқа тоифадаги оила аъзоларига хос хусусиятларга оид ҳуқуқий, педагогик ва психологияк билимларга эга эмаслиги, шунингдек, ҳаётий тажрибанинг этишмаслиги билан боғлиқдир.

Профилактика инспекторларининг 88,3 фоиз педагог, 11,7 фоиз ҳуқуқшуносарни ташкил этиши бу борада амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус профилактик ишларни самарали амалга оширилишида **қийинчиликлар туғдиради**.

Мазкур муаммони бартараф этиш, биринчи навбатда, якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширувчи ички ишлар органлари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларини тайёрлаш бўйича ўкув режаларда назарда тутилган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси” фанлари доирасида шахс, оила, аёллар, болалар ва бошқа тоифадаги оила аъзоларига хос хусусиятларга оид ҳуқуқий, педагогик ва психологияк билимларни беришни янада кенгайтириш ва такомиллаширишни талаб қиласди.

❖ *Иккинчи муаммо*, оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун ички ишлар органлари томонидан профилактик ҳисобга олишнинг ўз вақтида ва тўлиқ таъминланмаётганлигиdir.

Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг **34-моддасига** мувофиқ, профилактик ҳисобга **олиш** ушбу қонуннинг **35-моддасида** профилактик ҳисоб тури, **36-моддасида** эса шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилган бўлиб, уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 183, 188<sup>1</sup>, 190, 191, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик кодексга асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни профилактик ҳисобга олиш учун ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишни қўриб чиқсан орган (мансабдор шахс) ва суднинг қарори ички ишлар органларига ўз вақтида тақдим

етилмаётганлиги сабабли профилактика инспекторлари томонидан улар ўз вақтида амалга оширилмаяпти.

Масалан, 2021 йилнинг 10 ойида ИИВ ЖХД дан олинган маълумотга кўра, республика миқёсида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан 1.389751 та ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар аниқланиб, улар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 35-моддаси бешинчи хатбошида назарда тутилган 24 та моддалар бўйича 1.092191 нафар шахслар профилактик ҳисобга олиш назарда тутилган бўлсада, улардан 179.199 нафари ёки 16,4 фоиз профилактик ҳисобга олинганлиги, қолган 83,6 фоизи профилактик ҳисобга олинмасдан қолганлиги қузатилди. Бу ҳолат ўз навбатида, жойларда қонун талабларининг белгиланган тартибда ижросининг таъминланмаслиги, шунингдек, шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни тўлиқ амалга оширилмаслигини ҳамда улар томонидан такрор ёки ижтимоий хавфли қилмишларни содир этилишига замин яратилиши мумкинлигини кўрсатмоқда<sup>1</sup>.

### **Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда қўйидагиларни ташкил этиш мақсадга мувофик:**

➤ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг электрон кўриб чиқиш амалиётини кунлик мониторинг қилиб бориши механизмини кучайтириш;

➤ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни профилактик ҳисобга олиш учун қонунининг 36-моддасига асосан, суд қарорини ички ишлар органларига ўз вақтида юбориши механизмини назарда тутувчи марказлашган маълумотлар олиш амалиётини жорий этиш;

➤ ҳар бир кўриб чиқилган маъмурий иш юзасидан суд идораларидан олинган маълумотлар жамоат хавфсизлиги департаменти кейинги ўринларда ЖХД назорати остида профилактика инспекторларига йўналтириш билан биргаликда уларни ҳисобга олиш назоратини кучайтириш;

➤ ҳар бир ҳисобда турган шахсларнинг тоифалари асосида, электрон рўйхатлари шакллантирилиб, улар билан якка тартибдаги профилактик тадбирларнинг амалга оширилган механизмларини шакллантириш;

➤ профилактик ҳисобда турган шахсларга нисбатан обрўли фуқаролар ва мураббийларни бириктириш амалиётини кўриб чиқиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси МЖтК 24 та моддаси бўйича профилактик ҳисобга олиш борасида сусткашликка йўл қўйган ходимларни ойлик маошидан қисқартириш механизмини жорий этиш орқали профилактик назорат кучайтирилади ва таъсирли тарбиявий профилактик тизим яратилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси ИИВ ЖХДнинг 2021 йил маълумотномаси

### **3.4. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чоратадбирларини амалга ошириш**

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашнинг ўзига хос тизими шаклланди ҳамда замон талаблари асосида унинг фаолияти йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг асосий вазифаларидан бири жамиятда хавфсизликни таъминлаш хусусан, аҳолининг тинчлигини, осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини, яъни ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини, мол-мулкини турли хил қўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишдир.

Бироқ, бугунги кунда бутун дунё муаммосига айланган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, наркобизнес, қурол-яроқ савдоси каби ҳалқаро жиноятчиликнинг авж олиши бутун жамият хавфсизлигига, барқарорликка, олиб борилаётган туб ислоҳотларга, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига катта хавф туғдираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирда диний экстремистлар жиноятчиликнинг энг жирканч шаклларидан бири терроризмдан фойдаланмоқда. Бунинг оқибатида ҳалқаро миқёсидаги нотинчилклар юзага келиб, инсоният деб аталмиш биологик мавжудотнинг бошига турли бало-қазоларни солмоқда. Натижада, бу турдаги ҳалқаро миқёсдаги жиноятлардан жабрланган шахслар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундан ташқари, айрим турдаги жиноятлар, жумладан қасдан одам ўлдириш, қасдан баданга шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, безорилик, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик, товламачилик, транспорт воситасини ўғирлаш, транспорт воситасини олиб қочиши билан боғлиқ ва бошқа жиноятларнинг ҳамда маъмурий жавобгарлик кодексида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг содир этилиши натижасида жабрланган фуқароларга мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлардан жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилмоқда. Бу турдаги салбий ҳолатларга йўл қуймаслик, хусусан, шахсларнинг турли қўринишдаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш ҳавфини камайтириш ҳамда олдини олиш мақсадида бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳақида фикр юритишдан олдин “виктимология” сўзининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш

мақсадга мувофиқ. Чунки, виктимология ва у билан боғлиқ айрим муносабатлар турли хуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларини объекти ҳисобланади.

Жумладан, энциклопедик ва изоҳли луғатларда “**виктимология**” лотинча «*victima*» жабрланган, жабрланувчи ва юонча «*logos*» таълимот, яъни, жабрланувчилар ҳақидаги таълимот<sup>1</sup>, деган маънени англатиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, “виктимология” билан бир қаторда “виктимлик”, “виктимизация”, “виктимоген омил”, “виктимологик профилактика”, “шахсий виктимлик”, “айбли виктимлик”, “айбсиз виктимлик”, “турухий виктимлик”, “оммавий виктимлик”, “жабрланувчи” “виктимологик сиёsat” ва шу каби бошқа иборалар ҳам мавжуд ва уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси нуқтаи назаридан виктим ҳолатларнинг юзага келишини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Хуқуқий адабиётларда, шунингдек хуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида виктимлик инсоннинг хуқуқбузарлиқдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг хуқуқбузарлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати, деган қарашлар мавжуд бўлиб, виктимликнинг *айбли ва айбсиз* турлари ажратилган.

**Айбли виктимлик потенциал** қурбоннинг салбий, хуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан номуносиб хулқидан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг кўпгина қисми йўл қоидаларига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

**Айбсиз виктимлик үмуман** ҳаётда ва жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоқقا эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла пособни) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти билан ёки психофизик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ.

Мисол тариқасида, онанинг эътиборсизлигидан 2 ёшли боласини балкон олдида ёлғиз қолдирилиши оқибатида пастга тушиб кетиши натижасида содир этиладиган ҳолат. Шу ўринда виктимлик даражалари мовжудлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. **Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси мавжудлиги кўзга ташланади:**

➤ Виктимлик даражаси кам бўлган шахслар жисмонан бақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар;

➤ Виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидолмайдиган шахслар;

➤ Виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-руҳий белгилари кабилар

<sup>1</sup> Российская юридическая энциклопедия. – М.: 1999., - Б. 137.

билин боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслар.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ўзларининг шартнома, битим ва бошқа ҳуқукий хужжатларида аёллар, болалар, ногиронлар, қарияларни юқори виктимликка эга бўлганлиги учун оила-турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ижтимоий мақомини алоҳида ажратиб кўрсатишган.

Виктимликни келиб чиқиш манбаига кўра, объектив ва субъектив омилларга ҳам ажратиш мумкин.

*Объектив омиллар:* маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (кўрқоқлар, журъатсизлар).

*Субъектив омиллар:* ишонувчилар, беэътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини таҳлил қилиб, мавжуд виктимликнинг айбли ёки айбизлигини аниқлаштириб олиш, шунингдек, виктимлик даражаларини билиш виктимологик профилактиканинг турини, шунингдек, профилактик таъсир кўрсатиш усул ва шаклларини мақсадга мувофиқ тарзда белгилаб олиш учун бевосита асос бўлиб хизмат қиласди. Қуйида биз бу ҳақда батафсироқ тўхталамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг “Асосий тушунчалар”га бағишлиланган З-моддасида “ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи”га “жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс” деб таъриф берилган. Қонундаги ҳуқуқбузарлик тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур ҳолатда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи деганда, ҳам маъмурий, ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайрихуқукий қилмиш (харакат ёки харакатсизлик) натижасида жабрланган шахслар назарда тутилмоқда.

Бинобарин, “жабрланувчи” тушунчасига берилган таъриф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унга асосан, “етарлича далилларга асосланган, жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс” тушунилади.

Жабрланувчи тариқасида ишга жалб қилиш суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарори билан амалга оширилади. Суд жараёнида эса суднинг ҳал қилув қарори ёки судья қарори билан тамомланади. Агар жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд пайтида шахсга амалда айтиб ўтилганидек моддий, маънавий ёки жисмоний зарар етказилган бўлса, у жабрланувчи сифатида эътироф этилади. Жиноий тажовуз натижасида ўлим содир бўлган бўлса, у ҳолда унинг яқинлари,

қариндошлари жабрланувчи деб танилади ва улар жабрланувчига берилган хукуқлардан фойдаланадилар.

Бироқ, жабрланувчи тушунчасига хукуқбузарликлар профилактикаси соҳасида жиноят-процессуал нуқтаи назардан фарқли равишда ўзгача ёндашилади. Аникроқ айтганда, хукуқбузарликлардан жабрланганлар билан ишлашда ҳар доим ҳам маълум бир процессуал ҳужжат асосида шахснинг жабрланувчи тариқасида эътироф этилиши талаб этилавермайди. **Шахс юқори виктимлик ҳолатига эгами, демак у билан якка тартибдаги виктимологик профилактикани ёки хукуқбузарликдан жабрланувчиларнинг таҳлилини олиб бориш асосида умумий ёки маҳсус тартибдаги хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Бунинг учун эса авваламбор, хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг обьекти, субъекти, турлари, усул ва шакларини мазмунан тушуниб олмоқ лозим ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирларни белгилашда виктимологик профилактиканинг обьектларини, уларнинг хусусиятлари ва белгиларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

### **Ички ишлар органлари фаолиятида виктимологик профилактиканинг обьекти:**

- ✓ маъмурий жавобгарлик кодексга асосан хукуқбузарлик кўп содир этилаётган, шунингдек, инсон хукуқ ва эркинликларига, манфаатларига тажовуз қилинаётган жойи, вақти, усул ва воситалари;
- ✓ инсон хукуқ ва эркинликларига, манфаатларига тажовуз қилаётган ва ижтимоий хавфи катта бўлган жиноятлар, уларни содир этиш жойи, вақти, усул ва воситалари;
- ✓ назарда тутилган хукуқбузарликлар натижасида жабрланаётган шахсларнинг тоифалари, ижтимоий демографик ва маънавий-рухий белгилари;
- ✓ хукуқбузарликлар содир этилгунига қадар бўлган даврда хукуқбузар шахс ва жабрланувчи ўртасида мавжуд ижтимоий (яқин қариндошлиқ, қўшничилик, дўстона кабилар), хукукий (қонун билан белгиланган маълум бир хизмат ёки фаолиятга доир раҳбар, ходим, ҳамкасб), иқтисодий (қарздорлик, иқтисодий шерикчилик) ва бошқа шаклдаги муносабатлари;
- ✓ виктимлик тушунчаси (шахснинг хукуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати), турлари (шахсларнинг назарда тутилган хукуқбузарликлардан айбли ёки айбиз ҳолда жабрланганлиги), даражалари (виктимликнинг юқори, ўрта, паст даражадалиги);
- ✓ назарда тутилган хукуқбузарликлар натижасида жабрланган шахсларнинг жабрланишига туртки берган шарт-шароитлар.

## **Келтириб ўтилган объектларни ўрганмасдан туриб, виктимологик профилактикани самарали ташкил этиб бўлмайди.**

*Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширувчи субъектлар қўйидагилар:*

- Жамоат хавфсизлиги департаменти;
- Тергов департаменти ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Тезкор-қидирав департаменти ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Жазони ижро этиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари;
- Хорижга чиқиши-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Миллий гвардия “Кўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Шахсий хавфсизлик хизмати ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Транспорт ва туризмда хавфсизликни таъминлаш департаменти;
- Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Маънавий-маърифий ишлар ва кадрларни танлаш департаменти ва унинг жойлардаги тизимлари;
- Ахборот маркази ва унинг жойлардаги тизимлари.

Мазкур қайд этиб ўтилган субъектлар зиммасига қонун ва қонуности меъёрий хукуқий хужжатлар, хусусан, ички ишлар вазирлигининг ички буйруклари асосида фаолият йўналишлари билан бевосита алоқадор бўлган ҳолда хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга ошириш вазифаси юклатилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД, Каракалпогистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ ҲПБ, шаҳар-туман ИИБ ҲПБ ҳамда ҳудудий маҳалла хуқуқ-тартибот масканлари ва таянч пунктлари профилактика инспекторлари хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини таъминлаш ва амалга оширишда маҳсус субъект сифатида муайян ваколатларга эга бўлиб, улар хуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишининг олдини олиш орқали давлат ва жамият мулкини ҳамда фуқароларни турли тажовузлардан ҳимоя қиласди.

### ***Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий усуллари:***

- ишонтириш;
- рағбатлантириш;
- мажбуrlаш.

Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий усулларидан бири “ишонтириш” усулидир. Виктимологик профилактиканда ишонтириш усули фуқароларга, хусусан, хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган

шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш ҳамда огоҳлик ва ҳушёрликка чақиришнинг асосий методи. Хавф мавжудлигини англаб етиш ва хавфсизлик чорларини кўриш ишонтиришдир. Ишонтириш муайян ҳаракат ёки асосли, қимматли ва реал ҳаётга мос фикр-сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий-огоҳлантирув хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

Бу усулнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ишонтириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларидан бирини ташкил этиб, ҳар бир профилактикchora-тадбирлар замирида ётади.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига профилактик сухбат, маъruzалар, жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усувларини ўргатиш, хужум қилинган тақдирда зарурй мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқукий тарбия ва таълим бериш кабиларни тайинлаш киритиб ўтиш мумкин.

**Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини яна бир усули “рағбатлантириш”дир. Ушбу усулнинг қўлланилиши қўйидагиларда намоён бўлади:**

➤ Ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

➤ Ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш;

➤ Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузган ва уларнинг ишини ташкил этганлиги учун нодавлат, нотижорат ташкилотларга давлат томонидан турли шаклда имтиёзлар бериш.

**Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишда “мажбурлаш” усули ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу усулнинг қўлланилиши қўйидагиларда кўриниши мумкин:**

➤ ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, худди шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларнинг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги (МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми);

➤ транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши (МЖТКнинг 128<sup>1</sup>-моддаси);

- транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш (МЖтКнинг 128<sup>2</sup>-моддаси);
- транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (МЖтКнинг 131-моддаси);
- пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш (МЖтКнинг 183-моддаси);
- ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (МЖтКнинг 211-моддаси).

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқбузарликлар турлари бўйича гарчи шахс ҳуқуқбузар сифатида эътироф этилса-да, мажбурлов чораси сифатида санкцияни қўллаш белгиланган тартиб-қоидани бузиш оқибатида шахс нафақат давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига путур етказмаслиги, балки ўзининг хавфсизлигига эришишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Мисол учун, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчиларни ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш, худди шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларнинг мотошлемлардан фойдаланишига доир қоидалар айнан ушбу ҳайдовчиларнинг ўзларининг ҳаёти ва соғлигини таъминлашга йўналтирилгандир.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси сингари виктимологик профилактиканинг ҳам шакллари мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг куч ва имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади ва амалга оширилади.

#### *Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси шаклари:*

- Оғзаки;
- Ёзма;
- Кўргазмали.

Оғзаки шаклда амалга ошириладиган виктимологик профилактика асосан маъруза, сухбат, савол-жавоб, аудио ёзувли эълон ва огоҳлантирув чақириқларини эшиттириш, радиода чиқишлиар қилиш каби профилактик чора-тадбирларда намоён бўлади.

#### *<sup>1</sup>Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:*

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;
- ахолига, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усувларини ўргатиш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва химоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги конунининг 46-моддаси.

•хукуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

•хукуқбузарликтан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

•ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки хукуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равиша назорат қилиш;

•хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига хуқуқий тарбия ва таълим бериш;

•ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган хукуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса хузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

•профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

•хукуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

### **Хуқуқий адабиётларда виктимологик профилактика жабрланувчига йўналтирилган ҳолда умумий ва якка тартибда амалга оширилади.**

Келтириб ўтилган профилактик чора-тадбирларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни амалга оширишда масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бироқ ҳар доим ҳам хукуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан мазкур масалага жиддий ёндашилаверилмайди. Негаки, бу борада ҳар бир профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда тайёргарлик кўриш, бевосита амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш каби босқичларни кетма-кет равиша босиб ўтиш талаб этилади

Бозорларда ва бошқа савдо шаҳобчаларида нарса-буюмларнинг йўқолиши ва ўғриланиши ҳамда ёш болаларнинг йўқолиб қолишини олдини олиш мақсадида фуқароларни доимий равиша огоҳликка чақириб турувчи аудио ёзувларни эшиттиришни йўлга қўйилиши ҳам яхши натижга беради.

Виктимологик профилактиканинг ёзма шакли ўзининг мазмунига кўра, газета ва журналларда хукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳақида мақолалар, содир этилган хукуқбузарликлар бўйича ҳикоя, қисса, очерклар чоп

етиш, одамлар гавжум бўладиган жойларда ёзма эълонлар осиш, аниқланган хукуқбузарлик сабаб ва шароитлари, шунингдек, хукуқбузарликлардан жабрланиш омиллари юзасидан фуқароларга огоҳлик ва ҳущёрликка чақиришга йўналтирилган хатлар юбориш кабиларда намоён бўлади. Шу билан бир қаторда, турли хукуқбузарликлардан ҳимоя қилишга ва жабрланишнинг олдини олишга қаратилган, масалан бугунги кунда одам савдосидан жабрдийда бўлишни олдини олишни англатувчи ва шу каби мазмундаги **максус бўклетларнинг амалиётда** қўлланилаётганлиги ҳам виктимологик профилактиканинг ёзма шаклига мисол бўла олади.

Хукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси кўргазмали шаклида телевидение орқали содир этилган хукуқбузарликлар тафсилотлари асосида жабрланишнинг сабаб ва шароитлари ҳақида кўрсатувлар, кинофильмлар, видеороликлар тайёрлаб, эфирга узатиш, театр кўринишларни саҳналаштириш ва намойиш қилиш, ахоли гавжум жойлар (**мисол учун, автобус ва метро бекатларида, супермаркет ёки гиппермаркетларда**) хукуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга плакатлар, эълонлар осиш, видео роликлар намойиш қилиш, учрашув, маъруза ўтказиш жараёнларда мультимедиа воситаларидан фойдаланилади.

Фуқароларнинг турли тажовузлардан, майший турмуш шароитида содир этиладиган хукуқбузарликлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, ўтган давр мобайнида ахолини хукуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Аникроғи, профилактик хусусиятга эга бўлган хукукий база яратилди ва уларда фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг, турли мулк шаклларининг жиноий тажовузлар, шунингдек, бошқа турдаги хукуқбузарликлардан ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар мустаҳкамланди. Жумладан, босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлат, жамият ва ахолини турли хукуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, хусусан, «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг 27.10.2020 йилдаги «Наркалология касалларни профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги, 15.12.2000 йилдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Бола хукуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Тезкор-қидиув фаолияти тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита хукуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштиришга доир фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва

бошқа бир қатор қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

**Шу ўринда савол пайдо бўлади.** Хўш, хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ўзи нима? Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бу муайян шахснинг хуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятдир. Ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектлар, уларнинг ваколатлари, хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари ҳамда хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар ва уларни ташкил этиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонуннинг “Хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари”га бағишлиланган 6-моддаси ва “Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси” деб номланган 6-бобида белгилаб берилганлиги мазкур соҳадаги қонунчилик ва амалиётдаги мавжуд бўшлиқни бартараф этди, десак тўғрироқ бўлади.

Жамоат хавфизлигини таъминлаш департаменти, хусусан, маҳалла хуқуқтарни маскани профилактика (катта) инспекторлари хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятида маъмурий ва жиноий хуқуқбузарликлардан жабрланувчи ва жабрланишга мойил шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, жабрланиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида хуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартиbdаги виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимини амалга оширади.

Бу борада, виктимологик омилларни барвақт аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтиришга ҳамда виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни хушёрликка чорлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш, уларнинг жиноий ва бошқа ҳар қандай қўринишдаги тажовузлар қурбони бўлиш хавфини камайтиришга қаратилган ҳамкорликдаги умумий чора-тадбирларни амалга оширадилар. Эътиборли томони шундаки, хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолият хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсга эмас, балки хуқуқбузарлиқдан жабрланишга мойил бўлган шахсларга ҳамда улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларни бартараф этишга ҳам қаратилишини унутмаслигимиз керак.

**Ички ишлар органлари профилактика хизматининг виктимологик профилактик фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари.**

**Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини белгилаб берувчи ҳуқуқий асос яратилди. Ушбу ҳуқуқий асосларни қўйидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш мумкин:**

➤ **биринчи**, аҳолининг ҳуқуқбузарлиқдан жабрланишини олдини олишга йўналтирувчи ва кафолатловчи ҳуқуқий асослар;

➤ **иккинчи**, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, уларга етказилган моддий, маънавий, жисмоний зарарларни ундиришни белгиловчи ҳамда уларнинг реабилитация қилинишига оид тартибни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар;

➤ **учинчи**, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ҳисобланади.

**Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир ҳуқуқий асосларни таъсир кўрсатиш кучига қўра, қўйидаги турларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофик:**

➤ Ҳуқуқбузарлиқдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий хужжатлар;

➤ Конституция ва қонунлар;

➤ Қонуности хужжатлар.

Ҳуқуқбузарлиқдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир халқаро ҳуқуқий хужжатлар.

Жумладан, 1902 ва 1910 йилларда Парижда ўтказилган конференциялар натижаларига қўра, “Оқ қуллар савдосига қарши кураш” номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ, ушбу конвенция “Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш” ва “Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш” номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда “Инсон ҳуқуқлари” умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг “Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси”, “Қуллик хусусида”ги Конвенция, “Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида”ги қўшимча Конвенция, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, “Аёлларга қарши дискrimинациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлигини ҳисобга олиб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган

“Одам савдоси ва фоҳишиликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция, шунингдек, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда ҳукуқбузарлиқдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, уларга етказилган заарни қоплаш, шунингдек, ҳукуқбузарликлардан жабрланганларни реабилитация қилишга доир бошқа бир қатор халқаро шартнома ва келишувлар имзоланди.

Шу билан бир қаторда, одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар зиммасига одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси юқлатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган.

Қонуннинг 3-боб 9-13-моддаларида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ва уларнинг вазифалари, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш, одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кафолатлаш, одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш масалалари бўйича нормалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаган “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида илк маротаба ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси амалий жиҳатдан талқин этилди. Қонунда ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси, чоратадбирлари, давлат органлари ва нодавлат, нотижорат ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳукуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузиш ва уларнинг ишини ташкил этиш бўйича нормалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризма қарии кураш тўғрисида”ги қонунининг “Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган заарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси” деб номланган IV-бобининг террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган заарни қоплаш, террорчиликка қарши операция ўтказиш натижасида

етказилган заарни қоплаш ва террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси масалалари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг қилмишнинг жинойлигини истисно қиласидан ҳолатлар ифодаланган учинчи бўлимида “Зарурий мудофаа” (ЖКнинг 37-моддаси) ва “Охирги зарурат” (ЖКнинг 38-моддаси)га оид жиноий-ҳуқуқий қоидалар жой олган.

Эътиборли томони шундаки, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатларидағи жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш нафақат жиноий жавобгарлик, балки маъмурий жавобгарлик кодексига асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳам тадбиқ этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 18-моддасида “Зарурий мудофаа” ва 19-моддасида “Охирги зарурат”нинг маъмурий ҳуқуқий тартиби баён этилган.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни талабларига мувофиқ, маъмурий ҳудудларда давлат органлари ва нодавлат, нотижорат ташкилотлари томонидан мавжуд эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга ихтисослашган муассасаларни ташкил этишни амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси, уни ташкил этиш тартиби бир қатор қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, уларни бир нечта гурухларга жўмладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-911-сонли қарори ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асосларидан биридир. Мазкур қарорда одам савдосига қарши курашиш бўйича идораларора комиссияси тузилди ва уларнинг одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам қўрсатиш бўйича ва уларни ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида белгилаб берилди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда фаолият олиб бораётган “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази” ташкил этилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг давлат ва жамият ҳамда фуқароларнинг турли тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган норматив-

хуқуқий хужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йил 5 ноябрда “Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарори одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказлари ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

2014 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 360-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарорига реабилитация маркази ходимларининг штат бирлиги тузулмаси ва зарурият бўлганда Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдаларини даволаш-профилактика муассасаларига, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига белгиланган тартибда диагностика, даволаш-маслаҳат ёрдами кўрсатиш, шунингдек, (атрофдагилар учун хавф туғдирадиган наркология, психиатрия, дермотовенерология, сил, юкумли касалликлар ва бошқалар бўйича) стационар тиббий ёрдам кўрсатиш учун юборишига доир ўзгартиришларни киритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 45-моддаси талабларига мувофиқ, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун хужжатларига мувофиқ хукуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин. Мазкур ихтисослаштирилган муассасалар хукуқбузарликлардан, шу жумладан майший турмуш шароитида зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликлардан жабрланганларга хуқукий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сонли қарори талаблари асосида ички ишлар органлари томонидан оиласдаги зўравонлик билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, оиласидаги барча аъзоларида хуқуқий маданиятни ошириш, уларда бошқаларнинг хуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини хурмат қилиш, қонунга итоаткорлик, қонун бузилишининг ҳар қандай қўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан майший турмуш шароитидаги турли зўравонлик ва унинг билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

## **IV БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МАИШИЙ ТУРМУШ СОҲАСИДА ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИГИ ВА ИШ ЙОРИТИШ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ**

### **4.1. Ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорлиги**

Ички ишлар органлари томонидан майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида уларни ўрганиш, турмуш шароитларини яхши билиш ҳамда уларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига, Конституцияси ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, майший турмуш шароитидаги ижтимоий, маънавий, иқтисодий ҳамда тиббий муаммоларни жойида ҳал этиш, спорт соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, уларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик содир этишга, ёхуд унинг жабрланувчиси бўлиб қолишининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни кенг жамоатчилик вакиллари ва давлат ташкилот идораларининг масъулларини жалб этган ҳолда амалга оширишни тақоза этади.

Ҳуқуқий адабиётларда қайд этилганидек, профилактика хизматлари ўзларига бириктирилган маъмурий худудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар назоратсизлигини олдини олиш, носоғлом майший турмуш соҳасидаги турли зўравонликдан жабрланганларни аниқлаш ва уларга биринчи тиббий ва маънавий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан бошланади.

Шунингдек, майший турмуш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга доир тадбирларни амалга оширади<sup>1</sup>. Жамоат хавфсизлиги департаменти ва жойлардаги секторлар раҳбарлари ва уларнинг масъул ходимлари томонидан аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаганлиги, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолаётганлиги, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида маҳалла раислари ва Секторларга маълумотлар бериб келмаётган профилактика инспекторларини аниқлайди ва бу борада ўрнатилган тартибда чора-тадбирлар белгилайди.

Тадқиқотлар натижаларида қайд этилганидек, майший турмуш соҳасида зўравонлик оқибатида вужудга келадиган низоли вазиятлар, жумладан, зўрликдан жабр чеккан шахслар ўз жонига қасд қилиш кайфиятини қўзгатадиган омилларни

---

<sup>1</sup> Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: – Т., 2009. – Б. 16.

ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш<sup>1</sup> борасида ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тизимли ва манзилли ҳамкорликни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32, 56, 58, 121-моддалари талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Конституциянинг қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин (121-модда) деган қоидаси талаблари асосида қонунларда ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини тартибга соловчи нормалар шакллантирилган. Ушбу нормаларни шартли равишда қўйидаги **уч гурухга ажратиш мумкин**:

- ички ишлар органлари фаолиятини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини тартибга соловчи;
- жамоат тузилмалари фаолиятини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини тартибга соловчи;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари билан жамоат тузилмалари ҳамкорлигини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар.

**Биринчи гурухга кирувчи** Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасига асосан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек кўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шарт.

**Иккинчи гурухга кирувчи** Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунининг талаблари асосида: фуқаролар йигини ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласвий-майший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сонли Карори.

профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитади (11-м.) ҳамда фуқаролар йигини кенгаши хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, ҳар бир оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади, тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади (12-м.).

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, бугунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, қўмакка муҳтоҷ майший турмуш шароитидан хабардор бўлиш ва моддий ёрдам бериш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўмаклар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда<sup>1</sup>.

**Учинчи гурухга кирувчи** Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларидан бири сифтида уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Шунингдек, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар, хусусан, майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармонида халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулокотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифтида белгиланди.

<sup>1</sup> Рўзиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил): – Т., 2016. – Б. 17.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишларини илгари суриши билан бирга, ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди. Хусусан, унда илгари сурилган ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида умумий тартиб-қоидалар асосида ёндашишга нисбатан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ишни ташкил қилишнинг афзаллигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Боиси, жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир ҳудуди: аҳолисининг таркиби, машғулоти, ҳудудий-географик жойлашуви, урф-одатлари, иқтисодиёти, ижтимоий қадриятлари, криминоген вазият, ҳуқуқбузарликларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда динамикаси ҳамда бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қиласи.

Бу борада, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сўрилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибалари бўлиши тўғрисидаги раҳбарий ғоялари асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, маърузаларидан бирида бу борада, «Одамлар тинч яшапи учун бутун мамлакатимизда жиноятдан ҳоли муҳит яратишимиш шарт.

Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак<sup>1</sup>, дея таъкидлаган эди.

Шу асосда, 2021 йил 26 март куни Ички ишлар вазири раислигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринbosари иштирокидаги “Ички ишлар органлари фаолиятига янги тизим жорий этиш, ҳудудларда жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли билан манзилли ишлашга қаратилган “Хавфсиз ҳовли” тизимини йўлга қўйиш” мавзуусидаги йиғилишда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

давлатимиз раҳбарининг маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш, жамоат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олишда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” иш ташкил этиш билан бирга келгусида “хавфсиз ҳовли” тизимини яратиш борасида қатор вазифалар белгиланди.

Ушбу қарор талабларидан келиб чиқкан ҳолда ички ишлар органларининг миший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ бўлган ҳукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини самарали таъминлаш, шунингдек, мазкур қилмишлардан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуидагиларни белгилаш мумкин:

❖ миший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва ундан жабрланувчига айланишга мойил хулқ-атворни ҳамда маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни қўзғата оладиган миший турмуш низоларнинг, депрессив вазиятларнинг эрта олдини олиш, шунингдек, ушбу жараёнга кенг жамоатчилик иштирок этишини таъминлаш;

❖ миший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ бўлган ҳукуқбузарликлардан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш тизимини йўлга қўйишда, оиласда вужудга келадиган оиласвий низоли вазиятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни ҳал қилишда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик механизмини шакллантириш;

❖ миший турмуш шароитидаги турли низоли вазиятлар вужудга келишининг сабаб ва шароитларини барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга, энг аввало, «зўравонликка» ва «зўравонликдан жабрланишга» мойил бўлган оиласвий аъзолари билан мақсадли якка тартибдаги профилактик чораларни қўллашга, шунингдек, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини тизимли ва манзилли жалб қилиш;

❖ миший турмуш соҳасидаги низоли вазиятларни, зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон беряётган шарт-шароитларни, шунингдек, зўравонликка ва ундан жабарланишга мойилликни шакллантирувчи омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўришда ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

❖ турмуш жараёнида зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан оиланинг бошқа аъзолари ва яқин қариндошлари томонидан муросасиз муносабат муҳитини қарор топтириш, шунингдек, ҳар қандай кўринишдаги ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ва жабрланганларни қўллаб-куватлашга қаратилган кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш;

❖ миший турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи ҳар бир шахсларнинг оила аъзосида ҳуқуқий билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтириш, оила турмуш муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш ва ундан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш жараёнларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан мунтазам ҳамкорликни таъминди.

**Биринчи муаммо**, ҳокимликлар томонидан худуддаги ижтимоий-иқтисодий, демографик ҳолатни, у ердаги аҳолининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, анъаналари ва удумларини ҳисобга олган ҳолда «миший турмуш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича дастур»ларни қабул қилиш, жамоатчилик тузилмаси аъзоларини билим, кўнирма, малака ва тажрибасини ошириш бўйича машғулотлар ташкил этиш, маҳалла раиси, ва унинг таркибий тузилмаси ва ҳуқуқтартибот маскани ходимлари (профилактика инспектори)нинг миший турмуш соҳаси билан боғлиқ зўравонликнинг олдини олиш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозимлигини таъкидлашади.

**Иккинчи муаммо**, бугунги кунда профилактика хизматлари томонидан миший турмуш ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактикасини таъминлашда маҳалла раислари ва унинг таркибий тузилмаси билан биргаликда халқимизга хос ноёб усул бўлган маҳалла ва жамоатчилик назорати имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти.

Бизнинг халқимизда ор-номус, андиша, ҳаё ва ибо деган тушунчалар ниҳоятда кучли. Бу эса уйдаги оддий оиласи низоларни, миший турмуш соҳасидаги ўзаро келишмовчиликларни маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар ва фаоллар, имом-хатиблар, отинойилар ёрдамида, ҳар бир фуқаро сири ва қадриятини сақлаб, кўпчиликка овоза қилмай, ортиқча расмиятчиликка йўл қўймасдан ижобий ҳал этишда ота-боболаримизнинг амал қилиб келган азалий урф-одатларидан фойдаланишда маҳалла, унинг фаоллари имкониятлари эътибордан четда қолмоқда.

Никоҳдан ажралиш ҳолати бўйича қўриб чиқилган масалалар 2016 йилда 16588 тадан 16085 таси, 2017 йилда эса 19131 тадан 16095 таси яратириш комиссияларида ижобий ҳал қилиниб, оиласи ажрашиб кетишидан сақлаб қолинган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2573 тага кўпайганлиги 2020 йилда 80000 тага етганлиги ташвишли ҳолдир.

**Учинчи муаммо**, миший турмуш ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт ташкил этиш, шу жумладан мазкур соҳадаги ҳамкорлик устидан жамоатчилик назоратининг етарли эмаслиги, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисбот бериб боришининг таъсиран тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаганлиги, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни, хусусан, профилактика

хизматларининг майший турмуш ва унинг билан боғлиқ ҳукуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини самарали амалга оширишлари учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти<sup>1</sup>.

Мұхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Яна бир нохуши ҳолатни бугун ағсус билан айтмоқчиман, оиладаги носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, әрхотин ўртасидаги жаңажаллар, хотин-қызларимиз ва маҳалладаги фуқаролар орасыда ўз жонига қасд қилиши ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттық изтиробга солмоқда»<sup>2</sup> деб таъкидледилар. Шунингдек, зеро, ҳар бир оиладаги ижтимоий-маънавий мұхитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларнинг эса ота-оналар ва жамият олдидаги бурч ҳамда масъулият түйгүсини кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади<sup>3</sup>.

Жамоат ташкилотлари билан биргаликда майший турмуш соҳасидаги нотинч ва муаммоли масалаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий мұхитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, майший турмуш муносабатларини мустаҳкамлаш ва миллий менталитетта ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш уларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

**Тўртинчи муаммо**, ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари томонидан майший турмуш соҳасидаги зўравонликка оид мурожаатларни кўриб чиқиша, имом-хатиблар, отинойилар, маҳалла раислари ва хотин-қызлар билан ишлаш ҳамда уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар имкониятларидан самарали фойдаланил-маётганлиги, уларни жалб этиш механизмларининг етарли ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, бу соҳада очиқлик ва шаффофликнинг таъминлан-маётганлиги. Жисмоний ва юридик шахсларнинг майший турмуш соҳасидаги мурожаатлари юзаки кўриб чиқилаётганлиги, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаёт-ганлиги, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётганлиги фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхона-ларига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони.

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдирни ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик. // Ҳалқ сўзи. – Т., 2017 йил. 16 июнь.

<sup>3</sup>Турсунова О.А. оиласий фаровонлиги – миллат ва давлат фаровонлигининг асосидир // Хусусий айловов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015. – Б. 197.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармони

Мазкур маълумотлар таҳлили ҳам ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид мурожаатлар билан ишлашда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг масъул ходимлари билан самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлигидан далолат бериб турибди.

**Бешинчи муаммо,**<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралда ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг асосий мақсади хотин-қизлар билан ишлаш мутахассис лавозимлари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифалар юклатилган. Бироқ, бу борада айрим ҳудудларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар бўйича мутахассислар томонидан ўз вазифаларини тўлақонли равишда бажармаётганларни натижасида хотин-қизлар жабр чекиб келмоқдалар.

Жумладан, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича масъул бўлган (янгидан 2019 йилда ИИОФМБ ва маҳаллада ташкил этилган), хотин-қизлар бўйича мутахассислар ҳар бир оиласидаги аёллар билан ишлаш, уларнинг турмуш тарзини чуқур ўрганиб, аниқланган муаммоларни ўз вақтида секторлар кесимида ҳал этиш лозим бўлса ҳам талаб даражасида эътибор қаратилмайди.

Гуёки, улар ўз фаолиятини содир этилган ҳуқуқбузарликлардан сўнг воқеа жойига бориш ва шу асосдан келиб чиқсан ҳолда ишларни ташкил қилиш деб ўйлайдилар, бу эса ўз навбатида, жабрланувчига нисбатан оғир жиноий қилмишлар содир этилишига ва жабрланувчилар томонидан ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳодисалар содир этилишига олиб келмоқда.

**Юқоридаги амалиёт билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида қуидагиларни амалга ошириш лозим:**

а) ички ишлар органлари профилактика хизматларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлашда, авваламбор, маҳалла фаоллари, уй, кўча бошилари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассислар, соғлиқни сақлаш идораларининг ҳудудий бўлимлари ҳамда отинойилар ва имом-хатиблар билан ҳамкорликда амалга оширган ишлар мониторингини яратиш;

б) ички ишлар органларининг майший турмуш соҳасидаги зўравонлик ва унинг билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда маҳалла, оила ва шахс кесимидағи муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳар бир ҳолатни маҳаллалар ҳамда фуқаролар кесимида ҳал этилишини маҳаллий каналлар орқали ёритилиб борилишини таъминлаш;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5938-сонли фармони 18.02.2020 йил.

в) ҳар бир маҳаллаларда 5 та ташаббус бўйича олиб борилаётган ишларни ҳисоботини юритиш, шунингдек, аҳолини ҳуқуқий маданиятини янада ошириш мақсадида «давра сухбати», театр, китобхонлик, имом-хатиблар, отинойилар иштирокида учрашув ва бошқа илмий-амалий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш стендларини ишлаб чиқиб амалиётини жорий этиш;

г) миллий, маданий-маърифий, оиласий, ҳуқуқий қадриятларни, шарқона одоб-ахлоқ, халқимизнинг бой маънавиятига асосланган ҳолда ташкил этишга хизмат қиласиган ўқув-амалий қўлланма ва услубий тавсиялар, плакатлар ишлаб чиқиш ҳамда ўқув тўгараклар ташкил этиш;

д) хотин-қизлар билан ишлаш ва уларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича (психолог) мутахассис ваколатлари доирасига эътибор қаратиш ва маҳалла психолиги лавозимини жорий этиш;

е) маҳалла, кўча ва уй бошилари хизмат олиб бораётган маъмурий худудда оиласий ажримлар, майший турмуш соҳасидаги турли ҳуқуқбузарликлар содир этилмаётганлигига эътибор қаратиш ва шу асосда уларни маҳалла фонди орқали рағбатлантириб бориш амалиётини жорий этиш.

Маҳаллада юз бераётган ўзгаришлар профилактика хизматларининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигини янги шакл ва усусларини излаб топишга мажбур этмоқда. Бироқ, ўтмиш тажрибасини ҳам унутмаслик лозим, чунки тўпланган кўпгина тажрибалар ҳамон ўз қийматини йўқотмаган. Ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш ҳамда устоз мураббий анъаналарига қулоқ солиш улар имкониятида самарали фойдаланиш лозим.

#### **4.2. Майший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш фаолияти**

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, улар давлат томонидан қўриқланади ва кафолатланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари давлат томонидан қўриқланади, уларнинг ҳуқуқларидан фойдаланишларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолати ҳисобланиб, шу жумладан уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳам белгилаб беради, мурожаат қилиш ҳуқуқлари ҳам шулар жумласига киради. Конституциянинг 35-моддасида “ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт” деб белгиланганлиги яққол мисолдир.

Биз суд-хуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берайтганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституциямизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир<sup>1</sup>.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тиклаш, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсиялари билан давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг мурожаат қилиш бўйича ҳуқуқлари Конституция асосида қабул қилинган бошқа қонун ва қонуности хужжатларида ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби белгилаб берилган.

Қонуннинг З-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича қўлланиладиган қўйидаги асосий тушунчалар келтириб ўтилди:

- ✓ **ариза** - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;
- ✓ **таклиф** - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;
- ✓ **шикоят** - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;
- ✓ **электрон мурожаат** - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;
- ✓ **такрорий мурожаат** - айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб, қонун хужжатларида белгиланган кўриб чиқиши муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;
- ✓ **аноним мурожаат** - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ

<sup>1</sup> Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараккий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).

номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

✓ **мурожаатнинг дубликати** - айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

✓ **оммавий қабул** - давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

✓ **видеоконференцалоқа** - узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видео ахборот алмасиши имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

✓ **давлат иштирокидаги ташкилот** - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши аҳоли учун мақбул бўлган усуслар “ишонч телефонлари” ва тезкор алоқа телефонлари орқали ҳамда видеоконференцалоқа воситасида мурожаат қилиш тартиби жорий этилди. Бундан ташқари, қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси (10-модда) давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2021 йил 30 январь кунидаги 2-сонли буйруғи билан тасдиқланган

Низом асосида профилактика инспекторларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши фаолияти ташкилий жиҳатдан тартибга солинади.

2017 йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди. Бу тадбирларда фуқаролар томонидан кредит ажратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларига доир, бандлик ва иш ҳаки тўловлари, тадбиркорлик, электр ва табиий газ таъминоти, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларга оид 22 минг 186 та мурожаат билдирилди. Мурожаатларнинг 6 минг 484 таси жойида ҳал этилди, 15 минг 702 таси тегишли органларга кўриб чиқиши учун топширилди. 94 та ҳолат юзасидан хизмат текширувлари тайинланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган<sup>1</sup>.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши ўз навбатида фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида ва унинг ривожида фаоллигини ошириш билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини янада мустаҳкамлади.

### **Профилактика инспекторининг жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиши фаолияти.**

Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, ҳалиқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдор шахслар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи ҳалқимиз олдига бормоқда, бу ҳолат катта ижобий ўзгариш<sup>2</sup> ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг ички ишлар органалари, хусусан, профилактика хизмати тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқ тартибот масканлари ва таянч пунктлари фаолиятига катта эътибор қаратилди.

Профилактика инспекторлари томонидани таянч пунктларида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини қабул қилиш учун “**Фуқароларни қабул қилиш китоби**” юритилади ва унга қўйидаги маълумотлар ёзиб қўйилиши лозим:

➤ жисмоний ва юридик шахс вакилларининг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;

<sup>1</sup> Эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг маъruzasi // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).

<sup>2</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишинган тантанали маросимдаги маъruzasi // URL: <http://xs.uz> (2017).

➤ юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

➤ мурожаат санаси, вақти ва унинг қисқача мазмуни;

➤ мурожаат юзасидан кўрилган чоралар (маслаҳат, ёзма ариза олиниши ва рўйхатдан ўтказилиши, тадбирларнинг белгиланиши ва хоказо).

Китобда фуқаролар томонидан маҳсус қутига ташлаб кетилган муайян шаклдаги мурожаатлар ёки тўғридан-тўғри қилинган мурожаатлар оғзаки ёки ёзма, электрон бўлишидан қатъий назар бир хил тартибда қайд этиб борилади.

Хукуқ-тартибот маскани ва таянч пунктларида жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг вакилларини қабул қилишда қуйидаги хужжатлар бўлиши лозим:

✓ ички ишлар органларининг маълумот хизмати телефонларининг рақамлари;

✓ аризаларни, таклифларни ҳамда шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

✓ ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

✓ ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхатлари акс эттирилган ахборот стендлари, кодекслар ва бошқа зарурий ахборот ҳамда маълумотлар билан жиҳозланади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш чоғида профилактика инспекторлари ўзининг юксак касбий ва инсоний фазилатларини намоён қилиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши, эстетик қоидаларга риоя қилиши (фуқароларга эътиборсиз бўлмаслиги, қабул вақтида тамаки маҳсулотларини чекмаслик ва бошқа ишлар билан чалғимаслиги) талаб этилади.

Профилактика инспекторига оғзаки равишда жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилинганда бу ҳақда зудлик билан ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабарлар тафсилоти ёзиб олинадиган телефон алоқалари ўрнатилган органларда эса шундай телефон рақамига қўнғироқ қилиб хабар беради, тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва тегишли бошқа қонун хужжатларида белгиланган ваколат доирасида ва ёзма шаклга ўтказилиб ўрнатилган тартибда ИИОлари навбатчилик қисмларидағи тегишли китобларда қайд этилиши таъминланади.

Мурожаат асоссиз ёки қонунга хилоф хусусиятга эга бўлса ёхуд унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиниб бўлинган бўлса, у ҳолда профилактика инспектори уни қабул қилишни рад этиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг оғзаки мурожаатлари бўйича қабул қилиш қонуний тартибда, ўз вақтида, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиши лозим.

Профилактика инспектори жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган күйидаги мазмундаги оғзаки мурожаатлар бўйича ички ишлар органи навбатчилик қисмига ва ИИБ бошлиғига ахборот беради:

- жиноят ва ходисалар тўғрисидаги;
- тайёрланаётган, суиқасд қилинган ёки тамом бўлган жиноят оқибатида бузилган ҳукуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатиш ҳақидаги;
- айбини бўйнига олиш тўғрисидаги;
- фуқаронинг бедарак йўқолгланлиги ҳақидаги;
- даволаш муассасалари ходимларининг фуқаролар баданида тан жароҳатлари излари билан мурожаат этиб келган ҳолларда, улар жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги;
- фуқаролик паспорти, мол-мулки йўқолгланлик ҳолати юзасидан мурожаат этилганда жиноят аломатлари мовжудлигига шубҳа уйғотувчи;
- тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган ҳукуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатлар.

Профилактика инспектори майший турмуш шароитида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларининг ёзма ва электрон шаклдаги мурожаатларидаги маълумотлардан маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни фош этиш, қидирудаги ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган ҳукуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, ҳукуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ўз хизмат фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиши мумкин.

Жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар билан боғлиқ мурожаатлардан ташқари бошқа барча шаклдаги ёзма мурожаатлар ички ишлар органи (**котибият**) жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиши бўлимида шу куннинг ўзида қайд қилиниши шарт.

Жиноятга оид мурожаатлар Ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги Шакл-1 китоби, Шакл-2 журналларига қайд эттирилиши шарт ва шундан сўнггина уни тааллуқлилик бўйича профилактика инспекторига иш юритувчига олиш учун бошлиқ томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади. **Бугунги кунда барча аризалар электрон тартибда қайд этиш амалиёти жорий этилган.**

Маҳалла ҳукуқ-тартибот маскани раҳбари ёки профилактика инспектори ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ёзма мурожаат келиб тушганда қабул қилишдан бўйин товлаш тақиқланади, жисмоний ва юридик шахснинг шундай хусусиятга эга бўлган илгариги мурожаати бўйича қарор қабул қилинганлик ва бу ҳақда уларга белгиланган тартибда хабар қилинганлик ҳолати бундан мустасно.

Шу боисдан келиб тушган мурожаатга доир ҳолатни тўлиқ ўрганиб чиқиши, мурожаатни кўриб чиқиши юзасидан тааллуқлилик масаласини ҳал қилиш,

мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида доимий равища қонунийлик, инсонпарварлик, айб учун жавобгарликнинг мукарарлиги каби принципларга риоя қилиш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунириш, етказилган зарар микдорини аниқлаш ва қоплаш чораларини кўриш кабиларнинг амалга оширилишини таъминлаш талаб этилади.

Профилактика инспекторига аноним тарзда келиб тушган мурожаатлар рўйхатга олинмайди ва кўриб чиқилмайди, лекин ички ишлар органи ходимининг ноўрин хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аноним мурожаатлар келиб тушса, у ҳолда бу ҳақда билдирги асосида зудлик билан ИИБ раҳбариятига ахборот беради.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам кўшимча равища ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади. Электрон мурожаатлар тушган қунида, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган электрон мурожаатлар эса навбатдаги иш қунида қоғозга чоп этилиб, рўйхатга олинади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ёки электрон шаклдаги аноним мурожаатлари рўйхатга олинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва электрон мурожаатлари аноним ҳисобланмаслиги учун қуидаги маълумотлар бўлиши шарт:**

- ❖ жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, яшаш манзили, иш жойи, телефон рақами ва шахсий имзоси, санаси;
- ❖ юридик шахсларнинг манзили, поста рақами, номи, раҳбарининг номи, имзоси, мурожаат санаси;
- ❖ жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон шаклдаги мурожаатида электрон почтаси рақами, электрон имзоси, жисмоний шахснинг яшаш манзили, исми ва шарифи, телефон рақами ва санаси;
- ❖ юридик шахснинг электрон шаклдаги мурожаатида орган номи, манзили, почта рақами, электрон манзили ва раҳбарнинг ёки масъул шахснинг имзоси ва санаси.

Профилактика инспектори мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида уларни мазмунан тўлиқ ўрганиши, субъектив ва объектив ҳолатларни ўрганиб таҳлил этиши, тааллуқли маълумотлар, далил ва ашёларни тўплаши, қарор қабул қилиши ва ўз вақтида ҳал этиш лозим.

**Ўз.Р МЖтКнинг 52-моддаси 2-қисмига асосан ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан маъмурий тартибда хужжатларни тўплаш ва суд идораларига юбориш тартибига оид ҳужжатлар тўплами.**

**НАМУНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ  
ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ**

**Шайхонтоҳур тумани, Чарх-ноза кўчаси 66-йда яшовчи  
1975 йилда туғилган фуқаро Абдиев Анвар Юнусовичга  
нисбатан Ўз.Рес МЖтКнинг 52-моддаси 2-қисмига  
асосан тўпланган маъмурий  
процессуал ҳужжатлар**

**ЙИҒМА ЖИЛДИ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ - 2022 йил**

<b>№</b>	<b>Хүжжатларнинг номи</b>	<b>Бет</b>
<b>1.</b>	Ариза	1
<b>2.</b>	Тушунтириш хати (жабрланувчидан)	2
<b>3.</b>	Тушунтириш хати (хукуқбузардан)	4
<b>4.</b>	Тушунтириш хати (гувоҳлардан)	5
<b>5.</b>	СТЭ қарори, хulosаси	6
<b>6.</b>	Талабнома (маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлиги)	7
<b>7.</b>	Тавсифнома	9
<b>8.</b>	Маъмурий баённома	11
<b>9.</b>	Хукуқбузарни шахсини тасдиқловчи хүжжат нусхаси	13
<b>10.</b>	Билдирги	14
<b>11.</b>	Судга кузатув хати	15
<b>12.</b>	Жиноят иши қўзгатишдан рад этиш тўғрисидаги қарор	16

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ҲТМ профилактика катта инспектори  
майор

Х.К.Қадамбоев

2022 йил «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_

**Шайхонтохур туман ИИО ФМБ  
ФМБ 1-сонли ИИБ бошлиғи  
подполковник  
А.Х.Бозоровга**

Шайхонтохур тумани, Чарх-ноза қўчаси  
66-йда яшовчи, 1987 йилда туғилган  
фуқаро Ҳамдамова Лобар Каюмовна  
томонидан

### **А Р И З А**

Ушбу орқали Сиздан, 2021 йил 25 август куни соат тахминан 21:00 ларда турмуш ўртоғим уйга маст ҳолатда келиб, ишдан чарчаганлигини рўкач қилиб, ўзбошимчалик билан жанжал чиқариб, баланд овозда мени ва болаларимни ҳақоратлаб, уйдан чиқармоқчи бўлди. Мен унинг хатти-ҳаракатига қаршилик қилганимда, у менга тан-жароҳати етказди. Шу сабабли, унга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Аризачи  
2021 йил 25 август

(имзо)

Л.К.Ҳамдамова

**Шайхонтохур туман ИИО ФМБ  
1-сонли ИИБ бошлиғи,  
подполковник**

**А.Х.Бозорвга**

Шайхонтохур тумани, Чарх-ноза күчаси 66-йида  
яшовчи, 1987 йилда туғилған фуқаро Ҳамдамова  
Лобар Каюмовна томонидан

### **ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Мен юкорида күрсатылған манзилда оила-аъзоларим билан яшайман. Оиласыман. З нафар фарзандим бор, вактингча ишсизман.

Мен, Л.К. Ҳамдамова Үз.Рес МЖтКнинг 295-моддаси билан танишдим. (имзо) \_\_\_\_\_.

Тұрмуш ўртоғим Абдиев Анвар Юнусовичға 2000 йилда тұрмушға чиққанман. Тұрмуш ўртоғим кейинги вактларда күп иصادиган бўлиб, арзимаган сабаблар билан уйда жанжал қўтариб, мени ва болаларимни ҳақоратлайдиган одат чиқарип қолди.

2021 йил 25 август куни соат таҳминан 21:30 ларда тұрмуш ўртоғим уйга ишдан маст ҳолатда келиб, “кечки овқат тайёрлаганмисан” деб, мендан сўради. Мен унга: “хозир тайёр бўлади” деб жавоб берсан, у нега: “тайёр эмас” деб жанжал қилиб, жанжал қўтариб, баланд овозда мени ва болаларимни ҳақоратлаб, болаларни уйдан ҳайдаб чиқарип, менинг юз ва бошимга бир неча бор кўли билан уриб, менга тан-жароҳати етказди. Мен унинг кўлидан қочиб чиқаётганимда қўшниларимиз Махфират опа билан Адҳам акалар эшишиб, бизнинг ҳовлимизга келаётган экан. Улар эримни тинчлантиришга харакат қилишди. Ўша кече соглигим ёмонлашиб, оғриқ кучайгани учун мен туман шифохонасига мурожаат этдим ва мен ўша ерда биринчи тиббий ёрдам олиб, шу куни уйга келдим. Уйга келганимдан сўнг тұрмуш ўртоғи мен билан гаплашмади ва қайта жанжал қилмади.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим, қўшимчаси йўқ.

Фуқаро

(имзо)

\_\_\_\_\_Л.К.Ҳамдамова

2021 йил 26 август

#### **Тушунтириш хатини олдим:**

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ҲТМ профилактика катта инспектори  
майор

(имзо)

\_\_\_\_\_Х.К.Қадамбоев

Шайхонтохур туман ИИО ФМБ  
1-сонли ИИБ бошлиги,  
подполковник

А.Х.Бозорвга

Шайхонтохур тумани, Чарх-ноза кўчаси  
68-уйда яшовчи, 1981 йилда туғилган  
фуқаро Саматова Махфират Алиевадан

### ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен юқорида кўрсатилган манзилда яшайман. 4 нафар фарзандим бор, ҳозирги кунда нафақадаман.  
Ўз.Рес МЖтКнинг 298-моддаси билан танишдим. . (имзо)

Менга берилган саволларга қўйидагича жавоб бераман: Мен М.А.Саматова фуқаро Абдиев Анварнинг оиласи билан 12 йилдан бўён якин қўшни бўлиб яшаймиз, у билан қўшничилик муносабатларимиз яхши, уларнинг оиласида шу давр мобойнида жанжал бўлганлигини билмайман. 2021 йил 25 август куни соат 21:30 ларда уларнинг хонадонида бақир-чакир бўлганлиги сабабли чиқдим.

Борсам, турмуш ўртоғи билан ўзаро келишмовчиликлар бўлганлиги сабабли ораларида зиддиятлар келиб чиққанлигини қўшним Ҳамдамова Лобар менга маълум килди, шундан сўнг унга ва унинг турмуш ўртоғига қўшнилар билан биргаликда тушунтириб, Лобарни болалари билан ҳовлисидан уйига киритиб қўйдик ҳамда уларни тинчлантиридик.

Кўшним Лобарни эри урганлигини кўрганим йўқ, мени билганларим шулардан иборат, кейинчалик эшитишимча, у биздан сўнг шифохонага бориб, биринчи тиббий ёрдам олиб келган экан.

Тушунтириш хатини менинг сўзларимдан компьютерда тўғри ёзиб олинди. Қўшимча ва эътиrozларим йўқ.

2021 йил 26 август

(имзо)

М.А.Саматова

#### Тушунтириш хатини олдим:

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ҲТМ профилактика катта инспектори  
майор

(имзо)

Х.К.Қадамбоев

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси бўлинмалари фаолиятини  
ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
**НАМУНА ИЛОВА**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида

**БАЁННОМА**

\_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ шахри

**Мен,** \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ИИБ, \_\_\_\_\_

туман (шаҳар) номи      керагини тагига чизилсин      лавозими, унвони, Ф.И.О (тўлиқ ёзилсин)

---

---

**Фуқаро**

Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ёки вилоят номи,      республикаси, шаҳри, вилояти

да

доимий рўйхатда турган (прописка) жойи

Ф.И.Ш

Паспорт рақами \_\_\_\_\_, берилган сана \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. АА 00000000 шаклда  
ёзилсин, томонидан берилган

ИИБ

Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри, вилоят, туман (шаҳар) номи

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. куни соат \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_. да фуқаро

---

Ушлаб турилган шахснинг Ф.И.О, ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади

Баённома тузган Ички  
ишлар органи ходими

имзо

Ф.И.О

Маъмурий йўл билан  
ушлаб турилаётган шахс

имзо

Ф.И.О

изоҳда кўрсатилган жиҳатлар ёзилсин

**Изоҳ:** Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган такдирда, баённомага шу ҳақда ёзib кўйилади. Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруглари, адвокат, иш ёки ўқиши жойидаги маъмурият хабардор қилиб кўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

Шайхонтохур туман ИИОФМБ  
1-сонли ИИБ бошлиғи  
подполковник

А.Х.Бозорвага

Шайхонтохур тумани Чарх-ноза күчаси,  
66-йда яшовчи, 1983 йилда туғилған  
фуқаро Абдиев Анвар Юсуповичдан

### ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен юқорида күрсатылған манзилда яшайман, 3 нафар фарзандым бор, ҳозирги кунда нафақадаман.  
Үз.Р МЖтКнинг 298-моддаси билан танишдим. (имзо)

Мен, А.Ю.Абдиев Үз.Р МЖтКнинг 295-моддаси билан танишдим. (имзо)

Турмуш ўртоғим Л.К. Ҳамдамовага 2000 йилда уйланғанман. Турмуш ўртоғим кейинги вақтларда менга эътибор бермайдын бўлиб қолди, у ишдан келганимда овқат тайёр эмаслигини унга айтганимда, шундан сўнг у менга ҳозир тайёр бўлади, деб овқатни энди бошлади, унга эртароқ тайёр қиласанг ўласанми деганимда у бакирма деди, шундан сўнг мени жаҳлим чиқиб, у ва болаларимни уйдан кетинглар деб бақирдим ва хотинимни бир шаполоқ урдим ва ҳозирда айбимга икорман, чин кўнгилдан пушаймонман бу ҳолат қайтарилемайди, кўшниларим Махфират опа билан Адҳам акалар олдида ҳам уятли бўлдим, улар ҳам менга насиҳат бериши.

Шу куни жаҳл устида уйга кириб ётдим, овқат емадим, эрталаб турсам турмуш ўртоғим касалхонага кеча бориб келганлигини билдим ва мен ишга кетдим, уни бошқа урмадим.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим, қўшимчаси йўқ.

Аризачи

(имзо) Л.К.Ҳамдамова

2021 йил 26 август

#### Тушунтириш хатини олдим:

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ҲТМ профилактика катта инспектори  
майор

(имзо) Х.К.Қадамбоев

**Шайхонтохур туман ИИО ФМБ**

**1-сонли ИИБ бошлиги**

**подполковник**

**А.Х.Бозоровга**

**Шайхонтохур тумани Чарх-ноза кўчаси,  
65-уйда яшовчи, 1965 йилда туғилган,  
фукаро Шарипов Адҳам Низомовичдан**

### **ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Менга берилган саволларга қўйидагича жавоб бераман: юқорида кўрсатилган манзилда бир неча йиллардан бўён яшаб келмоқдаман. Абдиевлар билан қўшничилик муносабатларимиз яхши. Улар шу бугунги кунга қадар иноқ яшаб келган, лекин кейинги вақтларда эр-хотин ўртасида тез-тез жанжал қўтариладиган бўлиб қолди. Билишимча, қўшним Анвар кўп ичадиган одат чиқарибди, деб эшитганман, аммо уни ичганини кўрмаганман. 2021 йил 25 март куни соат тахминан 21.30 ларда ҳовлида иш қилаётган эдим, уларнинг ҳовлисида жанжал бўлаётганлигини эшитдим ва жанжалга барҳам бериш учун уларнинг ҳовлисига кирдим. У ерда қўшнимиз Фарида опа уларга насиҳат бериб, тинчлантираётган экан, Лобарнинг юзлари қон, болалари эса «дадам ойимни урайпти»- деб йиглаб ўтиришган экан. Фарида опа уларни анча тинчлантириб қўйгач, мен ҳам уларга насиҳат бериб биргаликда ҳовлисидан уйига киритиб қўйдик ва уйимизга кетдик. Шундан сўнг, уларни уруш жанжалларини кўрганим йўқ. Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим, кўрган билгандарим шулардан иборат.

2021 йил 25 август

(имзо) А.Н. Шарипов

#### **Тушунтириш хатини олдим:**

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ХТМ профилактика катта инспектори  
майор

(имзо) Х.К.Қадамбоев

2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Шайхонтохур туман ИИО ФМБ  
1-сонли ИИБ бошлиғи  
подполковник

А.Х.Бозоров  
2021 йил«\_\_\_\_ »август

**Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш түғрисида**

**Қ А Р О Р**

28 август 2021 йил

Тошкент шаҳри

Шайхонтохур туман ИИО ФМБ 1-сон ИИБ ҲПБ ТП профилактика инспектори лейтенант Х.К.Қадамбоев, Шайхонтохур туман ИИО ФМБ НҚ Ф-2 журналидан 25.09.2021 йилда № 122-рақами билан рўйхатдан ўтган хужжатлар билан танишиб чиқиб, қуидагиларни,-

**А Н И Қ Л А Д И М :**

2021 йил 25 август куни соат 21.30 ларда тугилган Чарх-ноза кўчаси, 65-йуда яшовчи фуқаро Лобар Ҳамдамова турмуш ўртоги Абдиев Анвар билан ўзаро келишмовчиликлар натижасида жанжаллашиб қолиши оқибатида, тан-жароҳати олган. Ушбу тан-жароҳатларининг механизмини, оғирлик даражасини ва содир этилган кунига тўғри келишлигини аниқлаш мақсадида **суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш лозим бўлади, юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 172, 173, 174 ва 180--моддаларини кўллаб,**

**Қ А Р О Р ҚИЛДИМ:**

1. Фуқаро Л.Ҳамдамовага нисбатан етказилган тан-жароҳатининг оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида суд-тиббий экспертизаси тайинлансин ва уни ўтказиш Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертизасига топширилсин.

2. Суд-тиббий экспертиза олдига қуидаги саволлар кўйилсин:

- а) Фуқаро Л.Ҳамдамованинг баданида тан-жароҳати борми?
  - в) Фуқаро Л.Ҳамдамованинг баданида тан-жароҳати бор бўлса, олинган тан-жароҳатининг вақти, куни, соати, етказилган механизми ва оғирлик даражаси аниқлансан?
  - г). Фуқаро Л.Ҳамдамованинг олган тан-жароҳатини ўзи йиқилиши натижасида етказилганми?
3. Экспертиза ихтиёрига ушбу қарор нусхаси ва фуқаро Л.Ҳамдамованинг ўзи юборилсин.  
(Изоҳ): бошқа ҳолатлар ҳам келтириши мумкин.

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ҲТМ профилактика катта инспектори  
майор  
2021 йил «\_\_\_\_ »\_\_\_\_\_

(имзо) \_\_\_\_\_ X.К.Қадамбоев

Суд-тиббий экспертизасининг

Х У Л О С А С И № 34

Фуқаро Ҳамдамова Лобарнинг олган тан-жароҳати: Уни соғлигини қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган “ЕНГИЛ ТАН-ЖАРОҲАТИ” деб топилди.

- а) Тан-жароҳати маълумотда кўрсатилган кунга тўгри келади.
- б) Тан-жароҳати тўмтоқ жисм билан етказилган Соғлигини қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган “ЕНГИЛ ТАН-ЖАРОҲАТИ” деб топилди.

Эксперт

(имзо) \_\_\_\_\_ М.С.Рахматуллаев

Мухр

29.09.2021 йил

Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

(тақдимнома киритилаётган корхона, ташкилот, муассаса номи)

### ТАҚДИМНОМА

Маъмурий хукуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш хақида

томонидан

(Ички ишлар органи номи, хукуқбузарликни кўриб чиқкан мансабдор шахс Ф.И.О)

20 \_\_\_\_ йилнинг «\_\_\_\_» куни \_\_\_\_\_  
(хукуқбузарлик содир этилган жой)

юзасидан

Хукуқбузарлик содир этган \_\_\_\_\_ га нисбатан  
(Ф.И.О)

расмийлаштирилган маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чикилди.

Аникланишича,

(хукуқбузарликнинг келиб чикиш сабаби шарт-шароити баён этилади)

Қайд этилганларга кўра, фуқаро \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг \_\_\_\_ -моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди.

Юкоридагилардан келиб чикиб, Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 313-моддасига асосланиб,

### С Ў Р А Й М А Н:

1. Мазкур тақдимномани кўриб чикиб, маъмурий хукуқбузарликни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилашингизни.
2. Ушбу тақдимнома бўйича кўрилган чоралар юзасидан бир ой муддат ичida ёзма маълумот тақдим қилишингизни.

Шахсларни маъмурий жавобгарликка тортлишини тешириш тўғрисидаги талабнома бланкасини намунаси.

## Шахсларни маъмурий жавобгарликка тортлишини текшириш тўғрисида

### ТАЛАБНОМА

№\_\_\_\_\_-сонли

20 \_\_\_\_ йилнинг «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

1. Фамилияси \_\_\_\_\_
2. Исми \_\_\_\_\_
3. отасининг исми \_\_\_\_\_
4. Туғилган санаси «\_\_» \_\_\_\_\_. \_\_\_\_\_
5. Туғилган жойи \_\_\_\_\_
6. Манзили \_\_\_\_\_
7. Текширув мақсади ва асоси хуқуқбузарлик содир этганлиги учун  
(жинси, жавобгар, тортлиш: ариза (нима ҳақда);
8. Қандай ахборот зарур \_\_\_\_\_  
(маъмурий жавобгарликка тортилганилиги тўғрисида)
9. Бошлиқ \_\_\_\_\_  
(идоранинг номи)

---

10. Жўнатувчининг манзили \_\_\_\_\_

(почта индекси)

Аҳоли пункти \_\_\_\_\_

Туман \_\_\_\_\_

Вилоят (республика, ўлка) \_\_\_\_\_

Давлат органининг номи \_\_\_\_\_

“M.Y.”

(талабнома жўнатган орган муҳрининг ўрни)

**Сүралайтган ахборотдан ноконуний  
фойдаланганлиги учун амалдаги  
конунларга мувофиқ сўров ташаббускори  
жавобгар бўлади.**

ЎзР ИИВнинг 2007 йил «12» марта  
53-сонли бўйргуи билан тасдиқланган  
Йўриқномага 8- илова

№ \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» 2021 й.

## **ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

Судланганлиги ҳақида маълумот йўқ

(Штамп)

(Имзо)

Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази

Шайхонтоҳур тумани ИИОФМБ

2021 йил 27 август

Тошкент шаҳар

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Чархноза кўчаси, 65-йда яшовчи, 1983 йилда туғилган, фуқаро Абдиев Анвар Юнусовичга

### **Ф И К Р Н О М А**

Фуқаро Абдиев Анвар Юнусович, юқорида кўрсатилган манзилда оиласи билан истиқомат қилади. Тошкент трактор заводида оддий ишчи бўлиб ишлайди. У 1996 йил Ҳамдамова Лобар билан турмуш қуриб, юқоридаги манзилда яшаб келмоқда, уларнинг ораларида З нафар фарзандлари бор, маҳалладаги тадбирларда иштирок этади. Уларга нисбатан фуқаролар томонидан эътиroz ва шикоятлар тушмаган. Кўникушнилари билан муомуласи яхши.

### **САЛБИЙ ФИКР БЎЛСА? Қуйидагича ёзиш мумкин.**

Фуқаро Абдиев Анвар Юсупович 1983 йилда туғилган оиласи, 1996 йил Ҳамдамова Лобар билан турмуш қурган, ораларида З нафар фарзандлари бор, спиртли ичимликка ружу қўйган, уни маҳаллада бўлиб ўтадиган йигилишларда муҳокама қилинган, мураббий (Ю.Б.Тошматов) бириктирилган. У жамоат ишлари, тўй-маракаларда қатнашмайди. Шу сабабли, маҳаллада ҳеч қандай обрўга ҳам эга эмас. Унинг турмуш ўртоғи томонидан оғзаки равишда бир қанча шикоятлар тушиб, маҳалла фуқаролар йигини ўтказилган йигилишда муҳокама қилинган. Аммо, у ўзига тўғри хулоса чиқармади. Соғликни саклаш муассасаси ҳамкорлигига уни даволаш муассасига ётқазилган.

«Чарх-новза» маҳалласи  
фуқаролар йигини раиси \_\_\_\_\_  
(имзо)

**Н. Холматов**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Шайхонтохур туман ИИО  
ФМБ 1-сонли ИИБ бошлиги  
подполковник  
А.Х.Базаров  
2021 йил «\_\_\_\_\_»

**Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида**

**Қ А Р О Р**

2021 йил «\_\_\_\_\_»

Тошкент шаҳар.

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-ИИБ ҲПБ ИИО ТП профилактика инспектори лейтенант Ф.А.Самандаров, иш юритувимдаги туман ИИО ФМБ навбатчилик кисми Шакл-2 журналидан 2020 йил 28 август куни №-774 рақами билан рўйхатдан ўтган ишчи ҳужжати билан танишиб чиқиб қуидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И М:**

2021 йил 25 август куни Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 4-сонли ИИБ НҚдан «102» рақами орқали тушган ҳабарга кўра, шу куни соат тахминан 21:30 ларда Шайхонтохур тумани Чарх-ноза кўчаси, 66-йда яшовчи, 1987 йилда туғилган, фуқаро Ҳамдамова Лобар Каюмоннани, турмуш ўртоғи Шайхонтохур тумани Чарх-ноза кўчаси, 66-йда яшовчи, 1975 йилда туғилган, фуқаро Абдиев Анвар Юнусович уйга ишдан маст ҳолатда келиб жанжал чиқариб, уни уриб тан-жароҳати етказганлиги ҳолати юзасидан чора қўрилишини сўраган.

Олиб борилган терговга қадар текширув натижасида, фуқаро Ҳамдамова Лобар Каюомовна ўзининг тушунтириш хатида, турмуш ўртоғи Абдиев Анвар Юнусовичга 2000 йилда турмушга чиқканлигини, турмуш ўртоғи кейинги вақтларда спиртли ичкиликка ружу қўйганлигини, арзимаган сабаблар билан уйда жанжал қўтариб, уни ва болаларини ҳақоратлайдиган одат чиқарганлигини, қўни-қўшни ва қариндошларидан уялиб, уйда бўлган жанжаллар тўғрисида тегишли органларга мурожаат қилмаганлигини, фақатгина маҳалла оқсоқолига оғзаки айтиб, уни тартибга чақиришини сўраганлигини, 2021 йил 25 август куни соат тахминан 21.30 ларда турмуш ўртоғи уйига ишдан маст ҳолатда келиб, ундан кечки овқат тайёрлаганлигини сўраганида “ҳозир тайёр бўлади” - деб жавоб берганида, ҳеч бир сабабсиз, баланд овозда уни ва болаларини ҳақоратлаб, болаларни уйдан ҳайдаб чиқарганлигини, унинг юз ва бош қисмiga бир неча бор қўли билан уриб тан-жароҳати етказганлиги сабабли ундан қўрқиб уйдан қочиб ҳовлига чиққанлигини, жанжални эшитган қўшнилари Шарипов Адҳам Низомович ва Саматова Махфират Алиевналар келиб эрини тинчлантириб уйига киритганлигини ва соглиги ёмонлашиб, Шайхонтохур тумани шифохонасига мурожаат қилганлигини баён қилган.

Ҳолат юзасидан суриштирилганда Шайхонтохур тумани Чарх-ноза кўчаси, 66-йда яшовчи, 1975 йилда туғилган, фуқаро Абдиев Анвар Юнусович ўзининг тушунтириш хатида, 2021 йилнинг 25 август куни ишдан тахминан соат 21.30 ларда уйига келиб, турмуш ўртоғи Лобар Ҳамдамовадан “Кечки овқат тайёрми?”, -деб сўраганида у “ичмасдан келсангиз бўлмайдими?” -деб қаттиқ оҳангда гапирганидан жаҳли чиқиб, фарзандлари олдида ўзини тута олмасдан, турмуш ўртоғини ҳақорат қилганлигини ва гап қайтарганлиги учун урганлигини, бу ҳолдан хабар топган қўшнилар келиб, тинчлантирганликларини, қўшниларнинг берган маслаҳатларидан хулоса қилиб, уйига кириб ётганлигини, қилган ишидан ҳозирда пушаймон эканлигини баён қилган.

Ҳолат юзасидан фуқаро Л.Ҳамдамованинг қўшнилари Шарипов Адҳам Низомович ва Саматова Махфират Алиевналар ҳам ўзларининг тушунтириш хатларида юқоридаги кўрсатмаларни тасдиқлашганлар.

29.08.2021 й. кунидаги Суд тиббий экспертизасининг № 34-сонли хulosасига биноан, Л.Хамдамова олган тан-жароҳати “Софликни қиска муддатга бузилишга олиб келмаган “ЕНГИЛ” тан-жароҳатлари тоифасига кириши ҳақида хulosса берилган.

Фуқаро А.Ю. Абдиевнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги, аммо унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарлик аломатлари борлиги аниқланди.

Шунга кўра, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзгатишни рад этиш ҳамда фуқаро А.Ю. Абдиевнинг хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий хукуқбузарлик аломатлари борлиги сабабли, унга нисбатан тўпланган хужжатлар Жиноят ишлари бўйича судларга юборилсин.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39<sup>1</sup>. 83-модда 2-банди ва 333-моддаларига асосланган ҳолда

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :**

**1.** Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзгатиш рад этилсин.

**2.** Фуқаро Абдиев Анвар Юнусовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 52-моддаси 2-қисмига асосан маъмурий баённома тузилиб, иш қўриб чиқилиши учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилсин.

**3.** Ушбу карорнинг бир нусхаси туман прокурорига юборилсин.

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБХПБ ИИО ТП профилактика  
Инспектори лейтенант

Х.К.Қадамбоев

**«Р О З И М А Н »**

Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ 1-сонли  
ИИБ ТБ терговчиси майор  
20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

А.Бўрибеков

# Электрон шаклда бўлади маъмурий баённома

**TN № 0000000 sonli**

## MAMURIY BAYONNOMA

Ma'muriy bayonnomasi — (buqabuzarilish tafsiri)

Fuqaro — (buqabuzarilish F.I.Shi)  
ga nisbatan \_\_\_\_\_. 20 yil  
O'Z.R. MJKning — — moddasi — — qismiga  
asosan — — shahar, tuman - IIB  
(shahar - tuman sonini)

ma'muriy bayonnomasi — (hujjat, qayd, mezonin bilan)  
tomonidan tuzilgan \_\_\_\_\_. 20 yil  
qa topshirildi (yuborildi).  
(qayd qilgan ro'zining F.I.Shi) — — 20 yil  
(kuni oy yil)

### Ma'muriy huqqabuzarlik bo'yicha chiqqanigan

**Q A R O R**

Fuqaro — (buqabuzarilish F.I.Shi)  
— moddasi — — qismida ko'tsatilgan  
huqqabuzarlikni sodir etganligi uchun  
(qayd qilgan qurʼoming sonini)

qaror qabul qilindi.  
(qayd qilgan sonini)

20 yil  
(qayd qilgan soni)  
20 yil  
(qayd qilgan soni)

“O'zbekiston” 2020 yil 20 dekabr

**TN № 0000000 sonli**

## sonli ma'muriy bayonnomasi

Men, — — — — — shahar, tuman IIB  
(shahar, tuman sonini) (o'sha chuning)

bayonnomani \_\_\_\_\_. 20 yil kuni soat  
(kuni oy yil) (fikr, im sharo') da fuqaro  
(soat, doqquz) (qayd qilgan soni)

Ma'muriy huqqabuzarlik sodir etgan shaxs haqidagi malumot  
1. \_\_\_\_\_ 2. \_\_\_\_\_ 3. \_\_\_\_\_ 4. \_\_\_\_\_  
(familiya) (ism) (sharif) (tagiyan soni)  
5. \_\_\_\_\_ 6. \_\_\_\_\_ 7. \_\_\_\_\_ 8. \_\_\_\_\_ 9. \_\_\_\_\_  
(tagiyan soni) (shaxs) (tagiyan soni) (tagiyan soni)  
10. \_\_\_\_\_ (kuni oy yil) (fikr, im sharo') (tagiyan soni) (tagiyan soni)

Huqqabuzarlik sodir etgan shaxs o'z huquqlari bilan tanishitildi (O'Z.R. MJKning  
— — — — — moddasi).

Ma'muriy huqqabuzarlik sodir etgan shaxsning qisqacha tushuntirish xati

Men \_\_\_\_\_  
Sodir etilgan ma'muriy huqqabuzarlikni lasdi/qolochi guyohlar (bo'lsat), xolsilar:  
1. \_\_\_\_\_ da yashovich  
2. \_\_\_\_\_ da yashovich  
(fikr, im sharo')

20 yil  
(qayd qilgan soni) 20 yil  
(qayd qilgan soni) 20 yil  
(qayd qilgan soni)

“O'zbekiston” 2020 yil 20 dekabr

**TN № 0000000 sonli**

## ma'muriy bayonnomasi

Men, — — — — — profilaktika (katta) inspektor  
(familiya) (ism) (sharif) (tagiyan soni)  
bayonnomani \_\_\_\_\_. 20 yil kuni soat  
(kuni oy yil) (fikr, im sharo') da fuqaro  
(soat, doqquz) (qayd qilgan soni)

O'Z.R. MJKning — — moddasi — — — — — qismida ko'tsatilgan:  
— — — — — qismida ko'tsatilgan huqqabuzarliklarni sodir etganligini aniqladim.  
O'Z.R. MJKning — — moddasi — — — — — qismida ko'tsatilgan:

Men \_\_\_\_\_  
20 yil  
(qayd qilgan soni) 20 yil  
(qayd qilgan soni) 20 yil  
(qayd qilgan soni)  
Ma'muriy huqqabuzarlik ishl bo'yicha chiqqaligan qaror  
Fuqaro — — — — — (tagiyan soni)

“O'zbekiston” 2020 yil 20 dekabr

Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга

**Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш  
БАЁННОМАСИ**

Мен \_\_\_\_\_

баённома тузатган ИИО ходимининг унвони ва Ф.И.О.

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ да \_\_\_\_  
(баённома тузилган манзил)

да холислар:

1. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. яшаш манзили (холис кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинса бўлиши шарт ва маълумотлар тўлиқ ёзилсин))

2. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. яшаш манзили (холис кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинса бўлиши шарт ва маълумотлар тўлиқ ёзилсин))  
олиб келинган фуқаро \_\_\_\_\_  
(келтирилган шахснинг Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 289-моддаси асосида шахсий кўриқдан ўтказилди ва ашёларини кўздан кечирилди.

Кўздан кечирилаётган шахс \_\_\_\_\_  
(кийими ва оёқ кийим кўрсатиб ўтилади)

кийинган.

Кўздан кечириш вақтида қуидагилар аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 290-моддаси асосида сақлаб туриш учун олинди: \_\_\_\_\_

нарса ва ҳужжат, қимматбаҳо нарсаларнинг белгилари, турлари, номлари айнан қаерда, қандай шароитда топилганлиги,  
пуллар бўлса сони, қандай купорада эканлиги, ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим

Баённома баланд овозда ўқиб эшилтирилди, тўғри тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Холислар: 1. \_\_\_\_\_  
(холиснинг Ф.И.О.)  
2. \_\_\_\_\_  
(холиснинг Ф.И.О.)  
(холиснинг имзоси)  
(холиснинг имзоси)

Кўриқ ўтказилган шахс: \_\_\_\_\_  
(хукуқбузарнинг Ф.И.О.)  
(хукуқбузарнинг имзоси)

Кўздан кечириш вақтида олинган буюмларни сақлаб туриш учун ҳақида



ТИЛХАТ

Фуқаро \_\_\_\_\_ нинг  
(келтирилган шахснинг Ф.И.О.)

кўздан кечириш вақтида олинган пул ва қимматбаҳо буюмлар сақлаб туриш учун олиб қўйилди.

(баённома тузган ИИО ходимининг Ф.И.О. имзоси)

**Баённоманинг орқа томони**

Кўздан кечириш даврида олиб қўйилган буюмлар вақтинчалик сақлаб туриш учун ушбу баённоманинг иккинчи нусхаси билан биргаликда \_\_\_\_\_  
га топширилди.

(баённома тузган ИИО ходимининг Ф.И.О. имзоси)

кўздан кечириш вақтида олинган буюмларни сақлаб туриш учун олинганлиги тўғрисидаги тилхатни олдим  
(кўздан кечирилган шахснинг Ф.И.О имзоси)  
Кўздан кечириш даврида олиб қўйилган \_\_\_\_\_  
(номлари кўрсатиб ўтилади)  
буюмларни қабул қилдим, эътиrozим \_\_\_\_\_.  
(бор ёки йўқ)

#### **4.3. Майший турмуш соҳасида хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган тазийқ ва зўравонликнинг турлари, шакллари ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордерини бериш фаолияти**

Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида 2019 йил 2 сентябрь куни ЎРҚ-561-сон қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонунга мувофиқ, хотин-қизларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазийқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон қарори қабул қилинган ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 3 февралдаги «Ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордерларини қайд этиш ҳамда ахборот алмашиш борасида иш юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 51-сонли буйруғи ишлаб чиқилган.

Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг **мақсади** хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгилаб берилди. Айнан, майший турмуш шароитида хотин-қизларга нисбатдан содир этилаётган турли тазийқ ва зўравонликнинг турлари, шакллари ҳақидаги тушунчага эга бўлишимиз керак.

<sup>1</sup>Жумладан:

**зўравонлик** – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳукуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиласидаги ғайриҳукуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**тазийқ** - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

**тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи** – ўзига нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазийқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сонли Қонуни

**жисмоний зўравонлик** – хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан-жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

**жинсий зўравонлик** – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

**иқтисодий зўравонлик** – хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яشاши ва камол топиши учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**руҳий зўравонлик** – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчига ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

**тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** – хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётиний вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечикириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

**тазиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** – хотин-қизларга нисбатан тазиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан ҳоли бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга

қаратилган иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**химоя ордери** – тазийк ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазийк ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гурӯҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган хужжат ҳисобланади.



### **Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.**

Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазийк ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг хуқуклари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

хотин-қизларга нисбатан тазийк ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-хуқуқий механизmlарни яратиш.

### **Маиший тўрмуш шароитида тазийк ва зўравонликдан жабрланувчи шахслар қўйидаги хуқуқларга эга:**

1) ўзига нисбатан тазийк ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳди迪 тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

2) маҳсус марказларда, шунингдек, бепул телефон линияси орқали текин хуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

3) ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

4) содир этилган тазийк ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазийк ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Ушбу қарор асосида “Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида Низом” қабул қилинди.

Ушбу Низом ички ишлар органлари томонидан тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини, шунингдек, тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга ҳимоя ордерининг нусхасини бериш тартибини белгилайди.

#### **Қўйидагилар ҳимоя ордерини бериш учун асос хисобланади:**

а) тазийқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;

б) жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;

в) тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниqlаниши;

г) давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар.

#### **Ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

-хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларни ҳамда қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

-тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниqlаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазийқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

#### **Ваколатли органлар ва ташкилотлар хотин-қизларни турли тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ профилактик тадбирларни амалга оширишда қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиласи:**

➤ аниqlangan тазийқ ва зўравонлик факлари тўғрисида ўзаро бир-бирини хабардор қилиш;

➤ тазийқ ва зўравонлик ҳолатларига муносабат билдириш чораларини келишиш ҳамда тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

➤ тазийқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш ва тажриба алмасиши соҳасидаги чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;

➤ тазийқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

➤ хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш,

қонун ҳужжатларини ва уларнинг қўлланилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

**Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича қуидагиларни амалга оширади:**

1) тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳимоя ордерини расмийлаштиради;

2) зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қиласади;

**Ҳимоя ордерини бериш муддати:**

1) Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилар эди, бугунги кунда ушбу бир йилга расмийлаштириш тартиби кучга киради.

2) Профилактика инспектори ҳимоя ордерини берганидан сўнг, уч кун муддатда бу ҳақда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гурухи) бошлигини хабардор қиласади.

**Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларга ҳимоя ордерини бериш ва кўриб чиқиши тартиби қуидагиларда намоён бўлади.**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқиласади.

Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этган тақдирда, профилактика инспектори холислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда ҳуқуқбузарни ушбу хатти-ҳаракатини назорат қилиб боради ва ҳуқуқбузар томонидан келгусида тақорорий равишда ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қиласади.

**Ҳимоя ордери уч қисмдан иборат бўлиб:**

А) биринчи қисми (асли) тўлдирилгандан сўнг, жабрланувчиларга берилади;

Б) иккинчи қисми (нусхаси) зўравонлик содир этган шахсларга берилади;

В) учинчи қисми профилактика инспекторида қолади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшигтан ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

Тазийқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлиши тақиқланади.

**Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби:**

Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига асосан узайтирилиши мумкин.

**Профилактика инспектори беш иш куни мобайнида:**

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида жабрланувчининг аризасини, шу жумладан, хавф бартараф этилган ёки этилмаганлигини ўрганади;

ушбу масала юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг фикри (хулосаси)ни олади;

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан тўпланган маълумотларни хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғига киритади.

**Ҳимоя ордерининг амал қилиши қўйидаги ҳолатларда тугатилади:**

жабрланувчи ҳимоя ордерини тугатишни сўраб мурожаат қилганда;

ҳимоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;

жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

содир этган жинояти учун жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бирита нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;

жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;

жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири мажбурий даволанишга юборилганда;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойидан узоқ муддатга бошқа мамлакатга чиқиб кетганда;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслардан бири вафот этганда.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар хабардор қилинади.

Профилактика инспекторлари томонидан тақдим этилган жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар туман хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари томонидан умумлаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ жамоат хавфсизлигини таъминлаш департаменти ва унинг қуий хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимларига кейинги ойнинг 2-кунига қадар тақдим этилади.

**Тазийк ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар учун химоя ордери**  
**Серия TSH № 0092134**

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (берилган сана)

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд содир этишга мойил бўлган шахслар хақида маълумотлар:**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўчиш, иш ва яшаш жойи)

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд содир этишга мойил бўлган шахса  
белгиланган чекловлар:**

тазийк ўтказишни ва зўравонлик содир этишини такиқлаш (1) , тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликтан жабрланганлар билан алокасини такиқлаш (2) , тазийк ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийк ва зўравонликтан жабрланганнинг камда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини такиқлаш (3) , тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликтан жабрланганнинг даволаш, унга маслаҳат берни, уни тазийк ва зўравонликтан жабрланганларга ёрдам кўрсатувиҳи маҳсус марказга жойлаштириш учун ҳаражатлар ва етказилган моддий зарарни коплаш, шунингдек маънавий зиёни компенсация қилиш мажбуриятини юқлаш (4) , тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг куроли (бундан хизмат куроли мустасно), саълаш ва олиб юриш хукукни химоя ордерининг амал қилиши даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек унинг курол сотиб олиш учун руҳсатнома олишига доир хукукни такиқлаш (5) , зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириши бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6) .

Химоя ордерининг амал қилиш муддати: 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ дан 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ гача.

Химоя ордерининг амал қилиш муддати: 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ дан 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ гача.



**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд содир этишга мойил бўлган шахс  
учун химоя ордери нусхаси**

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (берилган жой)

**Тазийк ўтказилган ёки зўравонликтан жабрланган хотин-қизлар хақидаги  
маълумотлар:**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўчиш, иш ва яшаш жойи)

**Химоя ордерида белгиланган чекловлар ва белгиланган мажбурият:**

тазийк ўтказишни ва зўравонлик содир этишини такиқлаш (1) , тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликтан жабрланганлар билан алокасини такиқлаш (2) , тазийк ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийк ва зўравонликтан жабрланганнинг камда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини такиқлаш (3) , тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликтан жабрланганнинг даволаш, унга маслаҳат берни, уни тазийк ва зўравонликтан жабрланганларга ёрдам кўрсатувиҳи маҳсус марказга жойлаштириш учун ҳаражатлар, етказилган моддий зарарни коплаш, шунингдек маънавий зиёни компенсация қилиш мажбуриятини юқлаш (4) , тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг куроли (бундан хизмат куроли мустасно), саълаш ва олиб юриш хукукни химоя ордерининг амал қилиши даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек унинг курол сотиб олиш учун руҳсатнома олишига доир хукукни такиқлаш (5) , зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириши бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6) .

Химоя ордерининг амал қилиш муддати: 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ дан 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ гача.

Химоя ордерининг амал қилиш муддати: 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ дан 20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ гача.



**Химоя ордери берилётган шахс хақидаги маълумотлар:**

**Серия TSH № 0092134**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўчиш, иш ва яшаш жойи)

Химоя ордерини олдим:

(жабрланувчанин Ф.И.О., имоси химоя ордерини олган йил, ой ва сана)

**Химоя ордери берилган шахса ушибу ордерда белгиланган талабларини тушунтириш:**

Мен \_\_\_\_\_ химоя ордерида кайд этилган чекловлар тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёхуд содир этишга мойил бўлган шахс томонидан бажарилимаган холларда зудлик билан мансабдор шахсни хабардор этиш тартиби билан танишдим.

(жабрланувчанин ишоси)

**Химоя ордери нусхаси берилётган шахс хақидаги маълумотлар:**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўчиш, иш ва яшаш жойи)

Химоя ордерини олдим:

(тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахс бўлган шахсни танишлаганини юзасидан имю, им, сий ва сана)

**Химоя ордери берилган шахса ушибу ордерда белгиланган талабларга рион этмасликнинг  
оқибатларини тушунтириш:**

Мен \_\_\_\_\_ химоя ордеридаги чекловлар ва уни бажармаслик оқибатлари билан танишдим.

(Позитив ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс имоси)

Тазийк ва зўравонликларни жабрланган хотин-қизларга  
химоя ордерини берин, ижросанни таъминланаш ва  
мониторинг олиб берин ўтрасидаги йўрүннингга  
1-ИЛОВА

**ШАКЛ-1**  
**Жабрланган шахснинг конуни  
вакили ёки вакили, хомийлик  
органи вакили**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўчиш, иш ва яшаш жойи)

имоси

- Чекловлар билан танишдим:**
- (1)  имзо
  - (2)  имзо
  - (3)  имзо
  - (4)  имзо
  - (5)  имзо
  - (6)  имзо

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (танишган сана)

имоси

**Жабрланган шахснинг конуни  
вакили ёки вакили, хомийлик  
органи вакили**

(Ф.И.О., тугилган санаси ва жойи, ўчиш, иш ва яшаш жойи)

имоси

- Чекловлар билан танишдим:**
- (1)  имзо
  - (2)  имзо
  - (3)  имзо
  - (4)  имзо
  - (5)  имзо
  - (6)  имзо

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (танишган сана)

имоси

**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  имзо
- (2)  имзо
- (3)  имзо
- (4)  имзо
- (5)  имзо
- (6)  имзо

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (танишган сана)

имоси

**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  имзо
- (2)  имзо
- (3)  имзо
- (4)  имзо
- (5)  имзо
- (6)  имзо

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (танишган сана)

имоси

**Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чоратадбирлари:**



- ✓ хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ✓ тазийқ ва зўравонликнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бўлган омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш;
- ✓ аҳоли ўртасида хуқуқий тарғибот олиб бориш;
- ✓ хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;
- ✓ фуқароларни, айниқса хотин-қизларни ўз хуқуqlари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги, шунингдек, ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;
- ✓ тазийқ ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гурухларга мансуб шахсларга ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш;
- ✓ тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга ва уларни ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш.

**Хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун қўйидагилар асос бўлади:**

- тазийқ ва зўравонлиқдан жабр кўрган шахсни ёки жисмоний-юридик шахсларнинг хабарлари;
- тазийқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
- давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар.
- хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазийқ ва зўравонлик фактлари аниқланган тақдирда тегишли ИИОларига хабар қилиш.

➤ Ички ишлар органлари тазийиқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган якка тартибдаги чора-тадбирлар қўриши шарт.

**Хотин-қизларга нисбатан тазийиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари жумласига қўйидагилар киради:**

- 1) профилактика сухбатини ўтказиши;
- 2) ҳимоя ордерини бериш;

3) тазийиқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш;

4) зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

**Тузатиш дастури** - зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг хотин-қизларга нисбатан зўравонлигини олдини олиш ва уларнинг тажовузкор хулқ-авторини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда унинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларини мустақил назорат қилишга кўмаклашиш орқали хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тақроран содир этилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

**Тузатиш дастурининг вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- ✓ хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий тадбирларни белгилаш;
- ✓ хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этилишига олиб келган ва унга имкон берган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш;
- ✓ яширин (латент) зўравонликни аниқлаш, тоифалаш ва якка тартибда ёки гурӯҳ таркибида тузатиш;
- ✓ зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг бошқа шахсларнинг хуқуқларини камситмаган ва бузмаган ҳолда ўз ҳиссиётларини очиқ намоён этишга, хатти-ҳаракатларини назорат қилишга ўргатиш;
- ✓ шахснинг низоли ҳолатга тушишининг олдини олиш, бошқа шахсларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш;
- ✓ зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг атрофидаги шахслар томонидан унга нисбатан салбий психологик таъсир ўтказилиши оқибатида, учинчи шахсга нисбатан зўравонлик ўтказиши ҳолатига тушмаслик кўникмасини шакллантириш.

Ваколатли орган ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида тузатиш дастури борасидаги тадбирларни бошқа давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан

ҳамкорликда амалга оширади.

Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган ҳамда руҳий ҳолати бузилган шахслар тузатиш дастуридан ўтказилмайди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, мажбурий даволанишга юборилиши мумкин.

Ваколатли орган ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида тузатиш дастури борасидаги тадбирларни бошқа давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган ҳамда руҳий ҳолати бузилган шахслар тузатиш дастуридан ўтказилмайди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий даволанишга юборилиши мумкин.

**Шахс қуидаги ташкилотларда тузатиш дастуридан ўтади:**

- ✓ маҳалла идораларидан;
- ✓ оиласвий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясидан;

**Маиший турмуш доирасидаги низоли вазиятлар юзасидан**

- ✓ таълим муассасасида

**Тузатиш дастуридан ўтиши белгиланган таълим муассасасида таҳсил оловчи, ўқитувчи ёки бошқа ходим билан боғлиқ низолар юзасидан;**

- ✓ соғлиқни сақлаш муассасасида

**Тузатиш дастуридан ўтувчи шахснинг руҳий ҳолати бўйича;**

- ✓ меҳнат органларида

**Тузатиш дастуридан ўтувчи вақтинча ишсиз шахсларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича**

ёшлар ишлари агентлигининг худудий бўлинмаларида;

тузатиш дастуридан ўтувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва ёшлар билан боғлиқ низолар бўйича.

Бунда шахс қайси ташкилот(лар)да тузатиш дастуридан ўтиши лозимлиги профилактика инспектори томонидан профилактика бўлими бошлиғи билан келишган ҳолда белгилаб берилади.

**Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда:**

«Тазиик ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик» деган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 206<sup>1</sup>-модда



киритилиб, тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқца олишга сабаб бўлади».

**Тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахслар тўғрисида зудликда қўйидаги телефонга мурожаат этиш мумкин (берилган барча маълумотлар сир сақланади).**



**Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг тузатиш дастуридан ўтишини қайд этиш**

### **ДАФТАРИДАН намуна**

T/p	Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг Ф.И.О.	Туғилган йили	Яшаш жойи, телефон рақами	Иш жойи	Дастурдан ўтиш санаси	Дастурдан ўтиш натижалари
1	Жўраев Тоштемир Бозорбоеевич	1985йил	Toшкент шаҳар Миробод туман Боз кўчаси 167 уй.3	Устачилик билан шугулланади	15.10.2021	ижсобий
2						
3						

**Маиший турмуш шароитида содир этиладиган зўравонлик ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг бундай салбий қилмишларига чек қўйиш ҳамда ҳимоя ордерини бериш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия этаман:**

1. Ҳимоя ордерини бериш муддатини бир ойга эмас, балки қайта кўриб чиқиши ва тоифаларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда асосий эътибор, илгари судланган шахс томонидан содир этилган тақдирда 6 ойга, вояга етмаганларга нисбатан содир этилганда 1 йил муддатга ва оддий ҳолатда деб баҳоланган маиший-турмуш жараёнидаги ҳуқуқбузарлик содир этилганда, улардан ҳимояланиш муддатини 3 ойга ҳимоя ордерини бериш.

2. Маиший турмуш доирасидаги турли ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишда миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда ҳудудийлик моделларини шакллантириш. Асосий эътибор, фуқаробай ишлаш тизими жараёнида ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг маиший-турмуш жараёнида юзага келадиган инқирозли

вазиятлардан чиқиши усуллари ва уларнинг биринчи навбатда ўз-ўзларини ҳимоя қилиши ҳамда ҳуқук ва эркинликларига қаратиш.

3. Телевидения орқали намойиш қилинаётган турли хорижий кино, телесериалларни миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиздан келиб чиқсан ҳолда цензурадан ўтказиш. Миллий манфаатларимизга мос бўлмаган кинолар, телесериалларни эфирга узатмаслик бўйича чора-тадбирлар кўриш.

4. Маиший турмуш доирасида содир этилаётган турли ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш учун маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга, ёшларни ота-она ва фарзанд, эр-хотин, ака-ука ва опа-сингил муносабатларига киришишларида уларни босқичма-босқич тарбиялаб бориш мақсадида маҳаллаларда имом-хатиблар иштирокида тушунтириш тарғибот ишларини такомиллаштириш.

5. Ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш мақсадида миллий ўзлигимизга хос бўлган қадриятларни акс эттирувчи видеороликлар, кино ва телесериаллар, реклама баннерлари ҳамда турли тарғибот-ташвиқот материалларини кўпайтириш.

6. Ҳар бир маҳаллаларда психологик бекарорлик ҳукм сураётган оиласида аниқлаш ва ёш эр-хотинларга хизмат кўрсатувчи психологик маслаҳат марказларини жорий этиш.

7. Республикализнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида оиласида ҳавф остида қолган болаларга тезкорлик билан ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус марказлар фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда марказнинг асосий вазифаси ҳавф остида қолган болаларни ота-онасидан ёки хомий восийларидан вақтингчалик изоляция қилиш, унга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, уларни ҳавф бартараф этилгунга қадар сақлаб туриш, оиласидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш ёки ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилиш лозим бўлган вазиятларда бу тўғридаги ҳужжатларни судга тақдим этиш.

8. Маиший-турмуш жараёнида эри ёки бошқа оила аъзолари томонидан тазиикқа учраётган, соғлиги ва ҳаёти ҳавф остида қолган аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этиш. Бунда марказнинг асосий вазифалари аёлларни тиббий ва психологик реабилитация қилиш, вақтингчалик яшаш шароити билан таъминлаш, оиласида муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш ва уларни иш билан таъминлашга ёрдамлашиш.

9. Ҳудудларда майший-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни биринчи навбатда иш билан таъминлашни ташкил этиш лозим.

## **Х У Л О С А**

Жамиятда тинчлик ва осойишталикини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳалқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, Янги Ўзбекистон давлатини қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади.

Хусусан, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қутийи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинганлиги жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада самарали ташкил этиш имконини кенгайтириш имкониятлари ёритилган.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талаблари асосида профилактик тадбирларни амалга оширишда аҳоли, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ҳамда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг содир этилиш сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни маҳаллаларда бартараф этиш, хотин-қизларга нисбатан тазийиқ ва зўравонликнинг турли кўринишларини барвақт олдини олиш ва чек қўйиш бўйича маҳсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш механизми яратилган.

Ушбу ўкув қўлланмада маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пункти ходимлари томонидан нотинч оиласлар, илгари судланганлар, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган, иш билан банд бўлмаган, майший турмуш тарзини мунтазам бузувчи ва зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан маҳалла, кенг жамоатчилик, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш бўлимлари, Республика оила маркази кабилар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларга имконият бераётган омилларни аниқлашнинг илмий таҳлили ва ҳар бир муаммони маҳалла ҳамда

шахс кесимида ҳал этиш билан боғлиқ профилактика чора-тадбирларни амалга ошириш тартиблари баён этилган.

Шунингдек, майший турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни ҳужжатлаштириш ва суд идораларига юбориш амалиёти билан боғлиқ тартиби, маҳалла тизимида турли оиласвий муносабатларни “фуқаробай” ўрганишни янада такомиллаштириш ва миллий урф-одатлар негизидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик, имом-хатиблар, отинойилар ва психологлар ҳамда бошқа соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда сектор ва маҳалла кесимида амалга оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирлар келтирилган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

- 1.1. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – 488 б.
- 1.2. *Мирзиёев Ш.М.* Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – 104 б.
- 1.3. *Мирзиёев Ш.М.* Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада хамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик. // Халқ сўзи. – Т., 2017 йил. 16 июнь.
- 1.4. *Мирзиёев Ш.М.* Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир. // Халқ сўзи. 2017 йил 16 ноябрь.

### **II. Қонун ва қонуности хужжатлар:**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. Ўзбекистон, 2021.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021.
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2021
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т. 2021
- 2.5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т., 2021.
- 2.6. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларация БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси билан 1994 йил 23 февралда қабул килинган.
- 2.7. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.
- 2.8. 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция” 1-модда, 1-қисм (Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1995 йил 31 декабрда кўшилган).
- 2.9. Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги 2020 йил 27 октябрь, ЎРҚ-644-сон Қонуни.
- 2.10. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 11 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
- 2.11. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
- 2.12. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматидан олинган 2019-2020 йилги статистик маълумотлар.
- 2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тасдиқланиб, унда Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланди.
- 2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тасдиқланди.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун професионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-5076-сон қарори.

2.16. Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизларни тазиيқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сонли қонуни.

2.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хотин-қизларни тазиيқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 4 январдаги З-сон қарори.

2.18. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси” дарслиги Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Б.А. Матлюбов 2020 йилдаги дарслик.

2.19. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июндаги «Ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлим ва бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғи.

2.20. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи.

2.21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 11 июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ти 181-сонли буйруғи.

2.22. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 3 февралдаги «Ички ишлар органлари томонидан тазиيқ ва (ёки) зўравонлиқдан жабрланган хотин-қизларга бериладиган ҳимоя ордерларини қайд этиш ҳамда ахборот алмашиб борасида иш юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 51-сонли буйруғи.

2.23.Бошқа журналлар ва норматив хуқуқий хужжатлар ўрганилди.

# МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	3
<b>I боб. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий ва хуқукий асослари</b>	
1.1. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар тушунчasi ва таснифи .....	5
1.2. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар профилактикасининг хуқукий асослари .....	15
<b>II боб. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг бугунги ҳолати таҳлили</b>	
2.1. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили .....	21
2.2. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар содир этилишини тақозо этувчи омиллар таҳлили .....	25
2.3. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда хуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар тавсифи .....	31
2.4. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда хуқуқбузарликлардан жабрланувчи шахслар тавсифи .....	36
<b>III-боб. Ички ишлар органларининг маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкилий-тактик асослари</b>	
3.1. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар ижтимоий профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш.....	39
3.2. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар умумий ва маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш.....	43
3.3. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш.....	51
3.4. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш.....	54
<b>IV-боб Ички ишлар органларининг маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлиги ва иш юритиш фаолияти асослари</b>	
4.1. Ички ишлар органларининг маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳамкорлиги.....	68
4.2. Маиший турмуш соҳасида зўравонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган хуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш .....	76
4.3. Маиший турмуш соҳасида хотин-қизларга нисбатдан содир этилаётган тазийк ва зўравонликнинг турлари, шакиллари ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордерини бериш фаолияти .....	100
Хулоса.....	112
Фойдаланилган адабиётлар .....	114

**Тўлқин Ҳабибуллаевич Ғозибеков**  
*катта ўқитувчи*

**МАИШИЙ ТУРМУШ ЖАРАЁНИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИШ ФАОЛИЯТИ**

**ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА**

Мухаррир Ф.Б.Матяқубова

---

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ 2022 й. Нашриёт-ҳисоб табаги 7,4.  
Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака Ошириш институти,  
100077. Тошкент шаҳар Ҳусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.